# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

№8. 2019




ЖОНАЖОН УЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!







# Устувор вазифалар белгилаб олинди

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тизимда 2019 йилнинг I ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда галдаги долзарб вазифалар муҳокама этилди.**



Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси вакиллари, вазирлик ҳайъати аъзолари, марказий аппарат бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, ҳайъат раиси Ш.Хамраев бошқарган йиғилишда ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, вазирлик тасарруфидаги давлат насос станциялари, уларда ўрнатилган насос агрегатлари, суғориш ва мелиоратив қудуқлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва иншоотларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш борасида амалга оширилган ишлар танқидий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, вазирлик тизимида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 175,0% кўп саноат маҳсулотлари, жумладан, 350 дона электродвигатель ҳамда 340,0 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган. Давлат кафолати остидаги хорижий кредит маблағлари ҳисобига 6 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтларининг жами 72,59 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ўзлаштирилган ёки ҳисобот даврига нисбатан 171 фоизни ташкил этган. Тизимда 866,2 млрд. сўм (тасдиқланган графикка нисбатан 108%) капитал маблағлар ўзлаштирилиб, умумий узунлиги 379,1 км каналлар, 63,2 км лоток тармоқлари, 28 дона гидротехник иншоотлар, насос станцияларнинг 5,3 км узунликдаги босимли қувурлари, 19 дона тик суғориш қудуқларида қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 10,9 км узунликда қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда ҳисобот даврида бир қатор хато ва камчиликларга, қолоқликларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, ҳозирда ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Ҳудудларда лимит бўйича ажратилган сувдан оқилона фойдаланиш, суғоришда тежамкор усуллар, хусусан, томчилатиб суғриш технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, ғўзани суғоришни тунда ўтказиш, айникса, суғоришни шарбат усулида ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Йиғилишда вазирлик таркибий бўлинмалари, тизимдаги республика ва ҳудудий ташкилотлар раҳбарларининг ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳаларда ислоҳотларни янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этишни кенгайтириш ҳисобига сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда сув хўжалигини 2030 йилгача бўлган ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарорига асосан вазирликка 2019 йил учун ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўзлаштирилишини ташкил этиш, вазирлик марказий аппарати, республика ва ҳудудий ташкилотларда ҳужжатлар, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини юритиш ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлашда мутасадди раҳбар ва ходимларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Сув хўжалиги вазирлиги**
**Матбуот хизмати**

# ЯНГИ ТАШКИЛОТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

***Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Карори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан пресс-брифинг ташкил этилди.***



Унда Вазирликнинг Боғдорчилик ва узумчилик бошқармаси бошлиғи Ф. Қирғизбоев, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Саидкарим Маҳмудов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги раҳбари Насриддин Нажимов, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги мутахассислари боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларидаги бугунги ҳолат, соҳани ривожлантиришга доир масалалар бўйича журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Брифингда қайд этилгандек, республикамизда 2018 йилда 2,6 млн тонна мева маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, жорий йилда бу кўрсаткич 2,9 млн. тоннани ташкил этиши режалаштирилган.

Ўзбекистонда жами 269,5 минг гектар боғлар бўлиб, шундан 188 минг гектар боғлар фермер хўжаликлари ихтиёрида. 2018 йилда 9 минг гектар интенсив боғлар барпо этилган.

Боғдорчилик соҳасини техникалар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида 2025 йилгача агротехникалар сонини 12 минг 533 донага кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 780 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари (700 млн. доллардан ортиқ) хўл мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Ташқи бозорга чиқарилган қуритилган мевалар эса 10 268 тоннани ташкил этиб, қиймати 7 9024,8 минг долларни ташкил этди.

Бугунги кунда дунё бозорида айнан қандай мева маҳсулотларига талаб кучайиб бораётгани барчага қизиқ. Ушбу талабни ўрганиш ва қоплаш борасида Ўзбекистон аграр соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундан буён уруғмевали боғлар эмас, балки данакмевали боғларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Республикадаги барча тоифадаги хўжаликларда жами 269,5 минг гектар боғларнинг 118 минг гектар ёки 44 фоизини олма боғлари ташкил этади. Бугунги кунда дунё бозорида асосий талаб гилос, шафтоли, ўрик, олхўри, хурмо ва лимон каби боғдорчилик маҳсулотларига бўлмоқда. 2019 йил 1 июль ҳолатига гилос 17 минг тонна, шафтоли 8,3 минг тонна, ўрик 50 минг тонна, олхўри 15 минг тонна экспорт қилинди. Шу билан бирга, лимонга (2,6 минг тонна) ҳам йил сайин талаб ошиб бормоқда.

Охирги 3 йилда республикамизга боғдорчилик соҳасига 750 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий йилнинг шу давригача 56 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этилиб, уларга 23,7 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилди.

2016-2019 йилларда жами 293 минг гектар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига қўшимча экспортбоп экинлар, жумладан, 93,7 минг гектар сабзавот, 37,5 минг гектар дуккакли, 15,1 минг гектар полиз, 55,6 минг гектар озуқа, 3 минг гектар шоли ва 19,1 минг гектар мойли экинлар экилади ҳамда 27,5 минг гектар интенсив боғлар ва 11 минг гектар токзорлар барпо этилган, 568 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилган.

Республикада анор ва лимон маҳсулотлари кўпайтириш экспорт ҳажмларини ошириш, қолаверса, анор ва лимон брендларини яратиш учун «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси ва «Анор етиштирувчилар» уюшмаси ташкил этилди.

Жаҳон бозорида бугунги кунда анор ва лимонга талаб ошиб бормоқда, шунинг учун жорий йилнинг ўзида 2 минг гектардан ортиқ майдонда анорзорлар ташкил этилди. Бундан ташқари, иссиқхоналарда мандарин ва апельсин ўсимликларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу соҳада боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги тизимидаги Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари ва илмий ходимлари томонидан 2000-2019 йиллар давомида 25 дан ортиқ ўсимликларнинг зараркунандалар ва касалликларга чидамли ҳамда экспортбоп навлари яратилган. Шунингдек, илмий-тадқиқот институти томонидан республика учун анъанавий ва ноанъанавий бўлган 10 турдаги янги мевали дарахт навлари устида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**
**Матбуот хизмати**

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ПАХТАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА КЛАСТЕРЛАРИ ИШЧИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МИРИШКОР ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАРИГА МУРОЖААТИ

**ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 18 июль куни вилоятимизга ташрифи чоғида пахта далаларида бўлиб, ғўза ривожи билан яқиндан танишдилар.

Давлатимиз раҳбари биз – фермерлар билан бўлган учрашувда бу йилги мавсумни пахтачиликда ҳам муваффақиятли якунлаш бўйича олдимизда турган вазифаларни алоҳида таъкидлаб, уларни ҳал этишнинг йўл-йўриқларини аниқ-равшан кўрсатиб бердилар.

Президентимизнинг: **“Чўл қуёши ва ҳаёт синовларида тобланган, омилкор, азму шижоатли сирдарёлик фермерлар ғўза парвариши борасида зарбдор 40 кунлик эълон қилиб, шу вақт мобайнида ўзларини аямасдан, астойдил меҳнат қилиб, вилоятда ғалла етиштириш бўйича эришилган ютуқлар тасодиф эмаслигини исботлайдилар, деб ишонаман. Воҳанинг азамат деҳқонлари қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил ва катта даромад олиб, фаровон ва бадавлат яшашга тўла ҳақлидирлар. Бугун даладаги ғўзанинг баравж ривожини кўриб, бунга ҳар томонлама амин бўлдим”, деган фикрлари бизни янада руҳлантириб юборди. Бу сўзлар биз учун албатта дастуриламал бўлиб хизмат қилади.**

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсум пахтачиликда мўл ҳосил етиштириш учун жуда қулай келди. Бу борада қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ғўзани парвариш қилишда агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш учун давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилаётгани биз – деҳқон ва фермерларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Айниқса, пахтанинг харид нархи ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,3 баробар оширилиб, унинг 1 тоннаси учун 4 миллион сўм нарх белгилангани, имтиёзли кредитлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида жойларга етказиб берилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, бу йилги об-ҳаво шароитида зарарли ҳашаротлар кўп бўлганини ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун республикамиз бюджетидан дотация сифатидат 120 миллиард сўм, жумладан, Сирдарё вилояти фермерларига 10,5 миллиард сўм маблағ ажратилганини таъкидлаш зарур.

Бу йил пахтачиликка томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган фермерларга давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир гектар ер учун 8 миллион сўмдан субсидия маблағи ажратилаётгани ҳам муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожига қаратилган яна бир амалий эътиборни алоҳида қайд этиш лозим. Икки йилдан буён фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли насос агрегатлари томонидан сарфланаётган электр энергияси қиймати давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Сўнгги йилларда қўшилган қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани пахтачилик тармоғидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Жорий йилда вилоятимизда 38 минг гектар ерда ёки умумий пахта майдонининг 52 фоизида 5 та замонавий кластер корхонаси фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан 350 дан ортиқ янги қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилингани чигит экишни 10—12 иш кунида якунлаш имконини берди.

Бу ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кластерларнинг тажрибали мутахассислари далага чигит экилганидан буён биз билан ёнма-ён туриб, ғўза парвариши билан боғлиқ барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг биз – фермер ва деҳқонларга кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга бериб келаётган юксак баҳоси қалбимизга қувонч ва ғурур бағишлаб, ўз кучимизга бўлган ишончимизни янада оширади, айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Бу масъулият биздан янада самарали меҳнат қилишни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори пахтачилик бўйича зиммамизга олган шартнома мажбуриятимизни ҳам шараф билан адо этишимизни тақозо қилишини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Айниқса, ҳосил тақдирида ҳал қилувчи палла бошланаётган шу кунларда бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Чиндан ҳам, машаққатли меҳнат ва катта харажат эвазига етиштирилаётган ҳосилни нафақат тўла сақлаб қолиш, балки уни янада кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддилари, сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа мутахассислари билан биргаликда барча фермер ва деҳқонлар масъулиятни икки карра ошириб, куну тун далада бўлишимиз, бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз ҳамда бу йил ғалла каби пахтадан ҳам мўл ҳосил ва юқори даромад олишимиз шарт.

Кўпни кўрган тажрибали фермер ва деҳқонларимиз июль-август ойлари ғўза айни ривожланадиган, деҳқончасига айтганда, экин кечаю кундуз кучга кирадиган, ҳосил тўплайдиган энг долзарб палла эканини, бу даврда қандай агротехника ишлари амалга оширилиши зарурлигини жуда яхши биладилар.

Буни тўғри тушунадиган вилоятимиз фермерлари 2019 йил пахта ҳосили учун тузилган контрактация шартномаларини қайта кўриб чиқдилар. Натижада пахта етиштирадиган 1 минг 474 та фермер хўжалигининг 282 таси режадаги 26,7 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан, 897 таси 35 центнердан ва 295 таси 30 центнердан юқори ҳосил олиш учун янгитдан шартномалар тузиб, пахта тайёрлаш шартномавий режасини вилоят бўйича ошириб бажаришга қарор қилдилар.

## ҲУРМАТЛИ МИРИШКОР ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАР!

Биз – сирдарёлик фермер ва деҳқонлар, пахтачилик кластерларининг ишчи ва ходимлари ғўза ривожида ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, 20 июлдан 30 августгача бўлган муддатни мамлакатимизда “Ғўзадан кафолатли ҳосил яратишнинг 40 кунлик зарбдор ойлиги” деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Ана шу зарбдор давр мобайнида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, қайтадан, пухта режалаштириб олайлик.

**Иккинчидан,** деҳқонларимизнинг тўплаган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратайлик.

Сир эмас, кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари юртимизда ҳам сезилмоқда. Жорий йил 11 июлдан буён республикамизнинг барча ҳудудида қуруқ ва жазирама ҳаво сақланиб қолмоқда. Ҳарорат ўтган йилларнинг шу давридаги ўртача меъёрдан 5—7 даража юқори бўлмоқда.

Бундай ҳолат барчамиздан янада тадбиркорлик билан ишлашни талаб этади. Биз табиат инжиқликларини ўз билим, тажриба ва маҳоратимиз билан мардонавор енгиб ўтишимиз, ўтган йиллардаги натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада юқори марраларни кўзлаб иш тутишимиз лозим.

Шу кунларда сувчилар сонини икки баробар кўпайтириб, улар учун зарур шароитлар яратиб, кечаю кундуз ғўзани сифатли суғоришни таъминлайлик.

“Зар қадрини заргар, сув қадрини сувчи билади”, дейди халқимиз. Шу ҳикматга амал қилиб, сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, ғўзани фақат тунда, қатъий тизим асосида, шарбат усулида суғориб, ғўзанинг тагида доимо нам сақланишига алоҳида эътибор қаратайлик.

**Учинчидан,** мавжуд культиваторларни даладан чиқармасдан, уларнинг “отряд” ва “наряд” тизимида ишлашини ташкил этиб, суғорилган майдонлар тобга келиши билан уларни пешма-пеш “майин” культивация қилайлик.

**Тўртинчидан,** ғўзани чеканка қилишни 25 июлга қадар тўлиқ якунлаб, заракунанда ҳашаротларга қарши комплекс ёндашув асосида курашишни давом эттириб, ғўзага махсус препаратлар билан ишлов беришга ҳамда ушбу тадбирларни куннинг салқин пайтларида амалга оширишга аҳамият берайлик.

Мухтасар айтганда, табиат ўзбек деҳқонларининг нимага қодир эканини, уларнинг сабр-бардоши, билим ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказаётган шу кунларда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муҳим агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб, барча саъй-ҳаракатларимизни пахтадан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирайлик.

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР!

Бугун халқимиз бизни “ризқ-рўзимиз бунёдкорлари” деб улуғлаб, азму шижоатимиз, ғайрат ва матонатимизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз керак.

Дастурхонимиз тўкин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бизнинг машаққатли меҳнатимизга боғлиқ. Нега деганда, бугунги кунда пахтачиликнинг нафақат мамлакатимиз саноати ривожидаги, балки аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни ҳам беқиёс бўлиб, уни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Хусусан, бозорларимизни гўшт, сут, тухум каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда мазкур тармоқнинг роли нақадар катта эканини унутмайлик.

**Биз мухтарам Юртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз!**

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизга қут-барака тилаймиз. Бу йилги мавсумда улкан хирмон барпо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин.

**СИРДАРЁЛИК ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАР.**

# Август – ҳосилга ҳосил қўшиш ойи

**Глобал иқлим ўзгаришлари туфайли кейинги йилларда об-ҳаво ҳарорати кескин кўтарилмоқда. Жорий йилда ҳам ҳарорат ҳар қачонгидан юқори бўлди. Бу эса ғўза парваришида агротехника тадбирларни ўтказишда омилкорликни талаб қилмоқда. Бу борада олимларимиз кўп йиллик тадқиқотлар натижалари асосида қуйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этишади.**

Ғўза агротехникасида август пахта ҳосили салмоғини ошириш учун ниҳоятда муҳим ой ҳисобланади. Негаки, ҳосилнинг мўл бўлиши айни шу ойдаги меҳнат натижаси билан ўлчанади. Эътиборсизлик, ғўзани ўз ҳолига ташлаб қўйиш туфайли ҳосилни барбод қилиш, кўсаклар очилишини кечиктириб юбориш ҳам мумкин. Шунинг учун ушбу ойда меҳнаткашларнинг ўрни фақат далада бўлиши, сувчи, механизатор, энтомолог, агроном ўз ишига ўта жиддий ёндашмоғи даркор.

Ғўзанинг ўсишини бошқариш учун қўлланиладиган стимулятор ва ретардантлардан самарали фойдаланиш, қондириб суғориш, қатор орасини юмшатилган ҳолда сақлаш, кўсак қурти, ўргимчаккана, қандала, ширалар хуружидан ҳимоя қилиш, хавфли касалликларга қарши чоралар кўриш шулар жумласидандир.



**Умуман, барча далаларда ғўзанинг ўсиб-ривожланишини жадаллаштириш, ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш, жазирама иссиққа бардошлигини ошириш, ҳосил элементлари тўкилишини камайтириш мақсадида турли стимуляторлар (ғўзанинг гуллаш, ҳосил тугиш-кўсаклаш даврларида “Узгуми” 0,4 л/га ёки “Байкал ЭМ-1” 3,5 л/га), ретардантлар (ғўзада 11–12 ҳосил шохи шаклланганда (бўйи 80–100 см) “Энтожеан” 90–100 г/га) қўлланилиши ғўза ривожини 10–15 кунга жадаллаштириш имконини беради.**

Айни пайтда ғўза қатор ораларида турли бегона ўтлар ҳам зўр бериб ўсиб, ҳашаротларни ўзига жалб этиш билан бирга, турли зарарли микроорганизмлар кўпайиб, пастки ярусдаги кўсакларнинг чиришига, макроспариоз ва бошқа чириш касалликлари кўпайишига олиб келади. Шу сабабли ҳар бир дала яна бир марта кўздан кечирилиб, бегона ўтлардан батамом тозаланишига жиддий эътибор қаратиш зарур.

**Суғориш сувидан самарали фойдаланиш ҳам жуда муҳим**. Бунда суғориш шарбат усулида олиб борилса, намлик узоқроқ сақланади, ғўза тез чанқаб қолмайди, суғоришлар оралиғи узаяди, кўсаклар тезроқ тўлишади, янги кўсаклар пайдо бўлади.

Августнинг бошларида ривожи кечки, бўйи пастроқ бўлган далаларда ҳам ғўзани чилпиш ишларини якунига етказиш лозим. Шу йўл билан кечки ғўза далаларида ҳам ҳосилнинг эртароқ пишиб етилиши ва ҳосил салмоғи баракали бўлишига эришиш мумкин.

**Айниқса, ғўзани оби-тобида суғориш жуда муҳимдир.** Ғўзани асосан тунда, қисқа муддатда суғориш тавсия этилади. Акс ҳолда далада намлик миқдори ортиб, ғўза димиқиб қолади, ҳосил элементлари жуда кўп тўкилади, айниқса, кўсак қурти, қандалалар ривожи учун қулай бўлади ва ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади. Суғориш енгил ва кам меъёрда 15–18 кун оралатиб 1–2 марта ўтказилса, ғўза қатор орасига ишлов бериш тезлашади, бу эса кўсаклар етилишини тезлаштиради ва салмоғини оширади.

Сув тақчил жойларда ғўза жуда чанқатиб қўйилса, гул ва тугунчаларни тўлиқ тўкиб юборади ва кўсаклар кичрайиб, вазни 1–2 г камайиб кетади, толаси яхши етилмайди, чигити пуч бўлиб қолади, оқибатда ҳосил салмоғига путур етади. Тажрибаларга кўра, бундай шароитда 40–50% ҳосил нишоналари тўкилиб кетиши мумкин. Борди-ю, далалар кўллатиб узоқ вақт суғорилса, ғўза бўйига ўсади, бачкилайди ва ғовлаб кетади, ҳосилини тўкиб юборади, пастки қаватдаги кўсаклари чирийди, қорайиб касалланиб қолади, тола сифати пасаяди.

**Ғўза чанқаганлиги оқ гулининг тепага чиқиб кетишидан ва ғўзанинг ранги тўқ кўк тусга кириб, қорайиб кўринишидан билинади.**

Кўп йиллик тадқиқотларга кўра, ғўзани гуллаш-ҳосил тўплаш даврида суғориш меъёри гектарига 900–1100, пишиб кўсаклар очилиши даврида 700–800 кубметрдан оширмаслик керак.

Таъкидлаш жоизки, август ойида ғўза қатор орасини культивация қилиш жудаям фойдали саналиб, ғўза туплари орасида ҳаво алмашинувини яхшилайди, кўсакларга иссиқ ҳаво ва шамол тегиб, аэрация яхшиланиши натижасида кўсаклар тез етилади ва тола сифати ортади. Шу ойда ғўза қатор ораларида шохлари туташиб-бирлашиб кетмаган далаларда 1–2 марта культивация қилиниши мумкин. Лекин қатор орасида культивация шундай ўтказилиши керакки, ғўза тупларига ва шохларига зиён етказмасин, кўсакларни шикастлантирмасин, тўкмасин, ғўза пояларини пайхон қилмасин. Шунинг учун культиватор ишчи органлари яхшилаб, сирти силлиқ қилиб ўралган, ғилдираклар олди суйри қилиб ҳимояланган, ғўза шохлари ва ҳосил элементларига зарар етказмайдиган бўлиши лозим. Мазкур жараёнда трактор бир маромда, ўртача тезликда юриши талаб этилади.

Агар культивация кечиктириб ўтказилса, эгатлар ораси қуриб, юзаси ёрилади, ғўзанинг илдизлари шикастланиб кесилади, намлик тез буғланиб кетади, бегона ўтлар тез ўсади, ғўзанинг гуллари ва тугунчалари тўкилиб, ҳосилдорлик 15-25% камаяди, бир сўз билан айтганда, культивация 1–2 кунга кечикса пахта ҳосили 1–2 ц/га, 2–3 кунга кечиктирилса - 3–4 ц/га камайиб кетади.

Культивацияни жуда чуқур ўтказиш ҳам шарт эмас. Юза ўтказилган культивация далани пахта теримига яхши тайёрлаш имконини ҳам беради. Пахта териш машиналари бир текис юришига қулай бўлади.

Ғўза қатор оралиғи 60 см ва қўшқатор қилиб экилган майдонларда ғўза шохлари бир-бири билан туташгандан сўнг, культивация ўтказиш тавсия этилмайди, чунки культиватор ўтиши натижасида пояларни пайхон қилиб, ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, шу ойда тунлари бироз салқин тушади, ҳаво эса қуруқ ва иссиқ бўлади. Бундай шароитда кўсак қурти,

ўргимчаккана, беда қандаласи ва қора шира каби зараркунандалар жуда тез кўпаяди. Шу сабабали зарарли ҳашаротларга қарши курашни терим давригача давом эттириш зарур. Чунки озгина эътиборсизлик туфайли тўпланган ҳосил бой берилиши мумкин.

Зараркунандаларга қарши курашишда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари тавсиясига асосан биологик кураш усулидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Биофон мавжуд бўлган далаларда зараркунанда ҳашаротлар кескин кўпайиб кетмайди. Агар ҳашаротлар сони иқтисодий зарар етказиш мезонидан ортиб, сони жуда кўпайиб кетса, тавсия этилган кимёвий препаратларни қўллаш керак.

Кўсак куртининг тухуми ва кичик ёшли куртлари мавжуд майдонларда аввал гектарига 1–2 граммдан трихограмма тарқатиш, сўнгра 3–4 кун оралатиб уч маротаба (биринчиси 1:10, иккинчиси 1:5 ва учинчиси 1:10 нисбатда) 1000–2000 донадан бракон энтомофагини учириш тавсия этилади.

Ўргимчаккана тарқалган ерларда акарицидлар билан тизимли ишлов бериш, “Вертимек”, “Узмайт”, “Энтомайт” ва бошқа препаратлар қўлланса, уларни тезда бартараф этади.

Ғўзани август ойида парваришлашда юқоридаги ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши керак. Шундагини кўзланган мақсадга эришилиб, ғўза ривожи жадаллашиб, ҳосилига ҳосил қўшилади ва шу тарзда асад ойида экин “ясатилади”.

**Ш. АБДУАЛИМОВ,**
*қ.х.ф.д., профессор*

# Ғўза дефолиацияси – муҳим тадбир

Деҳқонларимизнинг меҳнати эвазига етиштирилган пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини пасайтирмай, ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олишда ғўза дефолиациясини ўз муддатида ва сифатли ўтказиш пахтачиликдаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ғўза дефолиациясини ўтказишда ғўзанинг биологик хусусиятларидан, об-ҳаво шароитларидан келиб чиққан ҳолда, қўлланиладиган дефолиантларнинг қўллаш муддатлари ҳамда меъёрларини аниқ белгилаш орқали ғўзанинг баргларини сифатли сунъий тўктириш натижасида кўсакларнинг очилиши учун керакли микроиқлимий шароитни яратиш зарурдир. Бу айниқса, жорий йилда баҳор ойларининг серёғин келиши сабабли кўплаб майдонларда чигитнинг қайта экилиши, шунингдек, республикамизда июль ойида кузатилган аномал иссиқликнинг таъсирида ғўзада ҳосил тўплаш фазасининг узайиши натижасида ғўза ривожи кечиккан майдонларда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилганда баргларнинг тўкилишигина таъминланиб қолмасдан, балки ғўзадаги бўлиқ кўсаклар 10–15 кун эрта пишиб етилади, пировардида 1-терим салмоғи 15–20 фоизга ошади.

Шу нуқтаи назардан фермер хўжалиги раҳбарлари ва дефолиация ишларига бевосита қатнашадиган ҳар бир масъул ходим ушбу тадбирни сифатли ўтказиш учун қуйидагиларга тўлиқ риоя қилишлари лозим.

**Ғўза майдонларини дефолиацияга тайёрлашда** дала ичидаги ва атрофидаги ўқариқлар кўмилиши зарур. Айланма майдончасидаги ғўзалар 8–12 м кенгликда десикация қилиниб, ўриб-йиғиштириб олиниши керак, сўнгра дала четига чиқарилиб, йиғиб қўйилади. Бу тадбирнинг амалга оширилишидан асосий мақсад, дефолиация жараёнида қўлланиладиган трактор агрегатлари бир текис ишлашини таъминлашдир.

**Шунингдек, ғўза қатор ораларида тупроқ намлиги 60–65% атрофида ёки содда қилиб тушунтирилганда трактор юрганда ғилдирак излари билинадиган даражада бўлиши лозим.** Агарда тупроқ намлиги 60–65 фоиздан тушиб кетса, ғўза баргидаги суюқлик концентрацияси ошиши ҳисобига, баргларнинг дефолиантларни



сингдириб олиш қобилияти пасаяди. Натижада эса дефолиантларнинг самараси пасайиб, ғўза баргларининг тўкилиши камаяди. Агарда тупроқ намлиги ошиб кетса, ўсимликдаги шира концентрацияси пасайиши ҳисобига, дефолиантларнинг таъсири камаяди ва ғўзада иккиламчи ўсиш содир бўлиб, кўсаклар очилиши кечикади. Сизот сувлар чуқур жойлашган қуруқ тупроқли далаларни дефолиация қилишдан 10–12 олдин енгил суғориш тавсия этилади.

**Дефолиация самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бири ҳаво ҳароратидир.** Ҳаво ҳарорати ҳар бир дефолиантнинг кимёвий хусусиятидан келиб чиқиб унинг турли даражада таъсир этишига олиб келади. Бинобарин, ўсимликка юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар ҳаво ҳарорати ўртача 22–25°С бўлганда яхши самара берса, 22°С дан пасайганда таъсири сезиларли даражада камаяди. Нисбатан юмшоқ таъсир этувчи УзДЕФ, ПолиДЕФ, ФанДЕФ дефолиантлари 20–22°С да ҳам яхши самара бераверади, аммо ҳаво ҳарорати 18°С дан тушиб кетса ғўза баргларини етарлича тўкмайди.

**Дефолиацияни ўтказишда унинг муддатини ва гектарига қўлланилиш меъёрини тўғри белгилаш энг муҳим вазифалардан бирирдир.** Чунки, муддатидан олдин дефолиация ўтказилса, унинг салбий оқибатлари намоён бўлади, яъни пахта ҳосили ва сифатига путур етади. Агар муддатидан кечикиб ўтказилса, кутилган натижани бермайди, яъни барглар кам тўкилади. Худди шундай, дефолиантларни қўллаш меъёри ошиб кетса, пахта ҳосили ва сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Аксинча, кам меъёрларда қўлланилса, унинг фойдаси сезилмайди. Дефолиация муддати ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ғўза навларининг морфо-биологик хусусиятларига қараб белгиланади.

Турли ғўза навларига дефолиантлар ҳам турлича таьсир этади. Масалан, ўртапишар, барги катта ва қалин, сербарг навлар дефолиантларга камроқ таъсирчан, тезпишар, барги кичик ва юпқа навлар кучли таъсирчан бўлади. Хусусан, тезпишар “Наманган-77”, “Султон”, “Бухоро-102”, “Ан-Боёвут-2”, “Омад”, “Андижон-35”, С-4727, “Андижон-36”, “Бешқаҳрамон”,

"Хоразм-150", "Дўстлик", "Чимбой-5018", "Наманган-34" навларнинг дефолиантларга таъсирчанлиги юқори, ўртапишар – С-6524, "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Хоразм-127", "Меҳнат", С-6541 навлари эса дефолиантларга таъсирчанлиги нисбатан пастроқ бўлади.

Шу боис дефолиантларга таъсирчан навларга камроқ меъёрларда дефолиант қўлланилса ҳам бўлади. Ғўза навларининг биологик етилганлиги ҳам муҳим кўрсаткич бўлиб, **бу йилги шароитда ғўза ривожининг кечикаётганлигини инобатга олиб, ўрта толали ғўза навларида ғўза кўсакларининг 30–40 фоизи очилган муддатида, ингичка толали ғўза навларида эса 50–60 фоизи очилган муддатида дефолиация ўтказиш лозим.** Далаларда кўсакларнинг очилиш даражасини аниқлаш учун ҳар бир даланинг камида 3 жойидан диагонал бўйича ёки 5 жойидан конверт усулида 10 м$^2$ (60 см қатор оралиғида 16,6 м, 90 см қатор орлиғида 11,1 м) майдондаги кўчат сони, жами кўсаклар сони ва шундан очилганлари ҳисоблаб чиқилади. Шунга қараб ушбу далада дефолиация ўтказиш муддати ва меъёри белгиланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, амалиётда ғўзанинг юқори ярусидаги иккинчи кўсаги пичоқ билан кесиб кўрилганда у қийин кесилса ёки чигит пўстлоғи қорайган бўлса, дефолиацияни ўтказиш мумкин бўлади.

Ғўзани дефолиация қилишда пайкаллардаги кўчат қалинлигини ҳам алоҳида эътиборга олиб, дефолиантлар сарфини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, қўшқатор экиладиган майдонларда кўчат қалинлиги 140–160 минг тупдан юқори бўлиши, барг сатҳининг ҳам ошиб боришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бундай майдонларда дефолиантлар меъёрини 15–20 фоизгача ошириш тавсия этилади.

Дефолиация даврида ҳаво ҳарорати 22–25°С бўлганда СуперХМД-с, УзДЕФ, ПолиДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини ғўзанинг морфобиологик ҳолатидан келиб чиқиб, яъни тезпишар навлар экилиб, меъёрида ривожланган майдонларда 6,5–7,0 л/га, ўртапишар навлар экилиб, нисбатан кўпроқ биомассага эга бўлган майдонларда 7,0–7,5 л/га меъёрларда қўллаш лозим. Ҳаво ҳарорати 18–20°С ва ундан пасайганда эса юқоридаги меъёрларни 10–15 фоизгача ошириш керак.

Дефолиацияни сифатли амалга ошириш учун, аввал ишчи эритмани тўғри тайёрлаш керак. Бугунги кунда дефолиант ишчи эритмаларини тайёрлаш учун марказлашган бетон ҳовузлар ва металл идишлар барпо этилган. Улар асосан қуйидаги 3 қисмга бўлинади. Биринчи қисмида тоза сувни 4000–5000 л ҳажмли идишга солиниб, бир сутка давомида тиндирилади. Эритма тайёрланиш жараёнининг иккинчи қисмида ҳовузга ёки металл идишга кунлик керакли ишчи аралашма тайёрланади. Учинчи қисмидаги ҳовузга ёки металл идишларда тайёр эритма сақланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эритма тайёрлашдан олдин ғўзанинг ҳолатини ўрганиб чиқиш керак ва сўнгра ғўзанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида эритмалар тайёрлаш зарур. Жойлардаги мутахассис агрономлар ғўзанинг ҳолатини аниқлаб олгандан сўнг, шунга мос равишда, сувга қўшиладиган дефолиант меъёрини белгилаб беришади. Эритма тайёрланадиган идишларда сув меъёрини кўрсатувчи махсус белгилар қўйилади. Дефолиантларни сувга қўшиб, насослар ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган аралашмалар бошқа ҳовузга насослар ёрдамида тортиб олиниб, аралаштирилиб турилади. Тайёр бўлган аралашмани автомашина ёки трактор тиркамаларига ўрнатилган цистерналарга солиб, ОВХ агрегатлари ишлаётган далаларга олиб борилади.

Ғўза дефолиациясини самарали ўтказиш катта ташкилотчилик ва уюшқоқликни талаб этади. Бунда ҳар бир ҳудуд учун дефолиация ўтказиш графиги агроном, фермер ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ғўзанинг биологик етилганлиги инобатга олиниб, кунлик дефолиация ўтказиш майдони аниқланади.

Туманда ҳудудлар бўйича дефолиация ўтказувчи ишчи гуруҳлари ташкил қилиниб, ҳар бир гуруҳга энтомолог-агроном, аралашма тайёрлаш марказида 5–6 нафар мавсумий ишчи, сув ташиш агрегати, камида 2–3 та ОВХ пуркагичи, аралашма ташиш агрегати ва тиббиёт хизмати ходими бириктирилади. Ишчи гуруҳни энтомолог-агроном бошқаради. Унинг тавсиясига кўра, дефолиация қилинадиган дала танланади, дефолиантлар меъёри белгиланади ҳамда керакли тартибда ишчи аралашма тайёрланади ва график бўйича дефолиантлар трактор агрегатлари ёки самолётлар ёрдамида сепилади. Гуруҳ раҳбари ҳар куни эртанги кун дефолиация қилинадиган майдонларни кўриб, белгилаб қўяди ва зарурий тавсияларни беради. Ишчи гуруҳи барча шароит ва керакли иш асбоблари билан таъминланган бўлиши шарт.

Дефолиантлар куннинг салқин пайтларида сепилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, шамол тезлиги 3–5 м/сек. дан паст бўлиши лозим. Агар шамол тезлиги 5 м/сек. ва ундан юқори бўлса, дефолиация ўтказиш вақтинча тўхтатилади.

Юқоридаги тавсиялар асосида дефолиация уюшқоқлик билан ўтказилса, 12–15 кун ўтгандан кейин 85–90 фоиздан зиёд барглар тўкилиб, кўсаклар 90 фоизгача очилади ва пахта теримига киришилади.

**Ф.ТЕШАЕВ,**
*қ.х.ф.д., профессор,*
**С.АЛЛАНАЗАРОВ,**
*қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,*
**У.АБДУРАХМАНОВ,**
*қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,*
*(ПСУЕАИТИ).*

# Дори пуркагич агрегатини самарали ишлатиш

Ғўза дефолиацияси – ўсимликка кимёвий препаратлар сепиш орқали баргларни сунъий тўктириш – нафақат кўсакларнинг очилишини тезлатувчи, пахтанинг умумий ҳосилдорлиги ва тола чиқими миқдорини оширувчи, балки ғўза тупларини кўм-кўк барглардан халос этиб, пахталари лўппи-лўппи чаноқлар сони ва салмоғини кўпайтирувчи, қўйингки, пахтадан оппоқ гулдаста ясовчи ўзига хос агротехник тадбирдир.

Ғўза дефолиацияси VP-1, ОВХ-600 вентиляторли, ОШУ-50, ОПШХ-12/5 штангали дори пуркагич ва МТЗ-80Х, ТТЗ-100.11 ёки ТТЗ-80.11 тракторларнинг бири билан тузилган осма агрегат ёрдамида бажарилади. Дефолиация самараси кўп жиҳатдан мазкур агрегатни тўғри ростлаш ва ишлатишга боғлиқ.

Ғўза дефолиациясида агрегатга қўйиладиган талаблар:

эритманинг агрегат қамров кенглиги бўйича бир текис тақсимланиши;

ғўза тупларига пуркалаётган эритма заррачаларининг майдалик даражаси (дисперслиги);

ғўза барглари сиртининг эритма билан қопланиш даражаси (бир квадрат сантиметр юзага тўғри келадиган томчилар сони 25 донадан ортиқ бўлиши зарур);

терим олдидан ғўза баргларининг тўкилиш даражаси 85–90% (бир туп ғўзада кўпи билан 3 дона кўк барг ва 4 дона қуруқ барг қолишига йўл қўйилади).

Вентиляторли пуркагичларни ишлатиш тартиблари:

пуркагичнинг остки қисмини юмшоқ мато ёки қоплар билан ўрамасдан дефолиацияни бошлашга рухсат этилмайди;

агрегатнинг ишчи тезлиги – ғўзалари паст бўйли ва сийрак майдонларда 6,3–7,5 км/соат, ғўзаси баланд ва қалин майдонларда 5,3–6,5 км/соат. Агрегат тезлиги ҳар бир даладаги ғўзанинг ривожига қараб индивидуал равишда танланади;



шамолнинг тезлиги 1,0 м/с. дан паст бўлса эритмани агрегатнинг орқа томонидан ёйиб сепиш усули (вентилятор тебранма ҳаракат қилади), 1–3 м/с оралиғида бўлганда, шамолнинг йўналиши бўйича ёнбошдан пуркаш усули (вентиляторнинг тебранма ҳаракати тўхтатилади) қўлланилади. Шамолнинг тезлиги 4 м/с. дан юқори бўлса, вентиляторли пуркагичлар ўрнига штангали пуркагичлардан фойдаланиш зарур;

вентилятор соплосининг тебраниш амплитудаси ғўзанинг ривожига қараб ростланади: паст бўйли ғўза майдонлари учун 180$^{O}$, ўртача бўйли ғўза майдонлари учун 1600, баланд бўйли ғўза майдонлари учун 140$^{O}$;

дефолиация жараёнида вентиляторнинг пастки қирраси ва ғўза тупларининг учи орасидаги масофа 0,8–1 метр бўлиши таъминланади; агрегатнинг кундалик иш унумини режалаштиришда эритманинг пуркалиш (қамров) кенглиги ҳисобга олинади (ОВХ-600 пуркагичда 15–30 метр);

тўзитгич қопқоқлари унинг корпусига конуси ичкарига қараган ҳолатда маҳкамланганда суюқлик кам сарфланади ва майда томчилар шаклида пуркалади. Қопқоқлар конуси ташқарига қараган ҳолатда маҳкамланса суюқлик сарфи ортади ва йирикроқ пуркалади;

манометр стрелкаси 1 атмосферадан паст босимни кўрсатганда фильтр ифлосланган ёки насос бузилган ёки баклар бўшаган бўлади;

агрегатни бакларда эритма тамом бўлгунча ишлатиш асло мумкин эмас - насос дарҳол ишдан чиқади.

Тўзитгичларни сим билан тозалаш ман этилади!

Механизаторлар, агрономлар ва фермерлар юқоридаги тавсияларга амал қилсалар, ҳосилга ҳосил қўшилади, машина теримида ҳам, қўл теримида ҳам иш унуми юқори бўлади.

**М.ТОШБОЛТАЕВ,**
*т.ф.д., профессор,*
*(ҚХМИТИ)*

# Боғбон-соҳибкорлар учун қизғин палла боғ-токзорларда август ойида бажариладиган агротехник тадбирлар

Август ойи фермер ва деҳқон миришкорлар учун жуда долзарб ҳисобланади, чунки бир томондан ёзнинг энг иссиқ даври (чилла) бўлса, иккинчи томондан ҳар хил турдаги мевалар навларининг бирин-кетин пишиб етилиш давридир. Бу вақтда қилинадиган ишлар ҳам кўпаяди ва ҳарорат юқори бўлиши боис маҳсулотлар бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу кунларда боғларда ҳосилга кирган ва ҳосили етилган меваларни териб олишга киришилади. Мева истеъмолчининг талабидан келиб чиққан ҳолда техник пишиш ёки физиологик пишиш даврида терилади.

Боғларнинг қатор оралари ишлов берилган ва тоза бўлиши шарт. Август ойи бошида берилган сув чилла суви бўлиб, анча самарали бўлади. Ой давомида ҳосилли боғлар ва айниқса ёш боғларда тупроқнинг намлик даражасига катта аҳамият бериш зарур. Тупроқ шароити ва ўсимликнинг туридан келиб чиққан ҳолда камида 2 маротаба, ёш боғларда камида 3 маротаба суғориш керак.



Ҳосилли боғларда бу даврда келаси йил учун мева куртаклари шакллана бошлайди ва тупроқда нам етишмаса, бу жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида келаси йил ҳосилига салбий таъсир этади.

Ёзги шакл бериш аҳамияти данакли боғларда ва ёш уруғли интенсив боғларда жуда яхши самара беради.

Мева куртаклари шаклланадиган даврда, август ойида дарахт танасига ёруғлик тушиш миқдори кескин ошади ва бу куртак шаклланишига ҳамда данакли дарахтларда мева шохларининг пишиб етилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ёш симбағазли интенсив боғларда янги новдалар эгилиб боғланади. Бу мева куртакларининг шаклланишини жадаллаштиради. Новдани боғлашда иложи борича уни эркин 70–800 бурчак остида эгиб боғлаш зарур.

Айни кунларда боғ ва токзорларда бўлган кишининг у ердаги мева-узум ҳосилининг ғарқ пишганини кўриб, халқимиз ризқи улуғлигига яна бир бора амин бўлади. Ана шундай долзарб паллада етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш боғбонлардан катта масъулият талаб қилади.

Териб олинган маҳсулотлар қуёш нури остида қолиб кетмаслиги зарур, уларни қатор ораларидан олиб чиқиб, пана (салқин) ерга жойлаштириш лозим. Бу ерда уларни саралаб ва сараланган навларга қараб тез орада (истеъмолчи, қайта ишлаб чиқариш,

экспортга ва ҳ.к.) кўзда тутилган истеъмолчига жўнатиш зарур.

Боғларда кечпишар мева навларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида дорилаш ишларини ўз вақтида ўтказиш лозим. Беҳи, кечпишар олма ва нок боғларида олма куртининг учинчи авлодига ва нок ширасига қарши июль ойининг охирги беш кунлигида пуркаш ўтказилмаган бўлса, августнинг биринчи беш кунлигида бу тадбир ўтказилса самарали бўлади.

Бунинг учун кенг тарқалган “Нурел-Д”, БИ-58, “Зиппер”, “Ариво” 100 л сувга 100–120 г ҳисобидан ёки “Циперфос” 100 г, “Каратэ”, “Децис”, “Суми-альфа”, “Шерпо” (100 л сувга 40–50 г) қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш мумкин.

Мева каналарининг тарқалиши кузатилса, бу препаратларга “Вертемекс”, “Неорон”, “Абамиктин”, “Нисорон” препаратларини (100 л сувга 50–150 г) қўшиб омухта ишчи суюқлиги билан пуркалади. Намланувчи олтингугуртнинг 1 фоизлиги ҳам самара беради.

Токзорларда қалинлашиб кетган катта шох-новдаларнинг юқори қисмини қисқартириб, кесиб ташлаш, яъни чеканка қилиш ишларини бажариш керак. Темир-бетон устунларда (шпалер) ток ўстирилаётган бўлса, охирги симбағаздан 50 см. дан юқори қисми кесиб ташланади.

Чеканка натижасида новдалар ва мевалар яхши пишади, шираси ошади ва кейинчалик токни кесиш осонлашади. Ўртапишар узум навларининг ҳосили териб олина бошлайди.

Кечпишар узум навлари пишишидан 15–20 кун олдин токзор суғорилади.

Токзорларда чилла даври чиқиши билан қалинлашиб кетган тупларда узумбошларига соя ташлаб турган барглар олиб ташланади. Кул касаллиги (оидиум) тарқалиши кузатилса, олтингугурт (1 гектар токзорга сарфи 30–40 кг) чанглатилади.

## Мева-узум ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш

Август ойида олманинг қишнинг ўрталаригача сақланадиган навлари махсус териб олиниб, совуқхоналарга жойланади (“Ред Делишес”, “Кинг Девид”, “Джонатан” ва бошқалар).

Хориждан олиб келинган кўчатлардан шаклланган интенсив боғлардаги “Джонаголд”, “Красный Делишес”, “Ред Чиф”, “Дженемин” каби навлар ҳам август ойида етилади ва улар совутгичларда январь-февраль ойларигача бемалол сақланади.

Шафтоли ва олхўри меваларини териш учун улар қаттиқроқ, озгина пишмаган ҳолатда, лекин мазаси ушбу помологик навга хос бўлиши керак.

Меваларни узоқ жойларга юбориш, сақлаш ва сотувга олиб чиқиш учун мева банди билан терилиши шарт. Бу эса меваларнинг сақланишига энг асосий кафолат бўлади.

Олма ва нок мевалари терилаётган пайтда аста-секинлик билан қоғоз ва ёғоч қириндиси тўшалган яшикларга солинади. Узумбошлари қайчи билан кесиб олинади, узумнинг доналарига қўл тегмаслиги керак. Чунки узум мевасининг ғубори шикастланиб, узоқ муддатга сақлаб бўлмайди.

Меваларга товар ишлов бериш уларни ташиш ва сақлаш учун тайёрлаш демакдир.

Товар ишловда асосий юмушлар – мева узумларни сифати бўйича саралаш (сортировка), катта-кичиклиги бўйича ажратиш (калибрлаш) ва меваларни стандарт яшикларга жойлашдир. Бундан ташқари яшикларни маркалаш, уларга рейка қоқиш, тарозида тортиш, транспортга ортиш ва боғнинг ичидан олиб чиқиш ишлари ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Меваларни сифати бўйича саралаш ишлари маҳсулот ичидаги сифатсизларини ажратишга имкон беради. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- шикастланган мевалар (тешилган, эзилган, урилган, мева банди йўқ) ;
- зараркунандалар билан зарарланган ва касалланган мевалар ;
- офтобда куйган ва бошқалар.

Боғнинг ичидан олиб чиқиб, узоқ жойларга жўнатишда темир йўл станциясигача олиб бориш учун энг яхши транспорт воситаси автомашина ёки трактор прицепи ҳисобланади.

Ортилган мева ёки узумларни энг яхшиси кечки салқинда ёки кечаси мевалар совиганда темир йўл станциясига ёки сақлаш жойига жўнатиш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон шароитида август ойида пишиб етилган ўртапишар мева ва узумлар узоқ муддат сақланмайди. Улар асосан қайта ишлаш (консерва қилиш ва қуритиш учун) ёки истеъмол учун бозорларда сотишга ҳамда экспортга жўнатилади.

Данакли мевалар (шафтоли, олхўри), узумнинг кишмиш навларини узоқ сақлаб бўлмайди, улар кўпи билан (энг сифатлиси) бир ой сақланади. Шунинг учун истеъмолдан ортган мевалари қуритилади.

Данакли мевалар ва узумнинг кишмиш навидан қуритилган маҳсулот олиш мақсадида очиқ ҳавода – қуёшда қуритилганда сифатсиз маҳсулот олинади. Шунинг учун улар ола салқинли ерларда ёки махсус палаткаларда (полиэтилен плёнка билан қопланган) қуритилса, қуриган меванинг сифати анча юқори бўлади ҳамда узоқ сақланади.

Кўчатзорларда қуйидаги ишлар амалга оширилади: биринчи далаларда пайвандтаг тайёрланади ва пайванд амалга оширилади. Биринчи бўлиб мевалардан данаклилар пайванд қилинади. Сўнг уруғлилар, ундан кейин эса манзаралилар (атиргуллар). Пайвандтаг яхши етилган ва қаторларда бехато бўлишини таъминлаш зарур. Пайванд қилинадиган навларнинг олдиндан рўйхати тузилади ва уларнинг она боғлари аниқланади. Она боғлар нав тозалиги талабга жавоб бериши ва соғлом бўлиши шарт.

Иккинчи далада кўчатларнинг парвариши давом этади. Улар сувдан қолмаслиги зарур. Шу билан бир вақтда, шохланган жойигача бўлган барглар олиб ташланади. Бу кўчатлар ичидаги ҳаво аэрациясини яхшилайди ва кўчатларга касал туширмайди.

Ушбу тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, боғ-токзорлардан юқори ҳамда сифатли маҳсулот олинади, кўчатзорлардан талаб даражасидаги, стандарт талабига жавоб берадиган мева-узум кўчатлари тайёрланади.



**Р.АБДУЛЛАЕВ,**
*қ.х.ф.н.,*
*Акад. М.Мирзаев номли БУваВИТИ.*



# Қулупнайдан даромад қилай десангиз

## унинг она боғларини бугун ташкил этинг

**This article describes the organization of horticultural varieties, the timely use of agrotechnical practices, and the standard income and income from the mother's breeding.**

Ўзбекистон боғларида ўстирилаётган мевали ва резавор-мевали ўсимликлар ичида қулупнай алоҳида ўринга эга. Йирик мевали қулупнай бошқа кўплаб мева ва резавор ўсимликлардан афзалдир.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида резавор мевали ўсимликлардан қулупнайнинг янги навларини яратиш, бошқа чет эл мамлакатларидан истиқболли навларни олиб келиб ўрганиш билан бирга улар ичидан истиқболли навлар ажратиб олингач, Давлат нав синовига топширилиб, Давлат реестрига киритилмоқда. Аммо янги навларни кўпайтириш имкони бўлмаяпти, чунки Республикада янги истиқболли қулупнай навларини кўпайтирадиган алоҳида оналик боғлари мавжуд эмас эди. Шунинг учун янги навларни кўпайтириш, уларнинг оналик боғларини яратиш мақсад қилиб қўйилди. Тажриба академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилди.

Ўзбекистонда қулупнай кўчатларини энг қулай экиш муддати 15 июльдан 15 августгача ҳисобланиб, август ойидан кейин экилган кўчатлар яхши ривожлана олмайди ҳамда келаси йили кам ҳосил беради. Қишда айрим совуқ кучли бўлган вақтда қулупнай тупларини совуқ уриши натижасида қуриб қолиши мумкин.

Қулупнай оналик боғини яратишда энг аввало оналик майдони учун ер танлаб олинади, ҳайдашдан олдин тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 40–60 т яримчириган гўнг ва 600–1000 кг суперфосфат солинади, тупроқ 30 см чуқурликда ҳайдалиб, кейин чизель қилиниб, текисланади. Ундан сўнг ариқ олиниб суғорилади. Ариқларнинг кенглиги 70 см, кўчатлар ораси 30 см бўлиши керак. Тупроқ тўлиқ захлагач, майдонга қулупнай кўчатлари олиб келиниб 70х30 см схемасида кўчатлар экилади. Кўчатлар яхши ривожланган илдиз тизими камида 4–5 см ўсган, 2–3 та барг бўлиши керак.

Кўчатлар экилгач, 3 кунгача майдонга жилдиратиб сув қўйилиб турилади. Экилган кўчатлар 10 кундан сўнг текшириб чиқилиб, ҳар бир навдан кўкармай қолган кўчатлар ҳисоб-китоб қилиниб, қуриган кўчатлар ўрни тўлдирилади.

Экилган кўчатлар тупроқ намлигига қараб ҳар 7–8 кунда суғориб турилади. Бир ойдан сўнг қулупнай кўчатларига енгил ишлов берилади. Бунда кўчат атрофи юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Кузга бориб ҳаво совуй бошлагач, ҳар 15–20 кунда бир маротаба сув берилади.

Қулупнай қатор ораларини ишлаш билан бир вақтда азотли ва фосфорли ўғитлар билан $N_{60}P_{30}$ ҳисобида озиқлантирилади. Бундай озиқлантириш натижасида илдиз тизими, барглар ҳамда янги ҳосил куртакларининг ривожланишига имконият яратилади.

Кузда қатор оралари чуқур ҳайдалиб туп атрофлари кўмма чопиқ қилинади. Ёш ўсимликларнинг илдиз ва новдаларини қишнинг совуқ кунларидан сақлаш мақсадида гектарига 10–15 тонна похол ёки чириган гўнг солинса, ўсимлик қишки совуқдан сақланади.

Эрта баҳорда қулупнай майдонига солинган похол йиғиб олинади. Қулупнайзор қатор ораси 10–12 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимлик атрофидаги тупроққа ишлов берилади. Бунда қатор ораларини юмшатиш, жўяклар олиш, минерал ўғитлар солиш каби ишларнинг барчаси КЕН-4,2 , КОН-2,8 русумли культиваторлар билан амалга оширилади.

Оналик қулупнай боғида бир гектар майдонда 47619 дона кўчат бўлганида энг ками – бир тупдан 4,1 дона кўчат олиб уни 1 гектарга кўпайтирилганда 195237 дона, энг кўпи – 5,8 дона бўлганида 276190 дона кўчат олинади.

Оналик қулупнай майдонидан ўртача бир гектардан 250 мингдан 300 минггача стандарт талабларига жавоб берадиган кўчат тайёрласа бўлади. Бир туп қулупнай кўчатининг баҳоси 500 сўмдан бўлганда ҳам, бир гектар оналик майдонидан 125 млн. сўмдан 150 млн. сўмгача даромад қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш кераки, янги қулупнай плантациялари ташкил қилиш учун албатта оналик қулупнайзор боғларини ташкил қилиш тавсия этилади. Бунда янги ташкил қилган қулупнай плантациялари серҳосил, сифатли мева берадиган аниқ қулупнай навларидан ташкил топади.

**Ҳ.АБДУЛЛАЕВА,**
*қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти.*

# МИРИШКОРГА ДАЛАДА ҲАМ, ИССИҚХОНАДА ҲАМ ИШ БИСЁР

***Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароити сабзавот экинлари етиштириш учун ғоят қулай минтақа ҳисобланади. Мавжуд суғориладиган майдонлардан самарали ва унумли фойдаланиш, ҳар бир майдондан йил давомида бир неча маротаба ҳосил олиш мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.***

Ушбу ойда келаси йил ҳосили учун экиш учун тавсия этилган сабзавот экинларидан бири бу саримсоқдир.

Саримсоқ навлари биологик хусусиятлари ва экиб етиштириш усулига қараб кузги ва баҳорги навларга бўлинади. Кузги навлари поя чиқарадиган ва чиқармайдиган хилларидан иборат бўлиб, кузда экилади ва келгуси йили саримсоқ ҳосили олинади.

Майдонларни экишга тайёрлашда дастлаб у ердаги барча ўсимлик қолдиқларини сеткали ёки зигзак бороналар ёрдамида майдон ташқарисига чиқариб тўплаш, сўнг майдонларни нотекис қисмлари бўлса, бу қисмларни ер текислаш мосламалари ёрдамида текислаб чиқиш лозим бўлади.

Текисланган майдонларга фосфор ҳамда калий ўғитлари меъёрини 70% миқдорида сепиш мосламалари ёрдамида сепиб чиқиб, бу майдонларни ПН-3-35 русумли плуг билан 28-30 см чуқурликда хайдаш, агар майдон шўрланган ёки ёввойи ўтлари кўп бўлса ПЯ-4-35 русумли плуг билан 35-38 см чукурликда хайдаш тавсия қилинади.

Ўзбекистонда кузда экиб ўстириладиган, гулпоя ҳосил қиладиган маҳаллий навлар районлаштирилган.

Унинг Майский Вир, Южно-Фиолетовый ва Чидамли навлари экиш учун тавсия этилади.

Алмашлаб экишда саримсоқ бодринг, карам ва картошка далани бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан кейин экилгани маъқул.

Саримсоқ август ойининг сўнгги декадасидан то сентябрь ойи охиригача экилади. Бундан кечиктириб экилса,

кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, натижада қишки паст ҳароратдан ва турли касалликлардан зарарланади.

Бу экин паллалари йирик-майдалилига қараб гектарига 1,0-1,5 тонна ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Саримсоқ 2-3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50-60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10-15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6-8 см бўлади.

Бульбочкалар паллаларга қараганда калинроқ экилади, қаторлардаги ўсимликлар ораси 2-3 см ва чуқурлиги 3-4 см қилинади. Бунда гектарига 80-100 кг.гача бульбочка-уруғлик сарфланади. Саримсоқ паллалар 5-6 см чуқурликка экилади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1-2 марта суғорилади. Кўкламда (февраль охири-март бошида) экилган саримсоқ одатда кузда экилганига қараганда кам ҳосил беради.

Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган майдонга соф холда 150-200 кг азот, 140-160 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва яхши сақланмайди.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3-0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25-0,3 л, касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125-0,15 л ёки н.кук. Курзат Р 0,2-0,25 кг препаратидан бирортаси 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Энди иссиқхона тадбирларига тўхталамиз.

Кузги-қишки мавсумда иссиқхонага помидор ва бодринг кўчатларини экишни энг яхши муддатлари Қорақалпоғистон Республикаси учун август бошида, Қашқадарё вилояти учун август охирида, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари учун 15-20 август ҳисобланади.

Тавсия этилган муддатда уруғ ва кўчат экилганда бодрингни мевага кириши октябрнинг биринчи декадасида, помидорнинг эса ноябрь ойининг ўртасига тўғри келади. Бунда бодринг $F_1$ Орзу, $F_1$ Борхан, $F_1$ Джемре, $F_1$ Артист, $F_1$ Мультистар, $F_1$ Экспоза, дурагайларнинг ҳосилдорлиги бир $м^2$ дан ўртача ҳисобда 10 кг.гача; помидорнинг Субхидам, Гульканд навларининг бир $м^2$ дан 6-8 кг; $F_1$ Белле, $F_1$ Тави-Рака, $F_1$ Фенда, $F_1$ Видетта, $F_1$ Виласко дурагайлариники бир $м^2$ дан 10-12 кг бўлади.

Помидор кўчатини экиш учун икки хил экиш схемаси: бир қаторли 80х40 см ва икки қаторли лентасимон (80+80)/2х40 см қўлланилади.



Бодрингни $F_1$ Орзу, $F_1$ Борхан, $F_1$ Джемре, $F_1$ Мультистар, $F_1$ Экспоза, $F_1$ Артист уруғсиз дурагайлари катта озиқланиш майдонига муҳтож бўлади. Бунда бир қаторли 80х50 см ва икки қаторли лентасимон (90+90)/2х50 см схемада экилади. Бу экиш схемасида 1 $м^2$ га 3 та ўсимлик жойлаштирилади. Бунинг учун ўсимлик баланд (30-40 см) жўякка экилади, суғориш эса чуқур эгатдан суғорилади.

Бодринг илдиз тизимига намлик пастдан тепага фильтрлаш орқали ўтса, илдиз бўйни атрофини ортиқча намланишдан сақлайди, жўякни зичланишдан ва суғоргандан кейин қатқалоқ бўлишини олдини олади.

Иссиқхоналарда бодринг ва помидор етиштиришда ўсимликка шакл бериш мажбурий тадбир ҳисобланади. Бодринг тик симбағазларга боғлаб шакллантирилганда пастки бўғинларда 2 тадан мева ва шунча барглар қолдирилади, ўрта қисмида 2-3 та мева ва шунча барглар, тепадаги шохлар поғонасида 1-2 мева ва 2-3 та барглар бўлиши керак.

Помидор ўсимлигини ўсишини чеклаш 7-8 шодада бажарилади. Биринчи шингилдан мевалари териб олингандан кейин пастки барглар олиб ташланади. Бу ўсимлик орасида ҳаво алмашинувини ва ёруғлик тушишини яхшилайди. Меваларни тугишини яхшилаш учун гул шингилларига ўстирувчи модда билан ишлов берилади.

Иссиқхоналарда оқилона ҳарорат тартиботини сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Помидор мева тугабошлаганда ҳаво ҳарорати қуёшли кунларда 21-22$^0$С, булутли бўлганда 19-20$^0$С, кечаси 16-17$^0$С; ёппасига мева тугаётган даврда ҳароратни 2-3$^0$Сга кўтариш тавсия қилинади.

Тупроқ ҳарорати ҳаво ҳароратидан 3-4$^0$С га камроқ бўлиши керак. Помидор етиштирилаётган иссиқхоналарда ҳавонинг нисбий намлигини 60-70% сақлаб туриш керак.

Бодринг учун қуёшли кунларда ҳаво ҳарорати 25-28$^0$С, булутли бўлганда 20-22$^0$С ва кечаси 18-20$^0$С дан паст бўлиши керак эмас. Шундай ҳарорат тартиботи ўсимликни яхши ривожланишига мойиллик қилади; ҳосилни тўплаши яхши бўлади ва ун шудринг ҳамда сохта ун шудринг касалликларини тарқалишига йўл қўймайди.

Бодринг намталаб ўсимлик бўлиб, ёппасига ҳосилга кирган даврда суғоришдан олдинги тупроқ намлиги чегараланган дала нам сиғимига нисбатан 85-90%, ҳавонинг нисбий намлиги 75-80%дан кам бўлмаслиги керак.

Бодринг ҳосилини мевалар қизиб кетмасдан эрталаб терган маъқул, чунки куннинг иккинчи ярмида терилган мевалар кўп сақланмайди, тез айниб қолади. Тайёр махсулот сифатига катта эътибор билан қараш, кўк мевани жуда ўсиб кетишига йўл қўймаслик керак. Агар ўсиб кетса, унинг сифати ва мазаси йўқолади. Шунинг учун бодринг мевалари пишиб етилган вақтида териб олиш лозим, шунингдек ўз муддатида бодринги териш орқали ўсимликдаги бошқа меваларни тезроқ катталашишига ва товарбоп ҳосил бўлишига замин яратилади.

**Р.НИЗОМОВ,**
*қ.х.ф.д.,*
**Ф.РАСУЛОВ,**
*қ.х.ф.ф.д.,*
*Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.*

# МЎЪЖАЗ ТУМАННИНГ ЗАЛВОРЛИ ЮТУҒИ

**Бугун Жиззах вилоятининг мўъжазгина тумани ҳисобланган Янгиободда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кишини қувонтирадиган ва мамнуният бағишлайдиган ҳолатлар туман ҳудудига кираверишдаёқ кўзга ташланади. Янгиобод чегараси бошланиши билан бундан бир қанча муддат аввал ҳатто гиёҳ ҳам ўсмай қовжираб ётадиган кенг майдонларнинг ям-яшил тусга кирганига гувоҳ бўласиз. Йўл ёқасига экилган ток, кунгабоқар, қалампир, ҳатто махсарнинг ҳам ривожи, ҳам кўриниши ўзгача. Туман маркази ҳисобланган Баландчақир қўрғони, айни дамда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижаси ўлароқ яқин келажакда вилоятнинг энг кўркам масканларидан бирига айланиши шубҳасиз.**

Янгиободлик деҳқонлар, биринчи навбатда ғаллакорлар улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. Улар жорий йил аввалида давлат билан тузилган шартнома шартларини 150 фоиздан ошириб бажардилар. Кимдир бизни шошилмасликка, 2019 йилнинг лалмикор деҳқончилик, хусусан, ғаллачилик учун қулай келганини эсимизга солишга уриниб кўрар. Нима ҳам деймиз: бундайлар ҳам ўзича ҳақ. Бироқ ҳар бир соҳада, айниқса, деҳқончиликда мақтанишга арзирли натижаларга эришишни фақат ва фақат об-ҳавога боғлаб қўйиш инсофдан бўлмаса керак.

– Айрим миришкор деҳқонларимиз лалмикор ҳудудларнинг ҳар гектаридан 25–30 центнердан ҳосил кўтаришди, – дейди туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Имомназар Файзибоев. – Биринчи галда ҳукуматнинг ғалла ҳосили нархларини ошириш ҳақидаги қарори ютуқларга омил бўлди. Фермерларимиз ишни сара уруғ танлашдан бошлашди. Тўлиқ кўчатлар олинган майдонларда барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди. Техника, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, маданий ва маҳаллий ўғитдан камчилик бўлмади. Бунинг устига бир неча йилдан буён бардошимизни синаб келаётган табиат ҳам тантилик кўрсатди: Ёғингарчилик мўл бўлди.

Ҳа, туман фермерлари сўнгги бир-икки йилда об-ҳавонинг ўта ноқулай келиши туфайли лалмикор ҳудудларда деярли ҳосил битмаганини эсларидан чиқаришмайди. Шунинг учун ҳам жорий йилда етиштирилган ғалланинг ҳар бир мисқолини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш чораларини кўришди. Ўрим-йиғим ишлари қисқа муддатда якунига етказилди. Бунинг учун юқори унумли комбайнлар айни тиғиз пайтда қўшни ҳудудлар, ҳатто Қорақалпоғистондан етказиб келинди. Янгиободликлар буни ҳам мамнуният билан эътироф этишади.



– Жорий йилда 186 гектар лалми майдонда ғалла етиштирдик, – дейди "Вали-Самат" фермер хўжалиги раҳбари Жамолиддин Абдураимов. – Зиммамиздаги режани 100 гектар майдондаги ғалла билан 120 фоизга уддаладик. 80 гектар майдондаги ғалла эса, ихтиёримизда қолмоқда. Жамоамиз аъзолари муносиб тақдирланади, қишлоғимиздаги муҳтож хонадонларни эсдан чиқармаймиз. Ортиқчасини сотиб, хўжалигимизнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга сарфлаймиз.

Янгиободликлар учун ғалла мавсуми кўнгилдагидек якун топмоқда. Эътиборлиси, туман деҳқонлари ушбу ютуқ билан кифояланиб қолмоқчи эмаслар. Улар аксинча, ўзлари учун қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг энг қизиғи ва долзарби эндигина бошланяпти, деб ҳисоблашади.

Режалар эса катта: такрорий экинлар экиш, янги боғзорлар ташкил этиш, узум, писта, қалампир сингари экспортбоп экинлар ҳосилига эга топиш, чорвачилик соҳасидаги лойиҳаларни охирига етказиш керак. Халқимизнинг "кичкина деманг бизни...", дея бошланувчи нақлига амал қилиб меҳнат қилаётган мўъжазгина туман меҳнаткашларига бундай масъулиятли ишларни бажаришларида куч-қувват тилаб оламиз.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** *(чапдан) Янгиобод тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Имомназар Файзибоев, дон қабул қилиш шохобчаси мудири Яхшибой Турдиқулов ва фермер Жамолиддин Абдураимовлар ҳосил чўғини салмоқлашмоқда.*

# Замонавий технологиялар – тежамкорлик ва юқори ҳосил гарови

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалик экинларидан кўзланган ҳосилни олиш кўп жиҳатдан сувга боғлиқ. Яъни экин парваришида агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, суғоришда ресурстежамкор технологиялардан унумли фойдаланилса, томчиси тиллога тенг оби-ҳаёт беҳуда оқизилмаса, ушбу мақсадга эришиш мумкин. Шу боис мамлакатимизда мавжуд сув ресурларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишга устувор вазифалардан сифатида ёндашилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги алоқадор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилда республикамизда биргина пахтачилик соҳасида 12121 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 20 минг гектардан зиёд интенсив боғ ва токзорларда ҳам томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш кўзда тутилган.

Айни пайтда республикамизда пахта хомашёси етиштирувчи 188 та фермер хўжалиги ва 11 та агрокластер ташкилотлари томонидан томчилатиб суғориш технологияси жорий этилмоқда. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларга айни пайтга қадар умумий қиймати 83,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, кластер ташкилотлари ва фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан 6 минг 754 гектар майдонда умумий қиймати 104,7 млрд. сўмлик томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Умуман олганда, жорий йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган 78 минг гектар майдонда томчилатиб, 1 минг 155 гектар майдонда ёмғирлатиб, 215 минг 400 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологияларини жорий этиш режалаштирилган.



Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг тежамкор суғориш технологиялари билан яқиндан танишишларида “Томчи” мобиль илоВаси ҳам қўл келмоқда. Мазкур мобиль илова суғоришда тежамкорлик методлари ҳақидаги ахборотларга тезкорлик билан эга бўлиш, уларнинг афзалликлари ва сув технологияларининг тахминий баҳосини ҳисоблаш имконини беради. Бу орқали фойдаланувчи ўзи режалаштирган лойиҳага қанча миқдорда маблағ ажратиш мумкинлигини билиб олади.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, республикамизда ишлаб чиқарилаётган томчилатиб ва бошқа сув тежовчи суғориш технологиялари ускуналари билан соҳа мутахассислари, фермер хўжаликларини янада кенгроқ таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича республика ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг беғараз кўмаги асосида молиялаштирилаётган, Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда соҳага алоқадор вазирлик, идоралар вакиллари, олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув хўжалиги ташкилотлари мутахассислари, фермерлар, сув истеъмолчилари уюшмаларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Иштирокчилар дастлаб Тошкент туманининг Ҳасанбой қўрғонида жойлашган, сув тежовчи технологияларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқараётган “ECO DRIP LUX” компанияси фаолияти билан танишишди. Бу ерда семинарнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев, Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Б.Тожиев ва бошқалар мамлакатимизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдириш орқали аҳоли турмушини янада яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидладилар.

"ECO DRIP LUX" масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда томчилатиб суғориш технологияси ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналардан биридир.

2011 йилда ташкил этилган мазкур корхонада қишлоқ хўжалик экинлари ни томчилатиб суғориш тизими учун полиэтилен шланглар, турли ҳажмдаги фитинглар, полиэтилен қувурлар, геомембралар ва тез йиғилувчи модул спринклерлари каби импорт ўрнини босувчи 800 хил турдаги маҳсулот бешта бренд остида ишлаб чиқарилмоқда. Корхона йилига 80 минг гектардан зиёд пахта, сабзавот, боғ ва токзор майдонлари учун томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда корхонада 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва таннархни камайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг семинар қатнашчилари вилоятнинг Янгийўл туманида жойлашган, ғалла, картошка, сабзи, ерёнғоқ каби қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослашган "Агровер" МЧЖнинг картошка экин майдонларида жорий этилган ёмғирлатиб суғориш технологияси билан танишдилар. Бу ерда суғориш ишлари АҚШнинг "Reinke"компанияси томонидан ишлаб чиқарилган "Пивот" ҳамда "Спринклер" турдаги ёмғирлатиб суғориш технологиялари орқали амалга оширилмоқда.

Ёмғирлатиб суғориш технологиясининг афзаллиги шундаки, суғориш ишлари тўлиқ автоматик тарзда амалга оширилиб, суғориш меъёрини камайтириш ёки кўпайтириш орқали тупроқнинг намиқиш чуқурлигини эҳтиёжга қараб ўзгартириш мумкин. Бунда сув дала бўйлаб бир текис тақсимланади. Шунингдек, ёмғирлатиб суғорилганда далада микроиқлим яратилиб, экиннинг жадал ўсиб-ривожланишига қулай шароит яратилади. Бундан ташқари, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситаларни сувга қўшиб бериш ҳам мумкин. Далада суғориш эгатлари ва ўқариқлар олишга зарурат туғилмайди. Оқова сувлар бўлмаганлиги туфайли, далани кам меъёрдаги сув билан ҳам сифатли суғоришга эришилади. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилиб, ердан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Айни пайтда ишчи кучи ва сарф-харажатлар бирмунча тежалади.

"Агровер" МЧЖнинг 1,5 минг гектардан зиёд картошка майдонига ёмғирлатиб суғориш тизими жорий этилган бўлиб, гектаридан 45 тоннадан ошириб ҳосил олишга эришиляпти.

Компаниянинг лойиҳалар бўйича менежери Козимжон Зуҳриддиновнинг таъкидлашича, Пивот ёмғирлатиш тизимларини ўрнатиш учун 1800–2300 АҚШ доллари миқдорида маблағ зарур бўлади. Агар ер майдони бир текис ва йирик бўлса, харажатлар янада камайишига эришилади. Ушбу қурилма мобиль алоқа тарзида бошқарилиб, уйда ёки ишхонада ўтирган ҳолда функцияларини ўзгартириш мумкин.

Куннинг иккинчи ярмида семинар



Сирдарё туманидаги "Peng Sheng" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг замонавий инновацион томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган пахта майдонларида давом этди. Бу ерда 140 гектар майдонда Хитойнинг томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Бунда ҳар гектар ерга 16–18 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланган.

– Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, ғўзани ҳар суғоришда гектарига 150–200 метр 1 куб сув сарфланади, – дейди "Agroekotexnologi" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Бахтиёр Аҳмедов. – Шунингдек, ҳар гектарига 350–400 килограмм минерал ўғитлар суғориш давомида берилади. Бундан ташқари, ғўза қатор оралари культивация қилинмайди. Буларнинг барчаси миллионлаб сўм маблағни тежаш имконини бермоқда.

Мазкур ҳудудда ғўза қатор оралари 76 см. схемада плёнка остига апрель-май ойларида экилган. Бугунги кунга қадар далада 3 марта суғориш ишлари амалга оширилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ғўзани чеканка қилишга 6 июлдан тўлиқ киришилди. Ушбу майдондан 50 центнердан ошириб хирмон кўтариш режалаштирилмоқда.

Шундан сўнг қатнашчилар Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Silverleafe BMB Agro Trade Group" Ўзбекистон-Америка қўшма агрокластерига ташриф буюришди. Кластернинг умумий ер майдони 11 минг 300 гектарни ташкил этади. Ушбу кластерда қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлашда замонавий, автоматлаштирилган, юқори самарадор комплекс суғориш тизими – Пульсар (ёпиқ қувур орқали) технологияси жорий қилинган. Таъкидланишича, мазкур технологиядан АҚШда 30–40 йилдан буён фойдаланиб келинмоқда.

Мазкур инновацион технологияни 2,2 минг гектар майдонда жорий қилиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу тизимда сув далага суғориш манбаидан ерости ёпиқ қувур тизими орқали етказиб берилиши ҳисобига 30 фоизгача тежалади ва суғориш самарадорлиги ортади.

Бунда далада еростки ва ерустки қувурлар, гидрант, автомат бошқариш тизими, назорат ўлчов асбоблари ўрнатилиб, шунинг билан бирга, ўқариқлар ўрнига фойдаланиладиган эгилувчан қувурлар ҳисобига сарфланадиган сув меъёри ҳамда меҳнат харажатлари қисқаради.

Семинарнинг якуний манзили Пахтакор туманида жойлашган "Яз Бекзод" фермер хўжалиги бўлди. 2000 йилда ташкил топган хўжаликнинг умумий ер майдони 540 гектарни ташкил этиб, жорий йилда шунинг 210 гектарида ғўза парвариш қилинмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2025 йилга қадар томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларни 200 минг гектар, кейинги 10 йилда 1 миллион гектарга етказиш режалаштирилаётгани эътиборга молик. Зеро, бизда энг кўп сув сарфланадиган тармоқ айнан қишлоқ хўжалигидир. Шундай экан, соҳада сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

**Гўзал Алимова**

# Мелиорация тадбирлари – мўл ҳосил гарови

***Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ерларнинг унумдорлигини оширишда, ҳосилдорликни кўпайтиришда муҳим омил саналади.***

Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2018–2019 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига асосан: ҳудудлардаги белгиланган қурилиш обектларида ишлар айни авжида.

– Мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича 16 лойиҳа доирасида жами 14 млрд. сўмлик 555,9 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш, тиклаш ишлари режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 июлига қадар жами 9 миллиард 624 миллион сўмлик 421,4 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш тиклаш ишлари бажарилди, – дейди Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедиция бошлиғи Қилич Мирзаев. – Вилоятда мазкур мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш, тиклаш ишлари бажарилиши натижасида, туманлардаги 16 минг 300 гектар ерларда ер ости сизот сувлари сатҳи пасайишига ҳамда 7 минг 900 гектар майдоннинг мелиоратив барқарорлигига эришилади.



Вилоятдаги мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларида пудратчи корхоналардан бири “Нарпайдавсувмахсуспудрат” Давлат унитар корхонаси ходимларининг ўрни катта бўлмоқда. Ёш, шижоатли раҳбар Илёс Мухаммадиев бошчилик қилиб келаётган корхонада 10 та экскаватор, 2 та бульдозер, техник ёрдам кўрсатиш автомашиналари ва шу каби қатор замонавий техникалардан фойдаланиб келинмоқда.

Жорий йилда корхона томонидан Нарпай туманидаги "Нарпай Обиҳаёт" сув истеъмолчилари уюшмалари ва Пахтачи туманидаги "Сувли" сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларида, жами 8,1 км коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ишлари белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар 5,6 км масофадаги ишлар бажарилди. Пахтачи туманидаги "Хўжа Ш-2-1" коллекторини "Хўжа Ш-2-1-1" коллекторига улаш учун М-37 автомагистрал йўли остидан ўтувчи қувурли ўтиш жойини қуриш объекти бўйича корхона томонидан 1 та ГТС қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, корхона ходимлари Нарпай туманидаги яна бир объектда "Чоршанбасой", "Чархин Ш-1" ва “Зарафшон Ш-29" коллекторлари тизимида коллектор-дренаж тармоқлари қуриш ишларини олиб бормоқдалар ва ҳозирдат объектда 1,98 км масофада иш бажарилиб, бу даврий режанинг 109 фоизини, йиллик режага нисбатан эса 96 фоизини ташкил қилади. Нарпай туманидаги «Оқкўл» коллектор тизимида эса, 54,6 км масофада тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар мазкур объектда, 41,2 км ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бу эса даврий режанинг 150 фоизини, йиллик режанинг 70 фоизини ташкил этади.

Ишларнинг ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилишида корхона механизаторларининг машаққатли меҳнати ҳам бош омил бўлмоқда. Бугунги кунда илғор механизаторлардан Зоҳид Расулов, Бекжон Қувонов, Анвар Парманов, Бахтиёр Қувонов каби фидойилар қурилиш обектларида куннинг жазирама иссиғига қарамай шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

– Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли корхонамизнинг моддий-техник базаси энг замонавий ва қудратли техникалар билан мустаҳкамланмоқда, – дейди “Нарпайдавсувмахсуспудрат” Давлат унитар корхонаси раҳбари Илёс Мухаммадиев – Бу корхонамиз томонидан бажарилаётган ишлар ҳажмини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2019 йилда коллектор-дренаж тармоқларида жами 121 километрлик таъмирлаш, реконструкция қилиш ва тиклаш ишларини амалга оширмоқдамиз.

Албатта, тупроқ унумдорлигини ошириш йўлида кўрилаётган бундай чора-тадбирлар самарасини экинлардан олинаётган юқори ҳосилдорликда яққол кўриш мумкин. “Нарпайдавсувмахсуспудрат” Давлат унитар корхонаси ходимларининг бу меҳнатлари самарасида ҳудудлардаги қарийб 3 минг гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг фикрича, мелиорация тадбирларининг сифатли бажарилиши тупроқда экинларни етиштириш учун қулай бўлган сув ва ҳаво, ҳарорат ва озиқ режимини, атмосферанинг ер юзасига яқин қатламида ҳавонинг ҳарорати ҳамда ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Натижада янги ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгаяди, ернинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик ошади, маҳсулот сифати яхшиланади. Мухтасар айтганда, мелиорация тадбирлари – бу мўл ҳосилга замин яратади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Темурбекнинг наслли қуёнлари

*Ёшлар юртимиз келажаги. Ўзлари танлаган соҳаларда муваффақият қозонишлари учун уларни қўллаб-қувватлаш катталарнинг вазифаси. Жорий йилнинг 30 июнь – "Ёшлар куни" ҳам юртимиз ёшлари учун унутилмас саналардан бири бўлди. Президентимиз ёшларга табрик йўллади, бир гуруҳ йигитлар эса **"Мард ўғлон"** давлат мукофоти билан билан тақдирланди. Мана шундай мукофот соҳиби бўлган норинлик Темурбек Мўминов билан суҳбатлашиб, унинг кўнглидан кечаётган кечинмаларини ёзиб олдик.*

**– Темурбек, аввало "Ёшлар куни" билан самимий табриклаймиз. Ушбу сана сизнинг ҳаётингизда унутилмас кунлардан бири бўлиб қолгани шубҳасиз.**

– Албатта, мен ушбу кунни орзиқиб кутдим, аммо айнан шу куни мамлакатимизнинг бахтиёр ёшлари қаторида бундай улуғ мукофотга сазовор бўламан деб ўйламагандим.

**– Гарчи ёш бўлсангизда, қуёнчилик соҳасида яхши мутахассис экансиз.**

– Мен 1993 йили Ҳаккулобод шаҳарчасида туғилганман. Отам Рустамжон ака уй ҳайвонлари ва паррандалар боқишга қизиқади. Шунинг учун мен ҳам болалигимдан парранда ва уй ҳайвонларини парваришлаб катта бўлганман. 2016 йилда бир гектар боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил қилдик. Натижада уйимизда парваришлаётган қуёнларимиз бош сони ҳам кескин ошди. 2018 йилда экин майдонимизни яна бир гектарга кенгайтириб боғдорчилик-қуёнчилик фермер хўжалигига айлантирдик. Ушбу фаолиятни бошлаган вақтимизда 50 бош Калифорния зотли қуёнимиз бор эди. Жорий йил бошига келиб Бургундия, Калифорния, Рекс, Янги Зелландия, Фландер зотли қуёнларимиз сони 320 бошга етди.

**– Сиз парваришлаётган қуёнларни ноёб қуён зотлари дейишди. Ўзга юртдан келтирилган бу жонзотларни ўлкамиз иқлимига мослашиши қандай кечмоқда?**

– Қуёнларни болалигидан меҳр билан парваришлаш лозим. Кўпгина одамлар қуён ёввойи табиатда ўз ризқини ўзи топиб ейди, шундай экан унга алоҳида эътибор лозим эмас, деб ўйлашади. Аслида, қуёндай инжиқ уй ҳайвони йўқ бўлса керак. Масалан, кўпайгандан сўнг болаларини шундай қизғонадики, одам назари тушса, ёки боласини ушлаганингизни кўрса, ўша боладан шу заҳоти воз кечади. Ўзи танлаган жойидан яхшироқ жойга кўчириб ўтказиш ҳам муаммо, у ўзи ўрганган жойига интилаверади. Шунинг учун қуён боқиш истагида бўлганлар, аввало, қуёнхоналарни ўртача 20 даража иссиқликда сақлашлари лозим. Бундан ташқари, қуёнларни ошқозони жуда нозик. Озиқлантириш рационига қатъий амал қилиш шарт. Қуён болаларини ёшлигида ёз мавсумида сули, арпа, буғдой билан, қишда эса кунгабоқар ва макка билан озиқлантирган маъқул. Бедани йил



бўйи бериш мумкин. Агар ушбу рацион бузилса, қуёнлар касалланиб қолади.

**– Қуёнлар жуда тез кўпаяди. Агар сиз парваришлаётган қуёнлар тез кўпайишдан давом этса, уларни жойлаштиришни ўзи бир муаммо бўлмайдими?**

– Тўғри, қуёнлар бир йилда 4–5 мартадан 12 тагача болалайди. Лекин биз фақат наслли қуёнларни парваришлаймиз. 12 та қуён боласидан насл бера оладигани бир-иккита чиқади холос. Қолган болаларини қуён боқишга қизиққанларга сотиб юборамиз. Мана, ҳозирги кунда қуёнлар наслини янада яхшилаш мақсадида 200 бош Калифорния, 200 бош Бургундия ва 100 бош Рекс зотли қуёнларини олиб келмоқчимиз.

**– Паррандачиликда гўштга ва тухумга ихтисослашган, деган ибора бор. Қуёнчиликда ҳам шундай йўналишлар борми?**

– Албатта, бизнинг қуёнлар икки йўналиш бўйича парваришланади. Калифорния, Бургундия ва Янги Зелландия зотли қуёнларимиз сергўшт ва тез катта бўлганлиги учун асосан гўштга топширилади. Улар 58 фоиз гўшт бериш хусусиятига эга. Рекс ва Сатин зотли қуёнларимизнинг мўйнаси қимматбаҳо.

**– Сир бўлмаса, айтингчи, ҳар бир қуёнингиз ҳозирги кунда неча сўмга баҳоланади?**

– Бизнинг қуёнлар зотли бўлгани учун ҳар бири ички бозорда 900 минг сўмдан 2 млн сўмгача баҳоланади. Ўтган 2018 йили қуёнчиликнинг ўзидан 45 млн сўм соф даромад олишга эришдик. Шунинг учун жорий йил хўжалигимизда янги қуёнхоналар ва ем ишлаб чиқарувчи цех қуриш ишларини бошлаб юбордик.

**– Келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

– Режаларимиз катта, оиламиз билан туякушчиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Маълумки, бу соҳа ҳам сердаромад бўлиши билан бирга, катта маблағ ҳам талаб қилади. Ҳозирги кунда маблағ масаласини ҳал этиб Фарғона вилоятидаги "Страус фарм" МЧЖ билан 100 бош 45 кунлик жўжа учун шартнома туздик. Туман ҳокимлиги ер масаласини тез кунларда ҳал қилиб беришларини айтишди. Хуллас, жорий йилда хўжалигимизда яна бир тармоқ йўлга қўйилади.

**К. ЭРГАШЕВ,**
**ўз мухбиримиз.**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ МАТОНАТИ ВА БИРДАМЛИГИ РАМЗИ

Катта Фарғона канали водий вилоятларини сув билан таъминловчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу канал ҳақида ўйлар эканман, болалик хотираларим ёдимга тушади. Раҳматли бобом билан бирга юриб, уларнинг ёшлик хотираларини тинглашни яхши кўрардим. Бобом ўша пайтларда ёши саксондан ўтган бўлса-да, тетик ва дона-дона сўзлардилар.

– У даврларда қишлоқ ёшлари эрта баҳорда иш излаб чиқиб кетишарди ва кеч кузда ишлаган пули билан кириб келиб, қишда тирикчилигига ишлатарди. Чунки, деҳқончилик қилиш учун сув етарли эмасди. Урушдан сал аввал Усмон Юсупов ташаббуси билан канал қазиш учун сафарбарлик эълон қилинди. Ҳар бир қишлоқдан 30–40 нафардан соғлом йигит-қизлар танлаб олинди. Тўғриси, у пайтларда одамларимиз ҳашар дейилса, ўзлари боришаверарди. Бу каналнинг қазилиши ҳам ҳашар бўлгани учун ҳеч ким эътироз билдирмади. Канални қазиётган жойга борганимизда умримда биринчи бор бунчалар кўп одамни кўрдим. Қизиғи, ҳамма ўз ишини сидқидилдан, кўтаринки кайфиятда бажарарди. Биз ҳам тезда ишга киришиб кетдик. Эрта тонгда ишга тушамиз, тушликда ва шом пайти Тамарахоним рақсга тушади, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов жўровоз бўлиб қўшиқ куйлайди. Ажиб замонлар эди. Халқимизнинг матонати ва бирдамлигини намойиш этган 45 кун ҳеч эсимдан чиқмайди.

– Катта Фарғона канали ўз тарихига эга. 1939 йили 270 километрлик масофани 163 минг нафар халқимиз фарзандлари рекорд натижада, яъни 45 кунда қазиб фойдаланишга топширган. Бу 17,8 миллион метр куб тупроқ демакдир. Бу канал халқимизнинг меҳнати, шижоатининг рамзи сифатида ҳам қадрли, – дейди Катта Фарғона канали бошқарма бошлиғи Алишер Таджиалиев. – Иншоот асосан қўл кучи ёрдамида қазилган. Каналнинг лойиҳасини “САЗГИПРОВОД” лойиҳа тадқиқот трести муҳандислари А.Н Асководенский, И.Д Лебедов, В.В Пославский ва И.Ф Федодеевлар чизишган. Асосий буюртмачи бўлмиш Давлат комиссияси озиқ-овқат ва зарурий ашёлар учун 20 млн рубл (1939 йил нархида) ажратган. Канал трансчегаравий хусусиятга эга. Чунки каналдан Қирғизистон Республикасининг 757 гектар ва Тожикистон Республикасининг 18497 гектар экин майдонлари сув билан таъминланади.

– Каналнинг қазиш ишлари ўта пухта режа асосида амалга оширилганлиги сабабли оқаётган сув ўзини-ўзи тозалаш хусусиятига эга. Шу боисдан каналнинг таъмирлаш ва тозалаш ишлари қисқа вақт оралиғида амалга оширилади, – дейди канал бошқарма бошлиғи ўринбосари Рустамжон Рустамов. – Бу канал Фарғона водийси каналларининг дебочаси саналади. Чунки канал қурилиши йиллар давомида мукаммаллаштирилиб, мустаҳкаманиб борди. Ҳозирги кунда ушбу сув иншоотининг 215,8 километри бошқармамиз балансида. Бу 738 та гидротехник, 8 та сув тўсувчи иншоот, 490 та сув олувчи даҳана, 19 та акведук, 141 та дюкер, 62 та кўприк, 2 та шаршара, 581 та гидропост, 2 та йирик гидроузелни ташкил қилади. Каналимизнинг умумий ер майдони 1609,73 гектарни ташкил қилади. Бошқармамизнинг 371 нафар ишчи-ходими 147,0 м$^3$/с тезликда ўтаётган сувни назорат қилиб боришади. Натижада Наманган вилоятининг 34037 гектар, Андижон вилоятининг 77395 гектар ва Фарғона вилоятининг 119869 гектар экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланади. Каналга асосий сув захираси Нориндарё ва Қорадарё орқали келади. Сувни экин майдонларига бир текис таъминланишини назорат қилиш мақсадида Шаҳрихон, Марғилон ва Қўқон бўлимларини ташкил қилганмиз. Ёзнинг июль, август ойлари сув танқислиги юзага келади. Ҳавонинг ҳаддан зиёд исиши натижасида экин майдонларининг сувга бўлган эхтиёжи ортади. Бундай пайтларда қўшимча манбалардан – «Мустақилликнинг 10 йиллиги» ва «Сўх» түйинтирувчи каналларидан фойдаланамиз.




Канал атрофини ободонлаштириш ва назорат қилиш мақсадида қўшимча хўжаликлар ташкил қилинган бўлиб, улар асосан қирғоқларга дарахт кўчатлари экиш ва сувнинг йўқотишларсиз ўз манзилига етиб боришини таъминлаш билан шуғулланади. Хўжаликлар қошида паррандачилик, чорвачилик каби тармоқларнинг ташкил қилингани эса соҳа вакилларини озиқ-овқат билан таъминлашда қўл келмоқда. Жамоа ишчи ва ходимлари жорий йилда янада улкан мувофақиятларни қўлга киритиб, бободеҳқонлар меҳнатини юзага чиқаришга астойдил бел боғлашган. Мазкур жамоада тажрибали мутахассислар, фидоий, ташаббускор соҳа вакиллари кўпки, улар заминимиз дардига малҳам бўлишига астойдил ишонамиз.

*Ўз мухбиримиз.*

# ОБОДЛИК МЕЪМОРЛАРИ

**Сув инсонга табиат ато этган тўрт муқаддас унсурлардан бири бўлиши билан бирга, ҳаёт аталмиш хилқатнинг асосидир. Сув она сайёрамизга тириклик бахш этиб, ундаги наботот ва ҳайвонот олами давомийлигини таъминловчи манбаи ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, ота-боболаримиз қадим-қадимдан авлодларни сувни тежаш, эъзозлаш ва ундан оқилона фойдаланишга даъват этиб келишган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда оби-ҳаётдан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.**

– Вилоятимизнинг 162 минг гектардан зиёд суғориладиган ва сув етиб бориши қийин бўлган ерларига сув чиқариб бериш ишларини ташкил этиб келяпмиз, – дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Аброржон Ҳоликов. – Бошқармамиз ҳисобида 170 та насос станциялари мавжуд бўлиб, шундан 147 таси экин майдонларини суғоришга, 23 таси оқова сувларни чиқариб юборишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ихтиёримизда 2130 дона тик қудуқлар бўлиб, улар ёрдамида 96,5 минг гектар майдонига хизмат кўрсатилади. Шундан 923 донаси 41,4 минг гектар майдонни суғоришга, қолганлари эса 55,1 минг гектар майдондан захни қочириб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.



Кейинги йилларда бошқарманинг малакали ходимлари томонидан 15 дона мелиоратив насос станциялари ва 65 дона янги тик зах қочириш қудуқлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Сўх туманидаги "Ҳушёр-1", "Ҳушёр-2", Риштон туманидаги "Булоқбоши", Ўзбекистон туманидаги "КФК-Сўх" насос станциялари бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиниб, ушбу ҳудудларда сув таъминоти яхшиланди.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Фарғона водийсида сув таъминотини бошқариш лойиҳаси" томонидан Хитой Халқ Республикасининг "IPPR" компанияси томонидан Бешариқ туманидаги "Бешариқ" насос станциясига 32 млрд. 876 млн. 481 минг сўмлик замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, 2015 йилда тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, 2017 йилнинг биринчи ярмида Фурқат туманидаги "Фурқат-1" насос станцияси Японияннинг "КУБОТА" компанияси, Данғара туманидаги "Данғара" насос станцияси Хитой Халқ Республикасининг "IPPR" компанияси томонидан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қува туманидаги "Қува-1", "Шарқий Арсиф", Боғдод туманидаги "Боғдод" насос станцияларида реконструкция ишлари амалга оширилди.

– Мавжуд 13 та насос станцияси ва 163 та тик қудуқларимиз 8000 гектардан зиёд экин майдонларига сув етказиб беради, – дейди Боғдод тумани Насос станциялари ва энергетика бўлими бошлиғи Абдулатиф Абдуллаев. – Шундан 16 та тик қудуқларимиз суғориш учун ишласа, 147 тасининг фаолияти зах қочириш мақсадларига йўналтирилган. "Боғдод" насос станцияси бундан 40 йилча муқаддам фойдаланишга топширилган бўлиб, ҳар бири 0,27 м³/с сув чиқариш қувватига эга бўлган 9 та НМКх2 русумли насос агрегатлари ўрнатилган. Лекин ўтган вақт мобайнида насос станциясидаги гидротехник ва энергетик ускуналардан бирортаси алмаштирилмаган эди. Фақат ҳар йили агрегатлар жорий таъмирланар ва энергетик тизим ускуналарида синаш-созлаш (наладка) ишлари бажариларди, холос. Бу ўз оқибатларини кўрсатмасдан қолмади, албатта. Насос агрегатларининг сув чиқариш қобилияти аста-секин пасайиб, 1,4–1,6 м³/с. гача тушиб кетди. Пировардида экин майдонларига етарлича сув етиб боришида қийинчиликлар юзага келди. Ўз навбатида электр энергияси сарфи йилдан-йилга ошиб, харажатлар ҳаддан зиёд кўпайиши кузатилди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2015 йил тендер савдолари асосида "Боғдоддавсувмахсуспудрат" ДУК билан имзоланган шартномага биноан умумий қиймати 11 млрд. 200 млн. сўм бўлган қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Эски насос агрегатлари олиб ташланиб, ўрнига янги ЦН-1000х180 маркали самарадорлиги юқори бўлган насос агрегатлари, энерготежамкор ускуналар ўрнатилди. Станция биноси тўлиқ таъмирланди. Станция ҳудуди ва биноларни узлуксиз ёритиш учун муқобил энергия манбаи – қуёш батареялари ўрнатилди. Ишчи-ходимларга зарур шароитлар яратиш мақсадида маиший бино таъмирланди. Дренаж тизими ҳам тўлиқ янгилангани ҳисобига нафақат иншоотлар, балки насос станция ҳудудидаги ерларнинг ҳам сизот сувлари қочирилиб, илгари шўр босиб, бекор ётган ерлар ҳам яроқли ҳолга келтирилди, ўзлаштирилди. Бу майдонларга мевали кўчатлар экилиб, орасида сабзавот ва полиз экинлари етиштирилмоқда.

Олиб борилган ишлар натижасида насос станциясининг сув чиқариш қобилияти 1,4–1,6 м³/с. дан 2,45 м³/с. га ортиб, 2500 гектарга яқин экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш имкони яратилди. Электр энергияси сарфини 22–23 фоизгача тежашга эришилди. Бундан ташқари, ҳар йили насос агрегатларини таъмирлаш учун сарфланадиган 65–70 млн. сўм атрофидаги маблағ ҳам тежаб қолинадиган бўлди.

Халқимиз "Қийналиб ариқ қазисанг, ўйнаб сув ичасан" деб бежиз айтмаган. Республикамиз бўйлаб насос станциялари таъмирланиб, реконструкция қилиниши натижасида экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланмоқда. Бунинг натижасида эса қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йил сайин ортиб, халқимиз дастурхони тўкин бўлишига эришилмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

**Суратда:** Боғдод тумани Насос станциялари ва энергетика бўлими бошлиғи Абдулатиф Абдуллаев (чапда) ва станция бошлиғи Абдупаттох Турсунов энергетик тизим ускуналарини кўздан кечирмоқда.

# МЎЪЖИЗАКОР ТОМЧИЛАР

***Йигирма биринчи аср инсоният ҳаётига дунёда иқлим ўзгариши ва унинг оқибатида келиб чиқаётган сув муаммосининг кескинлашуви даври сифатида кириб келди.***

Маълумки, аҳоли сони кўпайгани сари сайёрамиздаги табиий ресурслар, хусусан, сувга бўлган талаб ҳам янада ошиб бормоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, дунёнинг кўплаб давлатлари, шу қаторда мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигида сув сарфини қисқартиришга қаратилган янгидан-янги лойиҳалар жорий этилмоқда. Улардан энг оммалашгани экинларни томчилатиб суғориш тизимидир. Бу тизимни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида жорий этилиши ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра агар барча экин далаларимизда томчилатиб суғориш тизими жорий этилса, мамлакатимизнинг сувга бўлган йиллик эхтиёжи қарийб 60 фоизга қисқаради.

Бу соҳада сув муаммосини бартараф этиш ва шу билан, янги майдонларни ўзлаштиришга имкон туғилишини англатади. Шунингдек, ҳосил салмоғи паст бўлган суғориладиган ер майдонларига сув оқизиб суғорилгач, энг аввало, у барча ерга бирдек етиб бормайди.

Айрим жойларда намлик миқдори ўта юқори, айрим жойларда жуда паст бўлади. Бундан ташқари, баъзи жойларда минерал ўғитлар ва фойдали қатламнинг аксарият қисмини сув ювиб кетади.

Экин томчилатиб суғорилганда эса, минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиш даражаси 90-95 фоизни ташкил этиб, майдоннинг барча ҳудудларида ўсимлик учун мақбул намлик таъминланиб, унинг бир текис ривожланишига шароит туғилар экан. Шу билан бир қаторда, томчилатиб суғорилган экин майдонларининг, тупроқ юзаси қотиб қолмасдан, ҳар сувлашдан сўнг ерни юмшатиш учун қўшимча культиватор ишлатишнинг ҳожати қолмайди.

Таъкидлаш лозимки, шу вақтга қадар томчилатиб суғориш тизимини катта майдонларга ўрнатиш билан боғлиқ қатор муаммолар сақланиб келаётган эди. Биринчидан, томчилатиб суғориш тизими жиҳоз ва ускуналарини нархи анча қиммат бўлиб, уни харид қилишга ҳамма деҳқон ва фермерларнинг ҳам курби етмасди. Иккинчидан, бундай жиҳозларнинг кўп қисми хориждан олиб келинар, уни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун эса қўшимча имтиёзлар берилмаганди. Қолаверса, деҳқону фермерларимизда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш билан боғлиқ билим ва кўникма ҳам етишмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу муаммоларга ечим топишда муҳим



аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилда вилоятда жами 4 минг 630 гектар ғўза майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган бўлиб, суғориш ишлари шу тарзда олиб борилмоқда.

Вилоятнинг суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Иштихон туманида ҳозирда, жами 2 минг 282 гектар майдонда мазкур технология жорий қилинган. Шундан, “Иштихон олтин ерлари” фермер хўжалигида, Озарбайжон Республикасининг “Азер машина” МЧЖ компанияси томонидан қурилиш монтаж ишлари амалга оширилиб, эндиликда фермер хўжаликнинг 2 минг 134 гектар ерида янги технологияда суғориш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, “Зарбанд Агро Стар”, “Омонбой Фармонов”, “Болиев Алишер боғлари”, “Хизматчи”, “Толибжон Садуллаев”, “Ўртақишлоқ”, “Бехзод Шодиёров ” фермер хўжаликларида, “Омад Стар” МЧЖ томонидан қурилиш монтаж амалга оширилиб, ҳозирда тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиш усулида экин майдонлари суғорилмоқда.

- Томчилаб суғориш қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини тежашда муҳим ҳисобланади, – дейди Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи в.в.б. Ботир Худойбердиев. – Шунингдек, бу ишчи кучи тежалишини ҳам таъминлайди. Бу орқали ғўзалар ўз вақтида бир хил меъёр асосида суғорилади. Эгатларда намлик меъёрининг етарлича сақланиши пахтанинг баравж ривожланишини таъминлади. Соҳада кластер тизимининг яратилгани кенг имкониятларни туғдирмоқда. Вилоят туманларида жами 4 минг 630 гектар ғўза майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилган бўлса, шундан 1 минг 500 гектари кластер хўжалиги ҳисобидан жорий этилди. Эндиликда мазкур тизимни кенгроқ жорий этиш мақсадида, томчилатиб суғориш технологиясидан кенг фойдаланиш ва унинг афзалликларини тушунтириш мақсадида, туманларда семинарлар ташкил қилиб, фермер хўжаликлари раҳбарларига ушбу технологиянинг афзалликлари тўғрисида тавсиялар бериб бормоқдамиз. Бу борада “Томчи” мобиль иловаси қўл келмоқда.

Яъни Сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан беғараз молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” доирасида “Томчи” мобиль иловаси ишлаб чиқилган бўлиб, ундан фойдаланувчиларга сувни тежашнинг ҳам анъанавий, ҳам инновацион технологиялари ҳақида маълумот тақдим этилмоқда.

Шунингдек, қатор имкониятлар ва имтиёзларга асосланган томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича вилоятда 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган ишлар бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланган ва бу борада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, кенг лойиҳалар татбиқ этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, томчилатиб суғориш, энг аввало, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агротехник тадбирларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.

**Ш.НОРМУРОДОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

# ФЕРМЕР ТАШАББУСГА ҚЎЛ УРДИ

*Пахтакор туманидаги “ЯЗ-Бекзод” фермер хўжалиги раҳбари Зокир Яхшибоев ўтган йили бир гуруҳ ҳамкасблари билан АҚШда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Американинг пахта етиштирувчи 4 та штатида ўтган 14 кун делегация аъзолари каби пахтакорлик фермерда ҳам бутун умр эсда қоладиган дамлар бўлди.*

– Қўшма штатларда ҳар битта фермернинг камида минг гектар ер майдони бор, – дейди биз билан суҳбатда Зокир ака. – Мени ҳайратга солган нарса ана шундай катта ҳудуддаги ишларни атиги икки-уч киши бажараётгани бўлди. У ерда қўл кучи умуман ишлатилмайди. Ҳаммаси техника ва технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Менда, айниқса, экинларнинг томчилатиб суғориш усулида парваришланётгани катта таассурот қолдирди. Ана шу усул билан оби-ҳаёт ва маъданли ўғитга қондирилаётган ғўза ниҳолларининг гуркираб ўсаётгани эътиборимни ўзига тортди.



Зокир Яхшибоев Ўзбекистонга қайтгач ана шу илғор инновацион усулни ўз фаолиятида синаб кўришга аҳд қилди. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи 2018 йилнинг 27 декабрида Президентимизнинг “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат ўз ташаббусини амалга ошириш йўлида фермерга қўшимча қанот бағишлади.

– Жорий йилда 27 гектар майдонда ушбу усулни синовдан ўтказяпмиз, – дейди З.Яхшибоев. – Бу борада туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Уч кун аввал хорижлик меҳмонлар иштирокида томчилатиб суғориш тизимини ишга солиб, дастлабки 10 гектар майдонни оби-ҳаётга қондирдик. 5–6 соат ичида якунига етган жараён давомида ғўза ниҳоллари сувда эритилган минерал ўғитлар билан ҳам озиқлантирилди. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг, шунча кенгликдаги экинлар орасига ишлов бериш, техника ёрдамида ўғит солиш, ариқ тортиш, кейин тўрт-беш ишчи ёрдамида сув тараш учун қанча вақт кетарди? Анча-мунча ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ишчи кучи, пировардида миллионлаб маблағ иқтисод қилинаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Тежамкорлик дегани шу эмасми?

Шу билан бирга, тажрибали фермер хулоса қилишга ҳам шошилмайди. “Бу усулнинг самара беришига ишончингиз комилми”, деган саволимизга “жўжани кузда санаймиз” қабилида эҳтиёткорона жавоб қайтаради. Мавзу бошқа томонга бурилди. Биз фермер билан айни дамда амалга оширилаётган юмушлар ҳақида гурунглашдик.

– 450 гектар майдонимиз бор. Ғалладан мўл ҳосил кўтарилди. Давлатга 800 тонадан кўп дон топширдик, – дейди Зокир ака. – 200 гектардан ортиқ майдонга такрорий экин сифатида мош, кунгабоқар, маккажўхори уруғи қададик. Чорвачилигимиз ривожланиб бормоқда. 30 кишини доимий иш билан таъминлаганмиз.

Фермер ўз жамоасининг аъзолари ҳеч нарсадан зориқмай, сидқидилдан меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Ғалла мавсуми якуни билан уларнинг ҳар бирига 3 тоннадан ғалла тарқатиб берди. Ишчиларнинг 20 нафарига уй-рўзғор буюмлари, 10 нафарига замонавий телевизор тортиқ қилди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик жамоани янада жипслаштириб, янги меҳнат марралари сари ундамоқда.

**P.S. Яқинда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари далаларида сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мавзуига бағишланган йирик анжуман ташкиллаштирилди. Республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган тадбир иштирокчилари Пахтакор туманидаги “ЯЗ-Бекзод” фермер хўжалигида ҳам бўлишиб, бу ерда томчилатиб суғориш усулининг жорий этилиши жараёни билан танишдилар. Анжуман қатнашчилари мазкур хўжаликда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо бериб, миришкор фермер Зокир Яхшибоев тажрибасидан ўз фаолиятларида кенг фойдаланиш истагини кўнгилларига тугиб қайтишди...**

**Х.КАРИМОВ,**
***ўз мухбиримиз.***

**Суратда:** *(чапдан) Сирдарё-Зарафшон ИТҲБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Жўраев, “ЯЗ-Бекзод” фермер хўжалиги раҳбари Зокир Яхшибоев ва Сирдарё-Зарафшон ИТҲБ бошлиғи ўринбосари Музаффар Турдибоевлар томчилатиб суғориш тизимининг ишлашини назорат қилишмоқда.*

# ДАЛАЛАРДА ҲОСИЛ МЎЛ

Ёз чилласининг забтига олган кунларда ҳамиша навқирон ва кўҳна Хива шаҳридаги нақшинкор обидалардаги мовий тошларнинг қуёш нурида жилоланиб туришига қараб, аждодларимиз меъморчилик ва дизайн борасида нақадар кучли билимга эга бўлганлигига ишонч ҳосил қиласан киши. Шаҳарда бунёдкорлик ишлари бугун ҳам авжида. Яқинда Хивага темир йўл келди, янги қурилишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, шаҳар атрофидаги қишлоқларда ҳам улкан ўзгаришлар бўляпти.

Хива тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Олимбой Қутлиев билан суҳбатимиз соҳадаги бугунги ўзгаришлар хусусида бўлди.

— Туманимизда 376 та фермер хўжалиги бўлиб, шундан 45 таси кўп тармоқли ҳисобланади, — дейди у. — Соҳада ўтказилаётганислоҳотлар ва янгиликлар сабаб яхши ютуқларни йўлга киритиб келяпмиз. Жорий йилда 2530 гектар майдонга экилган ғалладан 6479 тонна дон етиштириб, давлат режасини ошиғи билан бажардик.



Ғалладан бўшаган 2530 гектар майдонга такрорий экинлар, жумладан 595 гектарга сабзавот, 24 гектарга полиз, 498 гектарга мош, 268 гектарга кунжут, 401 гектарга озуқа ва 700 гектар ерга шоли экдик.

Ғўза парваришида белгиланган агротехник тадбирларни кетма-кетликда амалга ошириш, озиқлантириш ишларини якунлаш, шарбат усулида суғоришни ташкил этиш, айнан туманнинг сув танқис, таъминоти оғир бўлган жойларидаги фермер хўжаликларида культивация қилиш, ғўзанинг зараркунанда ҳашаротлари ва касалликларига қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланиб, келишилган ҳолатда ҳар бир ҳудудда кўргазмали семинарлар ўтказилди. Ишчи гуруҳлари назорати кучайтирилди. Маълумки, Хива қум ичидаги тошдан қурилган шаҳар бўлиб, туманнинг гир-атрофи қумликлардан иборат. Сув тезда ер бағрига сингиб кетиши боис, бу қумлоқ ерлар кўпроқ сув талаб қилади. Ҳар бир хўжаликда “Томчи” иловаси бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиб, айрим хўжаликларда томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган.

Олимбой ака билан суҳбатдан сўнг унинг ўринбосари Отабек Раҳимов билан “Куччи Катта боғ” маҳалласида жойлашган “Рўзмат мулло” фермер хўжалиги далаларига бордик. Улуғбек Рўзметов, мана 19 йилдирки, хўжаликка раҳбарлик қилиб келади. 100 гектар экин майдонининг 70 гектарига пахтанинг уруғлик “Султон” нави экқан. Айни кунларда ғўзалар баравж. Хўжаликнинг 11 гектар ери томчилатиб суғорилмоқда.

— 22 гектар майдонидаги ғалла топшириш режаси ошиғи билан бажарилди, бўшаган майдонларнинг 8 гектарига кунжут, қолганига мош, шоли экинлари экдик. Томчилатиб суғориш сув ва меҳнат кучи тежалишида катта енгиллик бераркан. Келгусида томчилатиб суғориладиган майдонларни яна кенгайтирмоқчимиз, – дейди фермер.

Улуғбекнинг сўзларини Рустам Сафаев, Анажон Бекжонова, Кумуш Жуманиёзова каби пешқадам сувчилар маъқуллаб, сувнинг тежалиши ерни эмас, экиннинг ўзини суғориш эвазига мўл-ҳосил олишнинг гарови эканлигини таъкидладилар.

Жорий йилда “Хива Кластер” МЧЖ томонидан 5688 гектар майдондан 17300 тонна пахта ҳосили етиштириш бўйича 111 та фермер хўжалиги билан шартномалар имзоланган ва хўжаликлар 5823 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Барча тадбирлар ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли айни кунларда пахта майдонларидаги кўсаклар очила бошлади. 1483 та пудратчи оилага ва 50 сотих ерга бир нафардан, жами 116646 нафар мавсумий ишчи жалб қилиниб, улар томонидан бегона ўтлардан тозалаш ишлари олиб борилмоқда. 35137 минг гектар ер бугунгача 6 марта бегона ўтлардан тозаланди.

Культивация ишлари намунали ташкил қилинган, суғориш ишларида 622 нафар тажрибали сувчи қатнашиб, 20 та насос ишламоқда. Ғўза майдонларини шарбат билан суғориш учун гектарига 5 тоннадан, жами 29115 тонна маҳаллий ўғит жамғарилди. Июнь-июль ойларида ғўзаларнинг ривожланиши учун "сожеан" препаратини сепиш ишлари амалга оширилган эди. Зараркунандаларга қарши курашишда биомаҳсулотлар қўл келмоқда. Майдонларда зараркунандаларга қарши кимёвий ишловлар ўтказиш учун Шира трипсга қарши 552 гектарга етадиган 110 литр “Далате плюс”, кўсак куртига қарши 45 кг. “А Праклейн” кимёвий воситалар захираси яратилди.

Кўриниб турибдики, хивалик пахтакорлар режадаги улкан хирмонни бунёд этиш йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Деҳқон август ҳосил тўплаш ойи эканлигини яхши билади. Шунга кўра, ишлар режали ва самарали бўлмоғи даркор. Сабр ва матонат билан қилинган меҳнатнинг натижаси эса улкан хирмонларга, ҳосил тўйларига уланмоғи ҳақиқат.

**Суратда:** *туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Отабек Раҳимов ва “Рўзмат мулло” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Рўзметовлар пахта даласида.*

**Шукуржон ЖАББАРОВА,**
*ўз мухбиримиз.*

# ҚАТРА СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТИБ

Қадим Бухоро сарҳадларига кириб борар эканмиз, азизу авлиёлар қадами теккан, ўтмиши ҳам, бугуни ҳам нурли бу диёр аҳлининг меҳнатсевар, табиатни, қадриятни қадрловчи, шу билан бирга, ўз тарихини юксак билгувчи халқ эканига гувоҳ бўлдик. "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига ташриф буюрганимизда:

– Ҳар бир соҳанинг ўз жонкуярлари бўлади, сиз қоровулбозорлик мелиораторлар, ирригация ходимлари ва қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳақида ёзсангиз арзийди, – деди "Аму Бухоро" ИТҲБ қошидаги мелиоратив экспедиция бошлиғининг ўринбосари Акмал Қудратов.

Айни ёз чилласи бўлгани боис атрофда чўл иқлимининг ўзига хос иссиқ гармселли ҳавоси уфуради. Вилоятнинг Қашқадарё ва Навоий вилоятлари билан чегарадош, четида чўл гиёҳлари, саксовуллар ўсиб турган катта йўл бўйлаб енгил машинада 60 км йўл босиб Қоровулбозор туманига кириб келдик. Туман марказига кираверишда XVI асрга оид Сардобанинг қадимий биноси кўзга ташланади. Сардоба – бу қадим ипак йўли бўйидаги чўлнинг қоқ ўртасига қурилган сув йиғиш иншооти. Тарихий манбаларда қайд этилишича, соҳибқирон Амир Темур фармони билан қурилган сардобалар Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида аниқланган. Ўтмишда иссиқ ўлкаларда ичишга яроқли сув манбаси ҳамиша ҳам топилмаган. Шу боис, усти гумбаз билан ёпилган, тархи доира шаклидаги чуқур ҳовуз ёки сувдонлар барпо қилинган. Карвонлар бу ерларга қўниб, сувга бўлган эҳтиёжларини таъминлаганлар. Қоровулбозорда ташландиқ ҳолда ётган бу Сардоба ҳудудида сизот сувларнинг сатҳи 5,5 метр баландликка кўтарилганлигидан емирила бошлаган эди. Реконструкция ишларидан кейин сизот сувлари сатҳи 2,5 метрга тушди. Бунинг учун Сардоба атрофига ёпиқ-ётиқ дренажлар ташланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди ва бу билан қадим маскан зиёратчилар учун муборак жойга айланди.

– Бу ердаги реконструкция ишлари натижасида туман марказида ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, олдин захлик жуда юқори кўтарилган эди, – дейди "Аму Бухоро" ИТҲБ ҳузуридаги мелиоратив экспедиция раҳбари Ҳайриддин Бозоров. – Туман қишлоқ хўжалигида ҳам кўрсаткичлар юқори. Қоровулбозор тумани ғаллакорлари йиллик режани биринчилардан бўлиб бажардилар.

Тумандаги "Бўзачи" МФЙга қарашли ҳудудлар қаторида Сардоба ҳудуди ҳам "Обод маҳалла" дастурига тушган бўлиб, бу ер ободонлаштирилиб, туман ҳокимлиги ташаббуси билан истироҳат боғига айлантирилмоқда.

Айтишларича, қадимда Бухоро шаҳри атрофини қўриқловчи қоровуллар ён-атроф чўлликларга ҳам қўйилар, бу қўналғалардаги қоровуллар шаҳарга бегоналарнинг, жосусларнинг кириб келишидан одамларни огоҳлантирар эди. Демак, улар Бухорони мудофаа қилувчи посбонлар бўлган. Аслида, Қоровулбозор ана шундай масканлардан бири сифатида қурилган чўл ўртасидаги ғаройиб шаҳардир.

– Чўл ҳудудида яшасангиз, сувнинг ҳар бир томчиси қадрига етасиз, – дейди туман мелиоратив экспедиция бўлими бошлиғи Шермуҳаммед Мамаджонов. – Туманимизда 19330 гектар суғориладиган экин майдонлари бор. 460 километр узунликдаги коллектор тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 127 километр узунликдаги зовурлар ёпиқ-ётиқ шаклда қурилган. Ҳар йили 60 километр узунликдаги коллектор тармоқларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борамиз. Ахир, бизнинг меҳнатимиз самараси қишлоқ хўжалиги экинлари ривожи билан кўринади.



Президентимизнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида"ги қарори асосида, 2019 йилги давлат дастури доирасида "Тошкудук-ГД" тизимидаги коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 33,6 километр коллектор тармоқларини таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Йиллик режа биринчи ярим йилликда муддатидан 6 ой олдин 100 фоизга уддаланди. Бундан кўриниб турибдики, ирригаторларимиз ўзларига берилган вазифаларга сидқидилдан киришганлар. Янги коллекторлар қурилиши ҳам дастурга киритилиб, "Жарқоқ", "Мустақиллик", "Навбаҳор" ҳудудлари учун янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги қарор ижроси бўйича Когон ва Қоровулбозор туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш лойиҳаси асосида 6,8 км узунликдаги янги қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Ҳозиргача 80 фоиз иш якунига етказилган бўлиб, бу ерда буюртмачи ташкилот "Бухородавсувмахсуспудрат" ДУК, бажарувчи ташкилотлар – "Шофиркондавсувмахсуспудрат", "Бухородавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхоналари томонидан тозалаш, қуриш, таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Қарийб 2 млрд. сўм маблағ ҳисобига иш олиб бораётган ирригатор ва мелиораторларнинг ҳар бир куни қайноқ иш жараёнларига тўла. Демак, қадим Бухоронинг чўл ҳудудларида ҳам ҳаёт қайнамоқда, меҳнат завқи давом этмоқда.

**Суратда:** *Сардобанинг бугунги кўриниши тасвирланган*

**Ўз мухбиримиз.**

# ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ЛОЙИҲА

**Маълумки, мамлакатимиз халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ҳам юқори ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимизнинг 2019 йил 28 майдаги “Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда, тўқимачиликда яримтайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини ва тайёр маҳсулотлар экспортини янада ошириш, халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулотларни ички бозор ва хорижий буюртмачиларга етказиб беришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари, айниқса, хотин-қизларни доимий барқарор иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар, айниқса, эътиборга моликдир.

Жамият ҳузурида ташкил этилган “Барака пахта текс” МЧЖ ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасида ва барча вилоятларда тез фурсатда МЧЖ шаклидаги “Барака чеварлари” тузилмаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳудудларда енгил конструкцияли қурилиш материалларидан қуриладиган ёки бўш турган бино-иншоотлар негизида ташкил этиладиган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этишнинг тасдиқланган асосий кўрсаткичларига мувофиқ, 2019-2020 йилларда жами 271 та ана шундай мажмуа ташкил этилиши ва уларда 81 мингга яқин хотин-қизлар бандлигининг таъминланиши кўзда тутилган.

Жорий йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган тикувчилик мажмуалари меъёрининг тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилгани 78 тадан иборат бўлса-да, мавжуд ички имкониятларнинг ишга солиниши натижасида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан баҳамжиҳатликда, мамлакатимизнинг 71 та туманида жами 97 та тикувчилик мажмуаларини барпо этишга келишиб олинди. Бу мажмуаларнинг ишга туширилиши натижасида жорий йилнинг ўзида 27 550 та янги иш ўринлари яратилишига эришиш кутилаяпти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 6 та, Жиззахда 8 та, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида 2 тадан, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида биттадан, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 7 тадан, жами 36 та тикувчилик мажмуалари қурилиши ниҳоясига етказилди ва уларда яратилган янги иш ўринларда 10050 нафар аҳолининг иш билан бандлиги таъминланди.



Айни дамда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида 4 тадан, Андижон, Хоразм вилоятларининг ҳар бирида 3 тадан, Навоий, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида 2 тадан, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида 1 тадан, Сурхондарёда 5 та, Наманганда 7 та, Тошкент вилоятида 13 та, жами 47 та тикувчилик мажмуаларини қуриш ишлари давом этмоқда.

Наманган тумани Ровустон МФЙда ишга туширилаётган корхонада пахта толасини қайта ишлаб, калава ип ишлаб чиқаришдан бошлаб, то матони бўяшгача бўлган жараённи ўз ичига олган замонавий технологик ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича Хитой Халқ Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланди ва келишув доирасида бўнак маблағлари тўлаб берилди. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан қўшимча яна 700 та янги иш ўринлари яратилишига эришамиз.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Тахиатош гузарида сочиқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуа ташкил этилмоқда. Ушбу корхонага ҳам технологик ускуналар етказиб бериш бўйича юқорида номи келтириб ўтилган компания билан музокаралар олиб борилиб, замонавий русумдаги технологик ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Ишга туширилиши режалаштирилаётган бу корхона 300 нафар янги ишчиларни ўз бағрига олиши билан диққатга сазовор.

Фаолиятини бошлаган, шунингдек, яқин келажакда ишга туширилиши режалаштирилаётган корхоналар ва амалга оширилаётган лойиҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишга қабул қилиниши белгиланган хотин-қизларнинг малакасини ошириш ҳамда иш фаолиятини бошлашда, замонавий тикиш машинкаларини ишлатишда қийинчиликларга учрамасликлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида ўқув курслари ташкил қилинган.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш орқали янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ва турини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар албатта, яқин келажакда ўз натижасини беришига ишонамиз.

**Б.БАБАДЖАНОВ,**
*“Ўзпахтасаноат” АЖ қошидаги “Барака пахта текс” МЧЖ бош директори.*

# ЎЗБЕКИСТОН – АСЛ АСАЛ ВАТАНИ

*Бугунги кунда дунё мамлакатларида асаларичилик соҳасини ривожлантиришга, асал маҳсулотларини етиштиришга бўлган эътибор ва талаб йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, экологик тоза асал ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж ниҳоятда юқори. Асаларичиликнинг асосий вазифаси гуллайдиган ўсимликлар, шу жумладан қишлоқ хўжалик экинларини чанглатишдир. Ҳукуматимиз томонидан асаларичилик тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мухбиримиз "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси раиси Шерали Суярқулов билан шу ҳақда суҳбатлашди.*



**– Шерали Рустамбекович, "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг ташкил этилиши ва ундан кўзланган мақсад ҳақида қисқача айтиб берсангиз.**

— "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Қарорда асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, асаларилар оиласи (пакетлари)ни кўпайтириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, асал етиштириш жараёнига илмий асосланган усуллар ва замонавий технологияларни жорий этиш уюшманинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, уюшмага:

— асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш;

— асаларичилик тармоғини ривожлантириш дастурларини ҳамда ягона илмий-техника, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

— маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда асаларичилик хўжаликларини ўрмон фонди ерларига, тоғ ва тоғолди ҳудудларига, табиий пичанзор ва яйловларга ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларига жойлаштиришни амалга ошириш;

— асаларилар учун сунъий озуқалар ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш ва ушбу тажрибани кенг қўллаш ҳисобига асаларичилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

— асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усулларни жорий этиш ишларига кўмаклашиш; — олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, шу жумладан хорижий муассасаларда асаларичилик тармоғига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш каби масалалар юклатилган.

**– Ўзбекистонда асаларичиликнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Ўтган йиллар ичида республикамизда асаларичиликни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, асаларичилик хўжаликлари сони 2011 йилга нисбатан 2016 йилга келиб 216,0 фоизга кўпайиб, асал маҳсулоти ишлаб чиқарилиш 405,3 фоизга ошди. Республикамизда асаларичилик тўғрисида давлат дастурининг қабул қилиниши тармоқни ривожлантиришда асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январдаги баённомаси билан тасдиқланган "Республикада 2017 йилда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури"да белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ҳам вилоятларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига жами 829 та субъект, шу жумладан, 468 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиги, 321 та асаларичилик фермер хўжалиги ташкил этилди. Бундан ташқари, 30 та корхона ва ташкилотда асаларичилик фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятларда нектарга бой бўлган фацелия ўсимлигини кўпайтириш мақсадида жами 18 гектардан ортиқ майдонда экиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, асалари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида қурғоқчиликка чидамли, нектарга бой дарахт ва бута ўсимликлари (жийда, япон сафораси, юлғун, наъматак ва липа) кўчатларини йўл ёқалари, истироҳат боғлари ва ўрмон фонди ерларига экиш ишлари бошланди. Асаларичилик-наслчилик хўжаликлари томонидан асалари зотларини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида жами 2500 дона наслли она асалари келтирилди. Республикамизнинг табиий иқлим шароити нектарга бой ўсимликларни кўпайтириш, асалари оиласини тезкор технология асосида боқиш учун жуда қулай. Фақатгина пахта далаларида ғўза гуллаган даврда бир миллиондан кўпроқ асалари оилаларини боқиш мумкин.

2018 йилда республикамиз бўйича боқилаётган асалари оилалари сони 754870 тага етказилди. Бу 2017 йилга нисбатан (673778 та) 81092 тага ёки 112 фоизга кўпдир. Бунинг натижасида 2018 йилда жами 17042 тонна асал етиштирилди.

Айни пайтда Тошкент вилоятида янги асаларчилик мажмуаси бунёд этилаяпти. Бу ерда асал берувчи

ўсимликлар қаторида, асалариларни парваришлаш мақсадида тажриба станцияси ташкил этилмоқда. Шунингдек, тармоқ учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш цехлари фаолият бошлайди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб Фарғона давлат университети ва СамВМИ зоотехния факультетларида асаларичилик зоотехниги мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Яқинда уюшмамиз БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Унга кўра, мазкур ташкилот томонидан 2019—2022 йилларда соҳани ривожлантириш учун 350 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади.

**– Одамлар ўртасида асалнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида кўп айтилади. Улар нималардан иборат?**

— Халқимиз, асаларини етти хазинанинг бири, деб ҳисоблайди. Халқ табобатида асаларининг заҳри, сути, муми, гулчанги билан кўпгина хасталикларни даволаш йўлга қўйилган. Асалнинг шифобахшлик хусусиятлари ҳақида кўплаб манбаларда, жумладан уюшмамизнинг веб-сайтида ҳам маълумотлар бор.

“Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси маъмурий биносида жойлашган асаларичилик маҳсулотларини халқ истеъмолига етказиб беришга ихтисослашган “Асал олами” савдо дўкони, ветеринария аптекаси, лизинг асосида турли асбоб-ускуналар билан таъминлайдиган Апитерапия хизматлари кўрсатувчи “Beekeeping business” МЧЖ ўз фаолиятини бошлади.

**– Уюшманинг хорижий асаларичилар билан алоқаси ва ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Асаларичилик Россия, Украина, АҚШ, Мексика, Туркия, Франция каби мамлакатларда яхши ривожланган. 1887 йилда тузилган “Апимондия” халқаро асаларичилик уюшмалари федерацияси асаларичилар ўртасида халқаро алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ташкилот асаларичиликка бағишланган симпозиумлар, конгресслар, кўргазмалар ўтказиб боради. “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси 2018 йил май ойида Халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бу эса мамлакатимиз асаларичиларига ривожланган давлатларнинг асаларичилик соҳасидаги янги технологияларини ўрганиш, асаларичилик бўйича тажрибалар алмашиш, замонавий технологияларни кенг қўллаш имкониятларини яратади. Асаларилар маҳсулдорлигини ошириш, асал ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва наслчиликни ривожлантириш мақсадида четдан зотли она ариларни келтириш йўлга қўйилди. Жумладан, 2019 йили Украинадан 2000 донадан ортиқ “Карпат” зотли она арилар ва Германиядан синов ўтказиш учун 300 дона “Карника” ҳамда 200 донага яқин “Бакфаст” зотли она арилар олиб келинди.

2018 йил давомида мамлакатимиз асаларичилик субъектлари томонидан 1006,3 минг АҚШ долларлик асалари маҳсулотлари экспорт килинди. Шундан, асалари пакети экспорти 207,580 дона ёки 826,3 минг АҚШ долларини, асал экспорти 78,4 тоннани ёки 180,0 минг АҚШ долларини ташкил қилди. 2019 йилда асалари пакетларини Россия Федерацияси ва Козоғистон Республикасига экспорт килиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

**– Мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича қандай таклифларингиз бор?**

— Ҳар бир соҳада бўлгани каби бизнинг соҳада ҳам фойдаланилмаган имкониятлар, айрим муаммолар мавжуд. Асаларичилик соҳаси бозор иқтисодиёти асосида фаолият олиб боришини инобатга олган ҳолда уларни бартараф этиш мақсадида Тошкент вилоятида “Асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш комплекси ва сифатини аниқлаш лабораторияси”ни ташкил этиш орқали асал маҳсулотларини халқаро стандарт талабларига мос ҳолда қадоқлаб хорижий мамлакатларга экспорт қилиш, шунингдек, ички имкониятлардан келиб чиқиб Россия, Қозоғистон ҳамда Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида асалари пакетларини экспорт қилиш бўйича ишларни амалга ошириш зарур. Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 4 та алоҳида махсус “изоляция қилинган” ҳудудларида асаларичилик хўжаликларини ташкил этилиши ҳам шунга хизмат қилади.

**— Суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги олдидан бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда журналимиз муштарийларига тилакларингиз.**

— Мустақиллик — олий неъмат. Уни барчамиз кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, мустаҳкамлаб боришимиз, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб боришимиз даркор. Халқимизни ушбу улуғ айём билан табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**А.ТОИРОВ**
**суҳбатлашди.**

## БУ ҚИЗИҚ

**● Испаниядаги Аран ғоридан топилган археологик маълумотларга кўра, асаларичилик милоддан аввалги X–V минг йилликларда ҳам мавжуд бўлган деган тахминлар бор.**

**● 1814 йилда рус асаларичиси П.И. Прокопович ромли асалари қутисини, 1865 йилда чех асаларичиси Ф. Грушка асал ажратгични кашф этишган.**

**● Туркистонга дастлабки асалари оилалари 1841 йилда Қозоғистоннинг Семипалатинск вилоятидан келтирилган.**

**● Охирги маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида 154 минг асалари оиласи (қутиси) бор.**

**● Асалариларда қишлоқ хўжалиги экинларини (ғўза, маҳсар, каноп, уруғлик беда ва бошқаларни) чанглатишда фойдаланилади.**

**● Асаларилар билан чанглатиш ғўза ҳосилдорлигини ўртача 5,1–5,9 ц/га ошириши аниқланган.**

**● Асаларининг нормал оиласи 50–80 минг ишчи асалари, юзларча эркак асалари ва битта она асаларидан ташкил топади.**

**● Асаларичиликда шу пайтгача инсон томонидан бирорта ҳам асалари зотлари яратилмаган.**

**● Битта асалари оиласи уй шароитида ўртача 15–20 кг. гача асал бера олади.**

# Ишчилари ўзидек бой...

Ўтган асрнинг сўнгги йиллари эди. Бир куни Файзимуҳаммад ота кеч соат ўнларда хориб уйга кириб келди. Хурсандхон ая совиб қолган маставани печ устига қўяр экан, ҳар кунги дийдиёсини бошлади.

– Отаси, 40 йилдан буён тракторчисиз, бригадирсиз, бўлим бошлиғисиз. Тонгда хўроз қичқирмай кетасиз, болалар уйқуга ётганда келасиз. Ўн нафар фарзандингиз деярли сизни кўрмай вояга етишяпти. Яқинда учинчингизни ҳам уйлантирасиз. Бир уйда уч келин. Лекин бирингиз икки бўлмади. Одамларга қаранг, нималар қилишяпти. Савдо қилинг, бозорга чиқинг, нима бўлса ҳам рўзғорни бутлайлик, болаларни уйли қилайлик.

Кампирининг бу гаплари деярли ёд бўлиб кетгани учунми, у ҳеч нарса демади. Гўё ҳеч бир сўз эшитмагандай, “Овқатингни олиб кел”, деб ёстиққа ёнбошлади-да гапида давом этди. “Бу даврлар вақтинча, кампир. Ҳали яхши замонлар келади. Боларинг ер эгаси бўлади. Бизга ўхшаб фақат буйруқни ортидан югуриб юрмайди. Бунинг учун сабр керак, меҳнат қилиш ва ерни суйиш лозим.

Шундан буён йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳозир отанинг ўғли Баҳодиржон Чилматов Мингбулоқ туманининг таниқли фермерларидан.

– Ўша даврлар ҳозир ҳам кўз ўнгимда, – дейди фермер. – Отам гарчи йил бўйи дам олмай ишласа ҳам фарзандларига ерни севишни, уни алдамай меҳнат қилишни тайинларди. Мен ўғил фарзандларнинг каттасиман. Қишлоқ хўжалик коллежини тамомлаб, ширкат хўжалигига фельдшер бўлиб ишга кирдим. 2002 йили туман ҳокимлигига фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ариза бердим. Мурожаатимни эътиборсиз қолдиришмади. Заҳкаш, ҳосилдорлиги паст 26 гектар ер ажратишди. Ўша пайтлари оиламиз билан роса қувондик. Аввалига отам бош бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатди. Ўн оға-ини, опа-сингил бирлашиб меҳнат қилдик. Ўша пайтларда, раҳматли Ҳожибой Тожибоев айтгандай, қишлоқ хўжалиги тракторларига эҳтиёж юқори эди. Ерга ўз вақтида ишлов бериш асосий муаммолардан бири ҳисобланарди. Биз илк йилларда орттирган даромадимиз ҳисобидан техникалар харид қила бошладик. Кўплаб ҳамкасбларимиз, “Шунча трактор олгандан кўра, уй-жой, машина олсанглар бўлмайдими?” деб кулишарди. Ўша техникалар билан зовур четида йиллар давомида йиғилиб қолган дамбаларни экин майдони ичига суриб, зовурни қазиб



янада чуқурлаштирганимга эътибор қаратишмаганди. Натижада куйган тупроқ ерга озуқа бўлди, қазилган зовур шўрланиш ва заҳкашликни бартараф этди. Бугун дунёнинг 25 дан зиёд юқори унумли техникалари дала шийпонимизда хизматимизга шай турибди. Ҳа, айтгандай оиламиздагиларнинг барчасида ҳозирда 2–3 тадан ҳовли, 2–3 тадан машина бор. Онамни Аллоҳ раҳматига олди. Отам эса набиралари билан. Гоҳгоҳида ўша кунларни эслаб қўядилар.

Биз бир қатор саф тортган қишлоқ хўжалик техникаларини кўздан кечирар эканмиз, эътиборимни пахта териш машинаси тортди. Баҳодир ака буни сезиб сўзидан давом этди.

– Ўтган йил вилоятимизнинг илғор фермерлари шу техника ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Менинг ҳам қизиқишим ортди. Укаларим билан маслаҳатлашиб, 4 миллиард сўмга сотиб олдик. Америка давлатининг "Jon Deer" компанияси маҳсулоти. Бир кунда 70 тоннагача пахта теради. Бу бир ярим минг терувчининг меҳнати дегани. Бунинг устига бир кило пахта биз учун атиги тўрт юз сўмга тушади. Экин майдонларимиз кўламидан келиб чиқсак бир-икки йилда ўзини бемалол қоплайди. Жорий йилда 119 гектар майдонга ғалланинг "Бобур" навини экиб, ҳар гектардан давлатга сотиш шартномасида кўрсатилган 32 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олдик. 387 гектар экин майдонимизга пахтанинг "Андижон-36" навини экиб, парваришлаяпмиз. Ҳар гектаридан давлатимиз билан шартномада кўрсатилган 30 центнер ўрнига 40 центнердан “оқ олтин” йиғиб олишни мақсад қилганмиз. Ишчига ишлаш учун шароит керак. У иш вақтида оиласининг муаммоси ҳақида қайғуриши керак эмас. Шунда бажарган ишида унум, барака бўлади. Хўжалигимизда 100 нафар доимий ишчи ишлайди. Эрта тонгда хўжалик машинаси уларни уйларидан дала шийпонимизга олиб келади. Нонуштани қилишганидан сўнг экин майдонларига киришади. Тушлик ва кечки таомни ҳам шу ерда қилишади. Бу кунига уч маҳал қозонимиз қайнайди, дегани. Агар бирортасининг оиласида муаммоси бўлса, мен ёки иш бошқарувчилардан бирортаси бориб ҳал этади. Сафланган маблағ ойлик маошидан ушлаб қолинади. Натижада бизнинг ҳам, ишчиларимизнинг ҳам кўнгли тўқ.

– Маълумки, ҳозирги кунда фермерларни қийнаётган муаммолардан бири ишчиларга етарли миқдорда маош бера олмаслиги. Шунинг учун кўплаб малакали сувчилар ва механизаторлар йил бўйи иш жойларини алмаштиришга мажбур бўлишмоқда.

– Гапингиз тўғри, бу ҳолат ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтганлиги учун ишчиларни яхши тушинаман. Эркак киши бир ишни этагини тутдими, топган даромади рўзғорини бутлаши керак. Шунда у ишига сидқидилдан ёндашади. Хўжалигимизда ишлаётган 30 нафар эркак ишчимизга йилига 30 миллион сўмдан нақд пул берамиз. Бундан ташқари, қўшимча ҳар гектар учун сувчилар 30 000 сўмдан, механизаторлар 15 000 сўмдан мукофот пули олади. Бу йилига 45–48 миллион сўм дегани. Албатта, бунча маблағни топишнинг ўзи бўлмайди. Ўтган йилни 1 миллиард 319 миллион сўм соф даромад билан якунладик. Жорий йилда 3 миллиард сўмлик соф даромад учун ҳаракат қиляпмиз.

Фермернинг келгуси режалари бундан-да улкан. Айни кунларда 9 гектарга интенсив боғ, 1 гектар майдонга замонавий иссиқхона барпо этиш ва 150 бош наслли қорамолчиликни йўлга қўйиш ҳаракатини бошлаб юборган. Интилганга-толе ёр-дейишади. Биз ҳам фермерни эзгу тилаклари ижобат бўлишини тилаб, у билан хайрлашдик.

*Ўз мухбиримиз.*

# ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ УЛУҒ МАҚСАДЛАР

## Истиқболли лойиҳалар, янги ташаббус ва ғоялар халқимиз фаровонлигининг асоси ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан ҳозирга қадар 814 гектар ерда 2019-2020 йилларда амалга оширилиши белгиланган умумий қиймати 438,1 млн. АҚШ доллари (шундан 85,9 млн. АҚШ доллари ташаббускорларнинг ўз маблағлари, 228,5 млн. АҚШ доллари банк кредитлари ва 123,7 млн. хорижий инвестициялар ҳисобидан) га тенг 143 та лойиҳа маъқулланди.

Иккита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш учун яшиклар ишлаб чиқариш, 2 та иссиқхона жиҳозлари ишлаб чиқариш, 1 та атиргуллар етиштириш, 2 та логистика маркази, 136 та иссиқхоналар бўйича лойиҳалари шулар жумласидандир. Бу билан жами 143 млн. АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши, 86 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилиниши ва 8 700 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.



Айтиб ўтиш жоизки, республикамиз Президентининг 2018 йил 10 июлдаги “Бухоро агро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофик, шу номдаги давлат унитар корхонаси ташкил қилиниб, асосан 5 та тумандан 3 000 гектар ер майдонлари ажратилди. Ушбу ер майдонларининг жойлашуви хариталари ва бош режалари “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” институти томонидан ишлаб чиқилди. Шунга кўра, Ромитан туманидаги “Челонғу” массивидан 500 гектар, “Боғитуркон” массивидан 600 гектар, Когон туманидаги “Зиёқобил” массивидан 900 гектар, Бухоро туманидаги “Асад Шокиров” массивидан 500 гектар, Пешку туманидаги “Туркистон” массивидан 400 гектар, Жондор туманидаги “Яккатут” массивидан 100 гектар ер майдонлари замонавий иссиқхоналар қурилиши учун ажратиб берилди.

– Бизнинг вазифамиз, ушбу ажратилган 3 000 гектар ер майдонларида чет элларнинг илғор технологиялари асосида замонавий иссиқхоналар қуриб, уруғни шу ерда етиштириб, қайта ишлаш технологияси асосида ишлов берилиб, экспорт жараёнини ҳам ўз ичига оладиган қулай кластер услубини намоён этишдан иборат, – дейди “Бухоро агро” эркин иқтисодий зонаси давлат унитар корхонаси директори Барно Тешаев. – Бизда, яъни “Бухоро агро”да олиб борилаётган ишлар учун тижорат банклари томонидан 34 та лойиҳага 42,4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилган, яна 37 та лойиҳага 33 млн. АҚШ долларлик банк кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Жондор туманидаги “Agro Trade” МЧЖ томонидан 16 гектар, “Lazizjon qurilish servis” МЧЖ томонидан 1 гектар, Ромитан туманида “Ҳамро Мавлон Ашуржон” МЧЖ томонидан 9 гектар, “Тошкент Таъмир Бетон” МЧЖ томонидан 3 гектар, Бухоро туманидаги “Сириус Бухара” МЧЖ томонидан 1 гектар ер майдонларида иссиқхона қурилиши ишлари бошлаб юборилди.

“Ал Азиз Элегант” МЧЖга қарашли иссиқхона 1 гектар майдонга жойлашган бўлиб, бу ерда Корея технологияси асосида помидор етиштирилмоқда. 4 нафар йигит, 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган, йилига 200 тоннадан зиёд маҳсулот етиштириш кўзда тутилган. Маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига “Buxara varnet” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона томонидан Бухоро туманидаги “Сўфикоргар” маҳалласида 112,85 гектар ер майдонидаги умумий қиймати 98,5 млн. АҚШ долларилик гидропоника технологияси усулида иссиқхона қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Корхона менежери Бешим Ҳамроев ва унинг туркиялик ҳамкори Туркиянинг “Varnet gam sero sistemlari” компанияси муҳандис-технологи Паша Элханни қурилишнинг катта макети жойлашган бинода қизғин суҳбат чоғида учратдик. Бугунги кунда улар иш олиб бораётган 13 гектар майдонда умумий қиймати 8,8 млн. АҚШ доллари бўлган иссиқхона қуриш ишлари якунига етмоқда. 30,0 млн. АҚШ долларилик иссиқхона конструкцияларини ишлаб чиқариш заводи, ботаника боғи, ниҳолчилик, музлатгич ва логистика марказлари барпо этилишини эшитиб ҳайратга тушдик. Паша Элхан жуда шинаванда йигит экан, у бизга қилинажак ишларни бирма-бир баён қилди:

– Биз Голландия технологияси асосида Туркия томонидан ишлаб чиқилган ойнаванд иссиқхоналар қуряпмиз. Кенг ва катта қулайликларга эга бу иссиқхоналар ташқи томондан ҳам яққол кўзга ташланадиган бўлади. Мана бу ерлардаги катта ариқларга балиқларни қўйиб юборамиз, йўлкалар бўйлаб ўйноқлаган балиқларга ва гулларга, чиройли табиатга кўзингиз тушса, шу ерларда қолгингиз, ишлагингиз келади, – дейди у.

80 нафар ишчи ишлаётган қурилиш ишлари тугалланса, 2021 йилга келиб, гектарига 300-350 тонна маҳсулот етиштирилади, уруғликдан тортиб, қайта ишлаш, музлатгичда сақлаш кабилар ҳам шу жойнинг ўзида мужассам бўлади.



Ҳа, ишнинг кўзини билган замондошларимиз қандини урсин. Лойиҳа тўлик амалга ошса, демак, 2000 тадан зиёд ишчи ўрни яратилади.

Президентимизнинг кўплаб ишчи ўринлари яратиш учун қилаётган ҳаракатлари боис бу каби улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Корея давлатининг "Daewoo Steel" Co.ltd корхонаси томонидан 15 гектар ер майдонида умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларига тенг замонавий иссиқхоналар комплекси ва ўқув маркази ҳамда иссиқхона жиҳозлари ишлаб чиқариш каби ишлар режалаштирилмоқда.

Россия Федерацияси инвесторлари томонидан 80 гектар ер майдонида умумий қиймати 116 млн. АҚШ долларига тенг иссиқхона комплекслари қуриш ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

– 30 март куни Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи чоғида "Бухоро агро" давлат унитар корхонаси зиммасига замонавий иссиқхоналар қурилиши учун Шофиркон туманидан яна 1 000 гектар қўшимча ер ажратиб берилишини айтиб ўтдилар. Бу айни кўнгилдаги гап бўлди, ҳозир бу лойиҳа ишлари якунланиш арафасида, – дейди Б.Тешаев.

Умуман олганда, бу ишларнинг бари халқимиз ҳаётини, юртимиз ободлигини янада яхшилашга қатилганлиги билан аҳамиятли ва улуғвордир.

**Суратларда:** *"Бухоро агро" эркин иқтисодий зонаси давлат унитар корхонаси раҳбари Б.Тешаев суҳбат чоғида; Ромитан тумани "Қаҳрамон" МФЙ даги "Ал Азиз Элегант" МЧЖга қарашли иссиқхона иш юритувчиси Ҳамза Тиловов.*

**Ўз мухбиримиз.**

# БАХТ ВА ОМАД КАЛИТИ – ЯХШИЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

**Бугун Андижонда бўлган киши унинг ҳозирги қиёфасини кўриб, таний олмай қолиши, шубҳасиз. Шаҳар кўчаларини айланар экансиз, бир-биридан гўзал, муҳташам иншоотларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз.**



Инсон ҳар бир қиладиган яхши амали ва ишини мақтаниш ёки ўзининг ниmaларга қодир эканлигини кўз-кўз қилиш учун эмас, элнинг дуосини олиш учун қилмоғи керак, — дейди Асака тумани "Минг ўрик азизи" фермер хўжалиги раҳбари Хайрихон Азизова. — Шунинг учун эндиликда ишларим ривож топиб, раҳматини олаётганимдан хурсандман.

Хайрихон опани саховатли, мурувватли аёл, дейишади қишлоқдошлари. Ҳақиқатан ҳам, у тепаликка насос билан сув чиқариб, 1000 та хонадонга сув келтириб, файзу барокат улашган меҳрибон аёл. 2006 йили фермер бўлганидан буён эл қайғуси билан яшайди. 20 гектар ғалла, 6 гектар соя экилган майдони мавжуд. 6 гектар турли хил мевалардан иборат боғи бор. 30 бош қорамол, 50 бош товуқ, 10 та оила асалари парваришлаяпти. Олаётган даромадининг бир қисмини қишлоқдошлари билан баҳам кўради. Келгусида чет элдан 200 бош қорамол келтирмоқчи.

— Четдан кетириладиган моллар учун махсус молхона қуряпмиз, тозаликни, соя-салқинни хоҳловчи жониворларни асраб-авайлаб парваришлаш мақсадида тайёргарлик кўряпмиз, — дейди фермер.

Пахтаобод туманидаги "Даврон-Пўлат" фермер хўжалиги раҳбари Адҳамжон Матисаев наслчиликка қизиқди. Буни у устозларидан ўрганди, изланди. 2017 йили Германиядан 65 бош қорамол олиб келди. Айни кунда улар сони 100 бошдан ошди. 18 гектар пахта, 22 гектар ғалла майдонидан олинаётган маҳсулотлар юқори нархларга сотилмоқда. Даромаддан техникалар сотиб олди, режаларни бажараётгани боис мақсадига етмоқда. 40 нафар ишчига меҳнат дафтарчаси очган. Бир миллион сўмдан ойлик тўлаяпти. Бундан ташқари, буғдой ҳам беряпти.

Буғдой йиғиб-териб олингач, ер тобига келтириб, мош, нўхат, карам, моллар учун керакли маккажўхори ва бошқа экинлар экади, олинган ҳосилни хўжалик аъзолари билан баҳам кўради.

— Эл рози – Худо рози, — дейди Адҳамжон. — Дуо олган кам бўлмайди-да, опа.

Жалақудуқ туманидаги "Чашма гулчирой файзи" фермер хўжалиги раҳбари Абдупатто Умаровнинг ҳам режалари бисёр.

Айни кунда 31,7 гектар пахта майдонидаги ғўзалар кўсаклари тўлиқ очилиб, теришга шай ҳолатда.

40 центнердан ошириб ҳосил оламиз, Худо хоҳласа, — дейди қаҳрамонимиз. — Ғалладан эса 70 центнердан хирмон кўтардик.

Ғалла майдонидан бўшаган жойларга картошка, сабзи, бодиринг, шолғом экилибди. Юқори даромадни мўлжалаган фермеримизга омад ёр бўлаверсин.

Ушбу туманнинг "Яшасин фахри" фермер хўжалиги раҳбари Баҳромжон Мусаевнинг ишлари ҳам, кайфияти ҳам аъло. 48 гек-

тар ерда пахта, 53 гектар ерда ғалла майдони бўлиб, у ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб келади. Фермер деҳқончилик сирларини отаси, уста агроном Раҳмонжон Мусаевдан ўрганган.

Устозлари ва отасининг маслаҳати билан 30 бош қорамол, 200 бош товуқ, 20 оила асаларирларни ҳам рацион асосида парваришламоқда.

Балиқчи тумани Абдукарим Мўминов массиви далалари бўйлаб айланар эканмиз, ушбу ҳудуд анча ривожланган, деҳқонлари тажрибали, ўз ишининг устаси эканлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, “Зиё эъзозли даласи” фермер хўжалиги раҳбари Азамат Муродов камтар, самимий, дилкаш инсон эканлигини суҳбат асносида билиб олдик.

— Падари бузрукворим Камолиддин ота уста деҳқон бўлган. Биз – болалар отамнинг ҳар бир кетмон урушлари-ю, ҳар бир ўсимликка алоҳида меҳр беришларига маҳлиё бўлардик, — дейди Азаматжон. — Шу сабаб бўлса керак, отамга ҳавас қилдик, у каби деҳқон бўлишини аҳд этиб, далага меҳр бериб ишлаяпмиз. 2019 йилда 48,3 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40-41 центнердан ҳосил йиғиб олишни ният қилганмиз.

Азаматжоннинг укаси Сайдулло унинг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси. Фермер келгусида бир гектар ерга иссиқхона қуриб, халқимиз дастурхонига помидор, бодиринг ва турли хил кўкатлар етказиб бермоқчи.

**Р.ТОЖАЛИЕВА,**
журналист.

# ДИЛЛАРНИ ЯШНАТГУВЧИ МАСКАН

***Юртимиз кундан кунга гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Гуллар шаҳри Наманганнинг ифори бугун қишлоқларга кўчганидан, бободеҳқонларимизнинг хирмонлари тўлиб тошаётганидан, халқимиз ўзлигини англаб етаётганидан қалбингиз қувончга тўлиб, ҳузурланиб кетасиз.***

Одамийлик юртдошларимизга хос фазилат, энг асосийси, бир дона майизни ҳам бўлиб ейдиган аҳил-иноқ эл. Айниқса, дала фидойилари ҳалол пешона тери билан топаётган даромадини яшириб ҳам ўтирмайди.

Уйчи тумани меҳнаткашлари юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлардан, қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари замон билан ҳамқадам ривожланаётганлигидан қувониб, янада яхшироқ ишлашга, замондан орқада қолмасликка бел боғлашган.

Ушбу туманнинг “Уйчи обод замини” фермер хўжалиги раҳбари Барнохон Мирзамова 2006 йили ҳеч иккиланмай фермерликнинг оғир вазифасини уддалай олаbackman, дея иш бошлаган эди. Йиллар ўтган сари шижоат билан ишлади, натижада хўжалиги ривожланди.

Айни кунда 107 гектар пахта, 102 гектар ғалла майдонидан олаётган ҳосилдан хурсанд. Ҳар йили пахтанинг ҳар гектаридан 42 центнердан, ғалланинг ҳар гектаридан 70-80 центнердан ҳосил йиғиб олмоқда. 33 бош голланд моллари, 100 бош товуғи, 50 оила асалариси ҳам Барнохоннинг даромад манбаи.



Хўжалигимизда техниканинг барча тури мавжуд, — дейди Барнохон. — Ҳатто комбайнимиз ҳам бор, ахир техника инсон қаноти. Қўшни фермерларимиз керак бўлганида, бизнинг техникамиздан фойдаланишади.

Қаҳрамонимизнинг тикув цехи, қайта ишлаш кичик корхонаси ҳам бор.

– Аёлсиз, нозик бармоқларингиз қийналиб қолмаяптими? — сўраймиз ундан.

– Вақтни ақлга боғлаб, ишлар режа асосида олиб борилса, барчасига улгурса бўлади, — дейди у камтарлик билан.



Мингбулоқлик фермерлар чўлни обод қилишга астойдил бел боғлашган. “Гулласин Сайхун” фермер хўжалиги раҳбари Юлдузхон Абдуллаева исми жисмига мос, мингбулоқнинг юлдузи.

Онаси Холида Эргашева ушбу туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги очган эди. Деҳқончилик сирларига қизиққан, уста пахтакор бўлишини орзу қилган Юлдуз онасига эргашиб кам бўлмади.

2015 йилда фермер хўжаликни ўз номига ўтказди, астойдил бел боғлаб иш бошлади. Айни пайтда 68 гектар пахта, 57 гектар ғалла майдонидан мўл ҳосил оляпти. 108 бош қорамол, 104 та оила асаларилари, 100 бош товуқ ҳам хўжалик даромадига даромад қўшмоқда.

—Аёлсиз, онасиз. Оила, болалар ташвиши дегандай?

— Турмуш ўртоғим Муҳиддин Эргашев кўмакчим, маслаҳатчим. Қолаверса, қалбимдаги иштиёқ чарчатмайди, меҳнатга, янада юксалишга чорлайверади.

Поп туманидаги “Жўрабой Эргашали Мироншоҳ” фермер хўжалиги буғдойзорлари, улардаги ўрим вақтидаги тартиб, интизомни кўриб ҳавас қилдик.

Хўжалик раҳбари Санжарбек Эргашевнинг дўстлари ҳашарга келишган экан. Иноқлик, аҳилликдан муваффақиятларга эришаётган фермеримизга омадлар ёр бўлишини тилаб, дуолар қилдик.

Хўжаликда 33 бош қорамол, 80 бош қўй-эчки ҳам рацион асосида парваришланмоқда.

Санжарбекнинг орзуси бисёр. Хориждан 32 бош қорамол олиб келмоқчи. 150 та туяқуш келтириб парваришлашни ҳам келажакдаги режасига киритган.

Чуст туманидаги “Шариф-Халил” фермер хўжалиги раҳбари Ҳусанбой Халилов деҳқончиликни отаси, уста пахтакор, Музаффар ака Халиловдан ўрганган. Падари бузруквори Сабзазор ҳудудида муҳандис, кейинчалик фермер бўлиб ишлади. Унинг меҳнатлари боис сифати паст ерлар унумдор бўлди. Ҳусанбой ҳам отасидек меҳнатсевар, жорий йилда 80 гектардаги ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олди. Ҳосилнинг тенг ярмини ўзи ва фермер аъзоларига бўлиб берди. 54 гектар пахта майдонидаги кўсаклар гўё шохига сиғмаётгандай. Лўппи очилган пахталар кўзни қамаштиради. 55 бош қорамол, 100 бош парранда, 10 яшик асалари ҳам Ҳусанбойники.

— Иссиқхонамизни ҳам кўринг опа, — дейди қаҳрамонимиз. — Бодринг, помидор, лимон, оралатиб кўкатлар ҳам экиб турамиз.

Биз наманганлик фермерларнинг юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.

**Р. ЮСУПОВА.**

# ЎЗ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНИ

***Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласи долзарб бўлиб, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, фермер хўжалиги иқтисодиётни модернизация ва ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ер ислоҳотининг таъсирчан ва самарали ҳуқуқий механизмини шакллантиришга ва янги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий негизларини ишлаб чиқишга асосий эътиборни қаратишни тақозо қилмоқда.***



Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ерлардан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳолатини сифат жиҳатидан янги босқичига асос солиши билан бир вақтда уни эркинлаштириш борасида янги вазифаларни ҳам белгилайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга, улар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда ва пировард натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифати ошиб, соҳада сезиларли ривожланиш кўзга ташланмоқда.

Хива туманилик тажрибали олим-агроном Жуманиёз ака етакчилигида 2000 йилда 1 гектар мева боғи асосида ташкил этилган “Муродбек” кўп тармоқли фермер хўжалигида ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва бу ўринда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, асаларичилик каби соҳаларни ривожлантириш бўйича кўпгина хайрли ишлар олиб борилмоқда.

– Фермерлик иши масъулиятли ва заҳматли, – дейди у. – Хўжалигимизнинг аҳил жамоаси аъзолари ризқ-насибаси шу заминга сочилганини, эртанги фаровон кунимиз рўёби бугунги меҳнатимизда эканлигини доим ҳис этиб меҳнат қилади. Жорий йилда 34 гектар майдонда буғдойнинг “Аср” навини экиб, ҳосил етиштириш бўйича белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлаб келмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, ёшликдан деҳқончиликка меҳр қўйган қаҳрамонимиз зироатчиликдаги ҳар бир тадбирни қишлоқ хўжалигининг илмий асосларига, асосийси, амалий тажрибалар натижаларига таяниб ўтказганлиги боис, хўжаликда барча турдаги экинлардан ҳар қандай об-ҳаво шароитида салмоқли, сифатли ҳосил етиштириш бўйича тажриба мактаби яратилган. Шу аснода, Жуманиёз ака мавжуд 2 гектар боғни истиқболли, ноанъанавий мевалар ҳисобига кенгайтириб, қайта ишлаш корхонаси қуриш баробарида хўжаликнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича лойиҳа устида ишлаяпти.

Шунингдек, хўжаликдаги чорвачиликни барқарор тармоққа айлантириш ҳисобига, балиқчиликнинг истиқболли озуқа базасини яратиш йўли билан мавжуд 1 гектарлик балиқхонани кенгайтириш бўйича ҳам хўжаликда соҳадаги илмий тадқиқот институтлари мутахассислари билан ҳамкорликда изланишлар олиб борилмоқда.

– Буюк бобокалонимиз Ал-Бухорий ҳазратлари, “Ҳамма нажот илмда, илмдан бошқа нажот йўқ” деб айтиб ўтганлар, – дейди Жуманиёз ака. – Мазкур дунё тургунча туриш бахтини берувчи хитоб мени ҳар доим шижоатга ундайди, илм томонга етаклаб келган. Ўйлайманки, ҳаракатларимиз эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Хўжалик ташкил этилгандан буён қишлоқ хўжалик экинларидан мунтазам равишда мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, режаларни ортиғи билан пешқадамлар сафида уддалаб келмоқда. Биргина ўтган йили 16 га майдондаги кузги бошоқли дон экинлари – буғдойнинг “Аср” навини эккан заршунослар гектар бошига 72 центнердан хирмон кўтардилар. Дон сотиш шартномавий режаси 110 фоизга бажарилди. Пахтачиликда бирмунча мураккаб келган йилда 20 га майдонга уруғчилик йўналишида ғўзанинг “Хоразм-127” навидан юксак хирмон кўтарилиб, давлатга пахта сотиш шартномавий режаси 115 фоизга уддаланди.

Мавсум давомида хўжаликка қарашли дала шийпони ҳар доим ишчилар билан гавжум. Вақти-вақти билан ўтказилиб турадиган кўнгилочар тадбирлар хўжалик аъзоларининг меҳнатга муносабатларини оширади. Саховатли Жуманиёз ака одамгарчилик йўлида борини аямайдиганлардан. Фермернинг бу саховати хўжалик эришаётган ютуқларнинг бош омили бўлаяпти.

*Ўз мухбиримиз.*

# ШУКРОНАЛИК САОДАТИ



**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ШОФИРКОН ТУМАНИДА ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. «ШАМСИ ҚАМАР МУБОРАК» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР**

Мустафо ака Зайниевнинг болалик йиллари падарибузрукворi Қамариддин ота, волидаи муҳтарамаси Ҳабиба она ортидан эргашиб Жўшўра қишлоғи далаларида ўтди. Ўрта мактабни тугатиб, ёшликдан деҳқончиликка бўлган меҳри боис, мустақил ҳаётга қадамни даладан бошлади. Шу орада Бухоро йўл қурилиш билим юртининг автомобили йўл қурилиши ва эксплуатация қилиш мутахассислигини эгаллаб, бир неча йил шу соҳада ишлади. Истиқлол шарофати билан 2007 йилда "Шамси Қамар Муборак" фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳозирга қадар хўжаликнинг фақат илғорлар сафида бўлишини таъминлаб, эл-юрт дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Зироатчилик нони билан вояга етган опам Солиҳа Зайниева ҳисобчиликдан, акам Жамол Зайниев ҳайдовчиликдан, сингилларим Сора ва Рукия ҳамда Дилраболар тарбиячи-ўқитувчиликдан эл-юрт олдида ҳурмат топиб, нафақага чиқишди. Укаларим Аҳмад муҳандис, Раҳмат эса ҳайдовчи, кенжамиз Ваҳобжон Зайниев тумандаги "Қамбар Эшон" фермер хўжалиги раҳбари, – дейди Мустафо ака мамнуният билан. – Мен турмуш ўртоғим Муборак Зайниева билан истиқлол шабадасидан баҳраманд бўлиб, ўқитувчи қизларим Умида, Навбаҳор, Азиза, "Шамсиддин Мустафо" фермер хўжалиги раҳбари ўғлим Шамсиддин ва набираларим ҳақига дуога қўл очиб, тинч-фаровон яшамоқдамиз.

Дарҳақиқат, Мустафо ака ҳар бир ишда ташаббускор, пахта, ғаллачилик ва техника билан хизмат кўрсатишда юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган фермерлардан бири саналади. Ҳозирда хўжаликда 23 киши доимий иш, 83 киши мавсумий иш билан таъминланган, ўртача ойлик иш ҳақи 860,0 минг сўмни ташкил этмоқда.

Хўжаликнинг умумий экиладиган ер майдони 120 гектар бўлиб, шундан 87 гектарга пахтанинг "Бухоро-10" нави, 33 гектарга кузги буғдойнинг "Старшина" нави экилган. Ғалла йиғиб олинди, пахта кўчати эса белгиланган агротехник тадбирлар асосида ўз вақтида, сифатли қилиб парваришланмоқда.

Фермер хўжалиги ерлари балл-бонитети пастлигига қарамай, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш даражаси юқори бўлган ер майдонларининг унумдорлигини ошириш, гармсел шамолларидан сақлаш мақсадида ерлар атрофига иҳота дарахтзорлари барпо этилди. Ҳудудда 7 километр масофадаги зовурлар қўл кучи ва механизмлар ёрдамида тозаланди, захларни қочириш мақсадида тик қудуқлардан фойдаланган ҳолда сув сатҳини пасайтиришга эришилди. Мелиоратив қудуқлардан фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерлардан юқори ҳосил олиб келинмоқда.

Жорий қишлоқ хўжалик йили ҳам жамоа аъзолари учун баракали келмоқда. Биргина пилла тайёрлаш режаси 180 фоизга уддаланиб, кумуш тола ижодкорлари иккинчи ипак қурти боқиш мавсумига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Саховатпеша қаҳрамонимиз тумандаги кам таъминланган оилаларга 4 млн. сўмдан ортиқ, Хўжа Ориф Моҳитобон жоме масжидининг таъмирлаш ишлари учун 2 млн сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Ташаббускор ва меҳнатсевар фермер жонкуяр ҳамда фидойи инсон сифатида ҳамкасблари, вилоят зиёлилари, туман фаоллари ҳамда маҳалладошлари орасида катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган.

– Иқтисодиётнинг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончиликнинг ривожини агро илмсиз тасаввур этиб бўлмайди, – дейди тажрибали фермер. – Биз давр талабларидан орқада қолмаслик учун қатор йиллардан буён кўп даромад берадиган ноанъанавий ўсимликлар, шунингдек, маҳсулдор, барқарор иқтисодни шакллантиришга қодир чорва турларини кўпайтириш устида изланишлар олиб боряпмиз. Дастлабки натижаларга таянган ҳолда илмий муассасалар билан ҳамкорликда дунёга юз тутувчи лойиҳалар тайёрлаш бўйича амалий ишларни бошлаб юбордик.

**Ўз мухбиримиз.**

# КЎЧАТЧИЛИКДАН БАХТ ТОПГАН ОТА



70 ёшни қаршилаган Бобожон ота Тожибоев билан суҳбатимиз давомида шуни билдикки, меҳнат қилган одам қаримайди, сўзида мустаҳкам бўлиб, шогирдлар ва эл ардоғида яшайди. У бутун умр пиллачилик соҳасида фаолият кўрсатиб, кам бўлмади.

Бобожон тракторчи ва пиллакор оиласида камол топди. Меҳнат фаолиятини 1964 йили Амударё туманидаги мукобил-трактор паркида ишчиликдан бошлади. Анча йил механик-ҳайдовчи бўлиб ота касбини ардоқлади. Қишлоқ боласи эмасми, болалигидан ота-онаси уйида пилла боққани боис пиллачиликка ихлоси баланд эди. 1982 йили “Манғит бош пилла куритиш” корхонасига ҳосилот бўлиб ишга жойлашди. Билим доирасини кенгайтириш учун 1984 йилда Наманган қишлоқ хўжалиги техникумини тугатди.

Йиллар йилларни қувлаб ўтаверди. 1992–1995 йилларда у Қипчоқ пиллахонаси мудири, 1995–2006 йилларда “Манғитпилла” МЧЖ ҳосилоти, 2006–2010 йилларда Қипчоқ пиллахонаси мудири, 2010–2017 йиллар “Манғитпилла” МЧЖ ҳосилоти вазифаларида ишлаб, кўплаб шогирдларга ва ёш пиллакорларга маслаҳатчи ҳамда бош бўлди. 2018 йилдан бошлаб эса “Тажи Бабажан” МЧЖ тузиб, пиллакорлар учун тут кўчати етиштиришни ўзига йўлга қўйди. Натижада оила аъзолари ҳам иш билан таъминланди. Унинг турмуш ўртоғи Донагул Бердибаева 49 йилдирки, ипак қурти боқади. Нафақадаги онахон ҳозирда ёнидаги уч нафар келини билан ҳар йили 5-7 қути ипак қурти боқиб, 300–450 кг. пилла топширмоқда. Донагул она ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” пъесасидаги Фармонбибининг ўзи. 7 ўғилу 7 келин, 4 нафар қиз, 20 нафардан зиёд ўғил неваралари бор.

— Санаманг, кўпроқ қилиб ёзинг, — дейди у ҳазил аралаш кулиб.

Ўғилларидан Хайрулло тутчилик ҳосилоти, Жамолиддин “Тажи Бабажан” МЧЖда ишчи, отасига ёрдамчи, келинлар ҳам оиладан ортди дегунча шу ерда кўчатчилик билан шуғулланишади. 80 сотих тутзорда кўчатлар баравж ривожланмоқда. Ўғилларидан иккитасининг томорқасида ҳам кўчат етиштирилади. Ҳар йили 10 000–15 000 туп кўчат етиштирилиб, туман фермерларига етказиб берилади.

Ўғли Санжар Тожибаев бу йил Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида “Агробиология” факультети, “Ипакчилик” бўлимини тамомлади. Унинг ниятлари ҳам катта. Келгусида отаси билан МЧЖ фаолиятини кенгайтиришни, кўчатнинг янги навларини яратишни кўзламоқда.

Ҳа, 55 йил тут етиштириш йўналишида ва ҳосилотлик қилиб элга танилган инсоннинг фарзандлари кам бўлмади. Ахир, қуш уясида кўрганини қилади-да.

Бобожон бобо оиласи билан хайрлашар эканмиз, Амударё туманининг меҳнат аҳлига омонлик ва саодат, отахонга эса узоқ умр тиладик. Негаки, унинг табобатдан ҳам хабари бор бўлиб, менга бош оғриғи учун бир қанча маслаҳатлар берар экан, тутчиликнинг яна бир қиррасини очди. Кузда ва баҳорда энди бўй чўзаётган тутнинг ифори кўнгилни очаркан. Оқ тут ва қора тутлар эса кўп дардларга дармондори экан. Умр йўлларини эзгуликларга бағишлаган ҳар бир инсоннинг омади унинг ўз қўлида, барака эса тинч ва осуда ҳаёт мужассам бўлган меҳнатда.

**Суратда:** ***Бобожон ота қизи Раъно Тажибаева, келини Назокат Раҳимовалар билан кўчатчилик даласида.***

**Ш. СОДИҚОВА.**

# ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН ЎТА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ (ЎЮЧ) ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИНИ ҚЎЛЛАШ

*This article discusses the use of a high-frequency electromagnetic field for grain drying. One of the most common processes in the technology of processing technology is heat treatment.*

Ўзбекистонда донлар ҳосилини йиғиш даврида тез-тез табиий аномалия билан муроса қилишга тўғри келади: қайсики, бошоқларни синдирувчи шамол, момақалдироқ, ёмғир сувлари таъсирида етиштирилган ҳосилнинг қисман ёки бутунлай йўқ қилиниши, шиддатли, қаттиқ довулларнинг етиштирилган ҳосилни теришни қийинлаштириши ва ҳоказо...

Донларнинг ўз вақтида йиғиб олиниши, буғдой, гуруч, маккажўхори, ёнғоқ ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг сақланиши Республика агросаноат комплекси учун асосий вазифалардан ҳисобланади.

Об-ҳавонинг ёмғирли ҳолатларида донлар ивиб қолади ва уларда биологик жараён ҳосил бўлади, яъни донлар ички структурасининг бузилиши юзага келади.

Технологик аппаратлар ва воситаларнинг яратилиши баробарида донларни теримдан кейинги намдан физик ва биологик жиҳатдан интенсив қуритиш муҳим ҳисобланиб қолмоқда ва талаб этилмоқда.

Ўта юқори частотали (ЎЮЧ) энергия кўпроқ замонавий технологияларнинг ривожланишида янги энергия турларини қўллашга боғлиқдир. Маҳсулотларни қайта ишлаш технологиясида кенг тарқалган жараёнлардан бири иссиқлик жараёни ҳисобланади. Электромагнит майдоннинг юқори таъсирчанлик хусусияти сабабли, нометалл жисмларда бир вақтнинг ўзида ҳажмнинг барча томонларида иситиш келиб чиқади, шу сабабли қайта ишланаётган жисмларда минимал температураларда катта қувват ҳосил бўлади, деб хулоса қилиш мумкин. ЎЮЧ иситиш, бу — иситишнинг соф усули ҳисобланиб, у жисмнинг ифлосланишига йўл қўймайди. Бу усул бошқаришда инерциясиз, янги таъсирчан технологик жараёнларда ва керакли жойда энергияни битта жойга йиғиш имконини беради. Саноат ЎЮЧ қурилмалари йирик қувватга ва юқори унумдорликка эгадир.

ЎЮЧ энергияси конвекция орқали ва вакуумли қуритишда, шу билан бирга, озиқ-овқат саноатида тайёрлаш ва қиздиришда кенг қўлланилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда қуритиш, стерилизация қилиш, пастеризация қилиш ЎЮЧ энергия ёрдамида егуликлар (яхна овқатлар), ҳар хил турдаги қуруқ яримфабрикатлар, узоқ сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида юқори машҳурликка эгадир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат саноатининг замонавий технологияларида қайта ишлаш даражасини кенгайтириш ва яратилаётган маҳсулотлар сифатини кўтариш назарда тутилган.

Кейинги 10 йил ичида донли маҳсулотларга ЎЮЧ энергиянинг таъсири устида кенг тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқот ишларида қуритиш, экишолди суғоришни кучайтириш, донларни сақлашдан олдин ва кейин тозалаш ҳамда дезинфекция қилиш, тупроқни қайта ишлаш тўғрисидаги саволлар кўриб чиқилган. Ҳозирги кунга келиб, дон ва дон маҳсулотларини ЎЮЧда қайта ишлаш тизимини қўллаш илмий уюшмада муҳим, деб эътироф этилган.




*Расм. ЎЮЧнинг поғонали тартиби.*

Ушбу илмий мақоланинг мақсади кўпкамерали қурама конвектив (иссиқликнинг муҳим оқими кўчиши) қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш.

Ушбу ишда қуйидаги масалалар ечилади: қурилма иссиқлик унумдорлигининг ошиши, ўта юқори генерация тизимини татбиқ этиш ҳисобига қуритиш жараёни унумдорлигининг ошиши; ташқи таъминот етказиш манбасидан рад этиш.

Қуритиш қурилмасининг асосий элементларини стеклопластиклардан тайёрлаш маҳсулотнинг таннархини камайтиради.

ЎЮЧ электромагнит майдондан фойдаланиш маҳсулот яроқлилик муддатининг ошишига ва микрофлорасининг (микроскопик майда ўсимликлар) бутунлай йўқ бўлишига имкон беради.

Ишлаб чиқариш соҳасида таҳлиллар асосида ўсимлик хомашёсини қайта ишлаш технологиясининг муҳимлиги ва бошоқли дон ўсимликларини қуритиш жараёнига босқичма-босқич тайёрлашда иккиламчи ресурсларни ЎЮЧ электромагнит майдонлар таъсирида татбиқ этиш хулосаси келтирилган.

Қуйидаги расмда ЎЮЧ қуритишнинг тажриба диаграммаси келтирилган Бу ерда бошланғич намлиги 25% бўлган донларни электромагнит тўлқинларнинг ЎЮЧда конвектив қуритишнинг поғонали тартибидан фойдаланилган.

Частотани v=350 МГц танлашнинг шарти шундаки, бу частота донларни максимал ютиш хусусиятига мос келишидир.

ЎЮЧ қурама конвектив қуритишнинг поғонали тартибини танлашдан мақсад жараённинг учта ҳар хил давомийликдаги босқичга бўлинишидир. Биринчи босқичда бошоқли донлар ЎЮЧли қайта иссиқликда 1,5 дақиқа давомида t=30-32°С гача иситилади.

Иккинчи вақтинчалик босқичда бироз қуриган бошоқли ўсимликлар 3 дақиқа давомида t=46–47°С гача иситилади. Учинчи босқичда ҳам шу тарзда қуритиш ҳарорати t=37–52°С гача қайта ишланиб, намлик 14 фоизгача етказилади.

Ўта юқори частотали электромагнит майдонларни қўллаш қуйидагиларга имкон беради:

иссиқлик таъсирини оширади;

ўта юқори тизимли генерацияни қабул қилиш ҳисобига қуритиш жараёнини кучайтиради;

электромагнит технологиясини татбиқ этиш доннинг сифати ва яроқлилик муддатини оширади.

**А.САИТОВ,**
*илмий изланувчи, ассистент,*
**И.КОЛЕСНИКОВ,**
*т.ф.н., доцент,*
*Тошкент темир йўл муҳандислари институти.*

## АДАБИЁТЛАР

*1. В.П. Требух и др. Микроволновая (СВЧ) установка большой производительности для высокоинтенсивной тепловой обработки зерна и зерновых продуктов // Вестник ВНИИМЖ. 2014. – №1 (13), 63-71-С.*

*2. А.А. Саитов, И.К. Колесников, Ж.Ф. Курбанов, А.М. Юсупов. Многокамерная комбинированная СВЧ – конвективная сушильная установка для обработки увлажненных зерновых злаков // Изобретения. Официальный бюллетень. Ташкент, 2018. – №11 (211), 11-12-С.*

# ВЫДЕЛЕНИЕ СЕЛЕКЦИОННО-ЗНАЧИМОГО ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА И СОЗДАНИЕ НА ЕГО БАЗЕ ГАК-ПОПУЛЯЦИЙ РАЗЛИЧНЫХ ПОКОЛЕНИЙ

The article provides an analysis of the research results, on the basis of which conclusions are made related to the breeding significance of the selected GAK-populations of different generations.

Республика Узбекистан крупнейший в мире производитель и экспортер хлопкового волокна. Следовательно, хлопководство в Узбекистане остается важной отраслью экономики республики. Такое приоритетное положение хлопководства предполагает высокий уровень развития в первую очередь селекционной науки.

В развитии и интенсификации отечественного производства высококачественного хлопка-сырца огромная роль принадлежит в первую очередь селекции, систематической и своевременной смене сортов хлопчатника все более скороспелыми, продуктивными, высококачественными, сочетающими устойчивость к вредителям с новыми востребованными производством сортами. Для успешного решения данной проблемы необхоимо создание и выявление сортов хлопчатника, устойчивых к основным наиболее вредоносным заболеваниям.

Полевые исследования проведены в рамках мега проекта ВА-ФА-5-020 соисполнителем № 1 финансируемого Министерством инновационного развития Республики Узбекистан. Эксперименты проводили в полевых условиях производственного отдела научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкентской области.

Посев в 2018 г. проведен по схеме 60 х 25 х ,1 во время проведения опытов на участке проводилось 5 мотыжений, 2 прополки сорняков, 2 прореживания всходов, 5 нарезок борозд перед поливами, 5 тракторных культиваций после поливов и 5 вегетационных поливов. Внесено удобрений в подкорму № 1 - 300 кг/га аммиачной селитры и 80 кг/га- KCL. Во вторую подкормку внесено 200 кг/га карбомида и 150 кг/га аммиачной селитры. В третью подкормку внесено – 150 кг/га карбомида.

Объектом исследования в эксперименте служили 27 коллекционных образцов, 49 ГАК-популяций 2 поколения, 1 ГАК популяция 3 поколения и 8 ГАК популяций 7 поколения, а в качестве сорта-стандарта использовался сорт Наманган-77.

Целью исследований служило выделение селекционно-значимого исходного материала ГАК-популяций различных поколений обладающих повышенным значением признаков «масса хлопка-сырца одной коробочки» и «выход волокна».

Методика проведения полевого эксперимента общепринятая для генетико-селекционных работ с хлопчатником в поле. Опыты, связанные с исполнением теоретических разработок закладывались в 3[х] кратной повторности, рендомизированными блоками, однорядковыми, 10-луночными делянками, используя уравнительный посев, который проведен ручным способом, на естественно инфицированном VerticilliumdahliaeKlebhan фоне.

При создании 49 ГАК-популяций $F_2$ в качестве материнских и отцовских форм использовались сорта и линии Центра геномики и биоинформатики и коллекционные образцы. При создании 7 ГАК популяций $F_7$ в качестве материнской формы использовался сорт Наманган-77, а в качестве отцовских форм следующие сорта различного происхождения, в том числе КК-1796, КК-1086, Catamarca и Зангиота, а также линейный материал L-1000, L-N-1, L-141 и L-45, при создании ГАК популяций $F_3$использовались L-2 и образец Sos.

У сорта стандарта Наманган-77, как это видно из таблицы 1 средняя величина признака «выход волокна» находилось на уровне 38.7%,а средняя величина признака «масса хлопка-сырца одной коробочки» на уровне 6.1 грамма.

Анализируя результаты исследований по признаку «выход волокна» у коллекционных образцов обладающим высоким значением анализируемого признака выделены такие, как: Catamarca-811, где M=38.7%, L-141, где M=39.5%, L-45, где M=38.9%, SAD-35-11, где M=38.8%. По признаку на «масса хлопка-сырца одной коробочки» к образцам обладающим высоким значением анализируемого признака следует отнести такие, как: L-1000, где M=7.1 г, Catamarca-811, где M=6.7 г, L -3 – M= 7.1 г. и L -6 – M= 7.0 г.

Анализируя ГАК-популяции $F_2$ следует сказать, что к лучшим (максимальные значения) по средней величине признака «выход волокна» следует отнести такие, как:W-3 (вариант опыта 30), где M=41/9%, W-6 (вариант опыта 33), где M=42.2%, R-6 (вариант опыта 41), где M=41.8%и S-8 (вариант опыта 50), где M=41.2%. По средней величине признака «масса хлопка-сырца одной коробочки» выделены такие, как:R-2 (вариант опыта 38), где M=11.2 г, R-3 (вариант опыта 39), где M=11.2 г.

Анализируя ГАК-популяции $F_7$ следует сказать, что по средней величине признака «выход волокна» такие, как: Наманган-77 х КК-1796 (вариант опыта 51), где M=42.3%, Наманган-77 х L-1000 (вариант опыта 52), где M=44.5%, Наманган-77 х КК-1086 (вариант опыта 53), где M=43.7%, Наманган-77 х Catamarca-811 (вариант опыта 54), где M=42.8%, Наманган-77 х LN-1(вариант опыта 55), где M=41.1%, Наманган-77 х L-141 (вариант опыта 56), где M=40.9%, Наманган-77 х L-45 (вариант опыта 57), где M=43.5%, Наманган-77 х Зангиота (вариант опыта 58), где M=41.4%.

По средней величине признака «масса хлопка-сырца одной коробочки» обладающих повышенным его значением следует выделить такие, как: $F_7$Наманган-77 х КК-1796 (вариант опыта 51), где M=6.7 г, $F_7$Наманган-77 х L-1000 (вариант опыта 52), где M=9.3 г,$F_7$Наманган-77 х КК-1086 (вариант опыта 53), где M=8.5 г, $F_7$Наманган-77 х Catamarca-811 (вариант опыта 54), где M=7.3 г,$F_7$Наманган-77 х LN-1(вариант опыта 55), где M=7.6 г,$F_7$Наманган-77 х L-141 (вариант опыта 56), где M=7.7 г,$F_7$Наманган-77 х L-45 (вариант опыта 57), где M=7.0 г,$F_7$Наманган-77 х Зангиота (вариант опыта 58), где M=8.1 г.

На основании анализа результатов полевых исследований, следует сделать вывод:

- выявлены образцы L-1000, L-37 и семьи ГАК-популяции $F_2$и$F_7$, сочетающие в себе высокие значения признаков «выход волокна» и «масса хлопка-сырца одной коробочки», с которых заготовлено 97 индивидуальных отборов, представляющих интерес с селекционной точки зрения.

**В.АВТОНОМОВ,**
*д.с.х.,проф.,*
**Ё.КУРБОНОВ,**
*д.ф.(PhD), с.н.с.,*
**А.АШИРКУЛОВ,**
*к.с.х.н, с.н.с.,*
**А.РАВШАНОВ,**
*к.с.н., с.н.с.,*
**Р.СУПИЕВ,**
*м.н.с., НИИССАВХ;*
**Ф.КУШАНОВ,**
*д.б.н., с.н.с.,*
**ЦГИБИОИНФОРМАТИКИ.**

## ЛИТЕРАТУРА

*1. Автономов В.А., Каюмов У.К. Межсортовая географически отдаленная гибридизация в селекции хлопчатника вида G.hirsutumL. Монография. – Ташкент, 2013. – 138 с.*

УЎТ: 633.11.632.2

# ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ – ДОЛЗАРБ МУАММО

**In this article, experiments on durum wheat conducted in recent years were selected, and the indicators of productivity of durum wheat at the late stage of selection, that is, on competitive variety-testing crops, were studied.**

Ҳозирги кунда дунёда бошоқли дон экин майдонларининг 90 фоизига юмшоқ буғдой, 9–9,5 фоизига қаттиқ буғдой, 0,5–0,7 фоизига тритикале экилади. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида қаттиқ буғдой азалдан экиб келинган. Бунга келиб чиқиши Ўрта Осиё давлатлари ва Жанубий Қозоғистон бўлган маҳаллий "Туякаш", "Муслимка" ва "Хурсанд" навларининг ҳозирги кунда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти генофондида сақланаётган намуналари мисол бўла олади. ХХ асрнинг бошларида Хоразм, Бухоро ва Самарқандда қаттиқ буғдой донларини Россия, Италия ва Англияга экспорт қилиш учун йирик савдо битимлари тузилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Қаттиқ буғдой дунёда экин майдони бўйича 2-ўринда туради. Умумий экиладиган буғдойнинг 8–10 фоизини ташкил қилади. Унинг энг катта майдонлари Португалия, Испания ва Италияда тарқалган бўлиб, у асосан юқори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун етиштирилади.

Қаттиқ буғдой ер шарининг 18–45 градус шимолий ва жанубий кенгликларида қуруқ ва иссиқ иқлимли минтақаларда етиштирилади.

Қаттиқ буғдойнинг суғориладиган майдонларга мос, юқори сифатга эга, макарон ва кондитор маҳсулотлари сифатига жавоб берадиган юқори ҳосилли навларини яратиш жуда муҳимдир. Шу сабабли ДДЭИТИ Қашқадарё филиали тажриба станциясининг рақобатли нав синаш кўчатзорида қаттиқ буғдойнинг 15 та нави 3 қайтариқда экиб ўрганилди ва натижалар таҳлил қилинди.

Олиб борилган тажрибаларда тизмаларнинг юқори маҳсулдорлигини ўрганиш учун тажрибаларга андоза навлар сифатида қаттиқ буғдойнинг "Крупинка", "Зилол" ва "Насаф" навлари қабул қилинди ҳамда шу келтирилган андозаларга нисбатан юқори кўрсаткичларига эга бўлган тизмалар танлаб олинди.

Қаттиқ буғдойнинг рақобат нав синаш кўчатзорида 15 та нав ва линияси синовдан ўтказилиб, унда андоза нав сифатида "Крупинка", "Зилол" ва "Насаф" навларидан фойдаланилди. Тажрибадаги андоза навларнинг "Крупинка" навида 60,7 ц/га, "Зилол" навида 76,1 ц/га ва "Насаф" навида 59,2 ц/га ҳосилдорлик кузатилган бўлса. Тажрибадаги 5 та: KR17_DurumAgro_Entry-18 намунасида 76,3 ц/га, 2017DWF6-Plot-21 намунасида 77,5 ц/га, KR17_DurumAgro_Entry-16 намунасида 80,2 ц/га, KR15-DR-EN-8 намунасида 80,4 ц/га, KR17_DurumAgro_Entry-20 намунасида 82,0 ц/га ҳосил олиниб, андоза навларга қараганда ҳосилдорлик бўйича юқорилиги кузатилди.

**Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг махсулдорлик кўрсаткичлари (Карши, 2017-2018 йиллар.)**

| № | Нав номи | Делянкадан олинган ҳосил, кг | Ҳосилдорлик, ц/га | 1000 та дон вазни, г | Дон натураси, г/л |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Крупинка | 18,20 | 60,7 | 43,8 | 816,0 |
| 2 | Зилол | 22,83 | 76,1 | 44,4 | 815,7 |
| 3 | Насаф | 17,77 | 59,2 | 52,6 | 813,7 |
| 4 | KR15-DR-EN-2 | 22,70 | 75,7 | 44,6 | 819,0 |
| 5 | KR15-DR-EN-8 | 24,12 | 80,4 | 46,2 | 826,7 |
| 6 | KR15-DR-EN-29 | 22,06 | 73,5 | 47,2 | 811,7 |
| 7 | KR17_DurumAgro_Entry-16 | 24,06 | 80,2 | 45,0 | 816,7 |
| 8 | KR17_DurumAgro_Entry-18 | 22,88 | 76,3 | 43,7 | 804,3 |
| 9 | KR17_DurumAgro_Entry-19 | 20,42 | 68,1 | 46,0 | 813,0 |
| 10 | KR17_DurumAgro_Entry-20 | 24,61 | 82,0 | 44,2 | 815,0 |
| 11 | 2017DWF6-Plot-3 | 13,14 | 43,8 | 45,7 | 800,0 |
| 12 | 2017DWF6-Plot-14 | 21,19 | 70,6 | 41,3 | 792,7 |
| 13 | 2017DWF6-Plot-21 | 23,24 | 77,5 | 44,3 | 807,3 |
| 14 | 2017DWF6-Plot-40 | 19,02 | 63,4 | 40,3 | 816,7 |
| 15 | 2017DWF6-Plot-51 | 19,12 | 63,7 | 46,5 | 817,7 |
| | Mean | 21,0 | 70,1 | 45,1 | 812,4 |
| | Max | 24,6 | 82,0 | 52,6 | 826,7 |
| | Min | 13,1 | 43,8 | 40,3 | 792,7 |
| | LSD05 | | 2,35 | 1,976 | 8,855 |
| | CV% | | 2 | 2,6 | 0,7 |

Тажриба натижаларига кўра, 1000 дона дон вазни 40,3–52,6 г. гача ва андоза "Крупинка" навида – 43,8 г, "Зилол" навида – 44,4 г ва "Насаф" навида – 52,6 г ҳамда KR15-DR-EN-29 намунасида – 47,2 г, 2017DWF6-Plot-51 да – 46,5 г, KR15-DR-EN-8 да – 46,2 г, KR17_DurumAgro_Entry-19 да – 46,0 г, KR17_DurumAgro_Entry-16 да – 45,0 г, 2017DWF6-Plot-3 да – 45,7 г. ни ташкил этганлиги кузатилди.

Доннинг муҳим технологик сифат кўрсаткичларидан яна бири бу – дон натурасидир. Дон натураси андоза "Крупинка" навида 816 г/л, "Зилол" навида 815,7 г/л, ва "Насаф" навида 813,7 г/л эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, дон натураси KR15-DR-EN-8 намунасида 826,7 г/л, KR15-DR-EN-2 да 819,0 г/л, 2017DWF6-Plot-51 да 817,7 г/л, KR17_DurumAgro_Entry-16 да 816,7 г/л, 2017DWF6-Plot-40 да 816,7 г/л. ни ташкил этиб, андозадаги "Крупинка", "Зилол" ва "Насаф" навларининг дон натурасига нисбатан юқорилиги кузатилди.

Дон натураси тажрибадаги 2017DWF6-Plot-14 намунасида 792,7 г/л, 2017DWF6-Plot-3 да 800,0 г/л, KR17_DurumAgro_Entry-18 да 804,3 г/л, 2017DWF6-Plot-21 да 807,3 г/л, KR15-DR-EN-29 да 811,7 г/л, KR17_DurumAgro_Entry-19 да 813,0 г/л. ни ташкил этиб, андоза навлар –“Зилол” ва “Насаф” навларига қараганда паст эканлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганимизда, тажрибаларда кузатилаётган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг аксарияти андоза навларга нисбатан юқорилиги кузатилди. Шу жумладан, KR17_DurumAgro_Entry-16, KR15-DR-EN-8, KR17_DurumAgro_Entry-20, KR17_DurumAgro_Entry-19, KR15-DR-EN-29 тизмалари андоза навларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эгалиги ва ҳосилдорликлари юқорилиги олиб борилган тажрибаларда ўрганилди. Шуни эътиборга олган ҳолда, юқорида танлаб олинган тизмаларни селекциянинг кейинги босқичлари учун тавсия этилади.

**А.МЕЙЛИЕВ**, ***тадқиқотчи***,
*(Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали).*

**АДАБИЁТЛАР**

*1. Сиддиқов Р., Аманов А., Эгамов И. Кузги буғдой донининг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2012. - № 10.*

*2. Маманиязов С.М. Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдойнинг интенсив технология асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Ғаллаорол ғаллачилик ИТИ Каттақўрғон бўлими илмий ҳисоботи. – Каттақўрғон, 1990.*

*3. Николаев Е. В. Твердая пшеница в Крыму . – Симферополь: ЧП «Фактор», 2004. – 135 с.*

*4. Сулейманов Р.М., Нургалиева Ж.М. Селекция и семеноводство яровой и твердой пшеницы T. Durum Desf. В Акмолинской области Северного Казахстана “Ўзбекистонда ғаллачиликнинг яратилган илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар тўплами. – Жиззах: “Сангзор”, 2013.*



# ҲИСОБЧИЛАР УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Яқинда “HILOL MEDIA” нашриёти томонидан иқтисод фанлари номзоди, доцент Чиндали Ризаевнинг “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидаги жараёнларни ҳисобга олиш” номли китоби чоп этилди.




Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ва таълим муассасаларида ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобот даврида амалга ошириладиган хўжалик жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида, ҳисоб регистрларида тўғри ҳисобга олиниши ва акс эттирилиши, бу ҳисоб маълумотларининг тўлалигини, ҳақиқийлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Шу боисдан, бюджетдан молиялаштириладиган барча хўжалик юритувчи субъектларда бухгалерия ҳисобини, молиялаштириш жараёнларини тўғри ташкил этиш, бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланиш, натижада эса бошқарув жараёнларида стратегик қарорларни қабул қилиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалалардандир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида бюджетдан молиялаштириладиган барча хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилиб бериш, белгиланган йўналишлар бўйича мониторинг ўрнатиш, амалдаги меъёрий ҳужжатларга ва солиқ қонунчилигига қатъий амал қилиш амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, муассасаларда ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобот даврида амалга оширилган хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш, уни иқтисодий таҳлил қилиш ва молиявий натижаларини шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақ (счёт)ларининг ўзаро боғланишини тўғри белгилаш, ҳисоб регистрларида акс эттириш алоҳида аҳамиятга эга.

Амалиётдаги бухгалтер ва иқтисодчи ходимлар, шунингдек, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган талабалар, ўқувчилар таълим олиш ва ўрганиш жараёнларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ҳамда “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини қўллашда,хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобот даврида амалга оширилган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақларида тўғри ҳисобга олишда, иқтисодий таҳлил қилишда шунингдек ички имкониятлардан тўла фойдаланишда, айрим англашилмовчиликлар ва муаммоларга дуч келишлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб-китоб ишларини юритишда мазкур услубий қўлланмадан фойдаланиш бундай муаммо ва камчиликларга бир қадар барҳам беради, деган умиддамиз.

Ушбу услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бухгалтерия ҳисоби, молия ва иқтисод йўналишлари бўйича таҳсил оладиган талабаларга таълим олиш, амалиётдаги бухгалтер, иқтисодчи ходимлар ва бюджет ташкилотларининг раҳбарларига ишлаш жараёнларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

**Б. ЭСОНОВ.**

# СОЯ НАВЛАРИ ПОЯ БАЛАНДЛИГИГА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Influence of watering order on main stem height was different at all phases of soya varieties and the highest height during the whole developed phases had been observed over the comparatively late ripening variety of Uzbekistan-2.**

Ўлкамиз тупроқ-иқлим шароити соя етиштириш учун жуда қулай бўлиб, уни юртимизнинг барча ҳудудларида асосий ҳамда такрорий экин сифатида етиштириш мумкин. Шунингдек, сўнгги йилларда республикамиз ғаллазорларида кўпайиб бораётган ёввойи сули, так-так, тулкидум, чақамиғ, кўп йиллик бегона ўтлар – ажриқ, ғумай, пахтатикан, какра ва бошқалар кескин камаяди. Суғориладиган ерларда янги, илмий асосланган қисқа ротацияли алмашлаб экиш ва суғориш тизимларини яратиш ҳамда жорий қилиш имконияти туғилади.

Ҳозирда республикамизда селекционер олимлар томонидан яратилган 16 та соя нави Давлат реестрига киритилган. Республикамизнинг суғориладиган ерларида соя экини навларини турли иқлим-тупроқ шароитларида асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологияларини, жумладан, суғориш тартибларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда 2015–2018 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг “Орзу”, “Ўзбекистон-2”, “Олтин тож” ва “Селекта-201” навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича дала тажрибалари олиб борилди. Тажриба майдонининг тупроғи типик бўз, оғир механик таркибли, сизот сувлари чуқур жойлашган (>3). Тажриба 12 вариантда, 3 такрорланишда олиб борилди ва соя навларининг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70%, 70-75-75% ва 70-80-80% бўлган тартибда суғоришлар ўрганилди.

Тажриба майдонида соя ўсимлигининг поя узунлиги навларига ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши аниқланди. Ўрганилган навлар ичида энг баланд поялар бутун ўсув даври давомида нисбатан кечпишар “Ўзбекистон-2” навида кузатилди (жадвал). Бу навнинг поя узунлиги 1 сентябрдаги ҳолати бўйича суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70% бўлган 1, 4, 7, 10- вариантларда 86,0 см, 70-75-75% бўлган 2, 5, 8 ва 11-вариантларда 89,9 см, 70-80-80% бўлган 3, 6, 9 ва 12- вариантларда эса 94,8 см. дан иборат бўлди. Ундан кейинги баланд пояли ўсимликлар ўртапишар “Селекта-201” ва “Олтин тож” қайд қилинди. Бунда ўсув даври охиридаги поялар баландлиги суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70% бўлган вариантларда 62,5–69,8 см, 70-75-75% бўлган вариантларда 65,8–69,8 см ва 70-80-80% бўлганда 69,5–73,2 см. ни ташкил қилди.

Тажриба майдонига нисбатан паст бўйли ўсимликлар тезпишар “Орзу” навида кузатилди. Бу навнинг поя узунлиги суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70% бўлганда 60,6 см, 70-75-75% бўлганда 63,2 см ва 70-80-80% намлик даражасида суғорилганда эса 65,5 см бўлди. Шу навнинг поя узунлиги ўртапишар “Селекта-201” ва “Олтин тож” навларига нисбатан суғориш тартибларига мос равишда 1,9–4,3 см, 2,6–6,6 см ва 4,0–7,7 см, кечпишар “Ўзбекистон-2” навига нисбатан эса 25,4 см, 26,7 см ва 29,3 см, паст бўйга эга бўлганлиги аниқланди. Ҳар бир соя навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолидаги поя узунлиги ўрганилганда нисбатан баланд бўйли ўсимликлар суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-80-80% бўлган вариантларда кузатилди.

Бу кўрсаткич 1 сентябр ҳолати бўйича “Орзу” навида 65,5 см бўлди, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70% бўлганда эса 5,5 см паст бўлди. Ўртапишар “Олтин тож” ва “Селекта-201” навларида суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-80-80% бўлганда 69,5–73,2 см бўлган бўлса, 70-70-70% намликда унга нисбатан 7,0–8,3 см кам бўлган бўлса, кечпишар “Ўзбекистон-2” навида энг юқори намлик даражаси 94,8 см бўлиб, шунга нисбатан 70-70-70% намликда 8,8 см, 70-75-75% бўлган намликда эса 4,9 см паст бўйли бўлганлиги кузатилди.

Юқорида келтирилган маълумотлар жамланганда, соя навларининг поя узунлиги навларнинг хусусиятларига ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўзгариб, энг баланд бўйли поялар кечпишар “Ўзбекистон-2” нави тупроқни суғоришлардан олдинги намлиги 70-80-80% бўлганда кузатилди – 94,8 см. Шу тупроқ намлигида ўртапишар “Олтин тож” ва “Селекта-201” навларида 69,5–73,2 см, тезпишар “Орзу” навида эса 65,5 см. ни ташкил қилди.

Соя навларини суғориш тартибларининг поя баландлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган дала тажрибаларига асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Тажрибада соя навлари поя баландлиги ўрганилганда суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70%, 70-75-75% ва 70-80-80% бўлганда, энг юқори кўрсаткич нисбатан кечпишар “Ўзбекистон-2” навида кузатилди. 70-70-70% бўлганда 86,0 см, 70-75-75% бўлганда 89,9 см, 70-80-80% бўлганда эса 94,8 см. бўлганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган тартибларда суғорилганда энг паст поя баландлиги “Орзу” навида кузатилиб, 65,5 см. ни ташкил қилди.

**Соя навларининг суғориш тартиблари бўйича поя узунлиги, см (ўртача 3 йиллик)**

| Вариантлар № | Навлар | Кузатиш муддати | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1.06 | 1.07 | 1.08 | 1.09 |
| 1 | Орзу | 17,1 | 32,8 | 47,9 | 60,6 |
| 2 | | 17,2 | 35,0 | 49,3 | 63,2 |
| 3 | | 16,3 | 35,4 | 53,2 | 65,5 |
| 4 | Ўзбекистон-2 | 19,4 | 44,3 | 68,0 | 86,0 |
| 5 | | 19,9 | 45,3 | 71,6 | 89,9 |
| 6 | | 20,7 | 48,7 | 74,8 | 94,8 |
| 7 | Олтин тож | 15,0 | 32,5 | 46,0 | 62,5 |
| 8 | | 15,4 | 34,9 | 49,4 | 65,8 |
| 9 | | 15,6 | 36,4 | 52,0 | 69,5 |
| 10 | Селекта-201 | 17,5 | 36,0 | 53,9 | 64,9 |
| 11 | | 17,0 | 36,9 | 58,1 | 69,8 |
| 12 | | 17,3 | 38,5 | 59,3 | 73,2 |

**О.СОТТОРОВ,**
*(ТошДАУ).*

## АДАБИЁТЛАР

1. *Атабаева Х.Н. Соя. – Тошкент, 2009.*
2. *Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н., Тиллаев Р. ва бош. Соя экинини етиштиришни биласизми? (Қўлланма). – Тошкент, 2017.*
3. *Вавилов П.П., Посыпанов Г.С. Бобовые культуры и проблемы растительного белка. – Москва: Россельхозиздат, 1983.*

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ЛОЛА ЎСИМЛИГИДАГИ КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Лола – Tulipa – Liliaceae* оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, унинг 150 тури мавжуд. Ҳар туп ўсимликда 2–5 тагача барг бўлади. Ерости аъзоси вегетатив кўпаядиган пиёздан иборат. Катта пиёзда 1–6та тангача жойлашади. Улар пиёзни ташқи муҳитдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Марказий тангачанинг қўйнида ёш пиёзчалар, бошқа тангачалар қўйнида куртакчалар ҳосил бўлади. Меваси – юқориги қисмидан ёриладиган парда билан қопланган кўсак. Унинг ичида уруғлари ҳосил бўлади. Ўсимлик майда пиёзчалари ва пиёзлари билан кўпаяди. Гуллари тоза оқдан, қизил, пушти, бинафшаранггача тусда бўлади.

Ўзбекистон шароитида унинг 25 та тури ўсади. Улар пиёзли ўсимликлар гуруҳига киради ва энг оммабоп ва гўзал гул ҳисобланади. Илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, улар 25 тадан ортиқ замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликлар билан касалланади [2].

Кулранг чириш – *Botrytis tulipae* (Lib.) Hopkins.Тарқалиши – Жанубий Европа, Ўрта ва Кичик Осиё, Шимолий Африка, Ўрта ер денгизи минтақаси, Россия, Қрим, Кавказ, Ўзбекистон. Замбуруғ ўсимликнинг барги, гуллари ва пиёзларини касаллантиради. Касаллик ўсимликнинг пиёзидан бошланади. Пиёзнинг ён бошларида, пастки қисмида думалоқ, чўзилган, бир-бирига қўшилиб кетган нотўғри шаклдаги сарғиш ва жигарранг доғлар ҳосил бўлади. Уларнинг чегараси аниқ кўриниб туради. Доғларнинг юзасида майда склероциялари пайдо бўлади. Улар дастлаб оч, кейин қорамтир рангли, ўсимлик пиёзига маҳкам ёпишган бўлади. Кейинчалик касаллик ўсимликнинг пастки поялари ва баргларини касаллантиради. Баргда кулранг доғлар ҳосил бўлади. Қариб қолган ўсимликларда замбуруғ конидиялари жуда тез ва кўпроқ тарқалади. Касалланган поялари эгилиб, қийшайиб кетади, барглари эса тез майдаланиб кетади. Ўсимликнинг касалланган аъзолари юзасида ҳосил бўлган доғлар устида замбуруғнинг мицелиялари, конидия, бандлари ва конидиялари ўсиб чиқади. Мицелиялари шохланган, ёйилган, ўсимлик тўқимаси ичида жойлашади. Конидия бандлари мицелияларида ҳосил бўлади. Тўғри юқорига қараб ўсади. Пастки қисми жигарранг, тўқ жигарранг, юзаси деярли рангсиз. Шохланиши конидия бандининг юқориги қисмида ҳосил бўлади. Учки қисми бир оз шишган, думалоқ шакл олади. Унинг юзасида калта ўсимталарда жойлашган конидиялар ҳосил бўлади. Касалланган пиёзлар қишда сақлаш даврида чириб кетади. Агар намлик меъёридан ошиб кетса, чириш жуда тез ривожланади. Касаллик "Анушка" навида кузатилди.

Склеротиниоз – *Sclerotinum tuliparum* Kleb. Тарқалиши – Россия, Ўзбекистон. Биринчи марта 1904 йилда аниқланган. Замбуруғ ўсимликларнинг пиёзини касаллантиради. Пиёзнинг ўсиш нуқтаси ва ўсимликнинг бўйин қисмидаги тўқимасининг юзасида қалин оқ кигизга ўхшаш мицелия қатлами ҳосил бўлади. Унинг юзасида 1–1,5 см. диаметрли склероциялари пайдо бўлади.

Чириш жараёнининг кенгайиши натижасида касаллик пиёз сатҳини бутунлай ўраб олади. Чириган пиёзлар оқ мицелия билан ўралиб қолади ва ўсимлик ўсиб чиқмасданоқ нобуд бўлади. Ўсиб чиққанлари ҳам нимжон, шаклини ўзгартирган кўчат ҳосил қилади. Намлик меъёридан ошиб кетганда чириш жараёни чириш ўчоқларини ҳосил қилади. Чириш кучли ва тез ривожланади. Касаллик "Оксфорд" навида кузатилди.

Доғланиш – Пенициллиоз – *Penicillium corymbiferum* Westl. Тарқалиши – Осиё, Россия, Ўзбекистон. Замбуруғ ўсимликнинг пиёзини сақлаш даврида чиритади. Пиёзнинг юза қисмида тўқ сариқ, ўсимлик тўқимасининг ичкарисида жойлашган доғлар ҳосил бўлади. Уларнинг юзасида яшил рангли мицелия қатлами ҳосил бўлади. Конидия бандлари 95–178 мкм узунликда. Стеригмалари кўп 5–12 гача. Конидиялари думалоқ, пўсти силлиқ, ўлчами 7-10х2-3 мкм. Касаллик "Май Леди", "Президент", "Кенниди", "Флородейл" навларида кузатилди.

Фузариоз чириш – *Fusarium oxysporum* Schl. f. sp. *tulipae* Apr. Тарқалиши – Россия, Молдавия, Ўзбекистон. Замбуруғ ўсимликнинг ҳамма аъзоларини касаллантиради. Касаллик белгиларини эрта баҳордан, ўсимликнинг вегетация даври тамом бўлгунгача кўриш мумкин. Касалликнинг энг кучли ва кўп белгиларининг кўриниши ўсимликнинг ғунчалаш, гуллаш даврида кузатилади. Ўсимликнинг 5–6 чинбарги чиққан вақтидан бошлаб уларнинг чекка қисмларида ва томирлари атрофидаги яшил тўқималари сарғая бошлайди. Сарғайиш секин-аста бутун барг сатҳига ёйилади. Натижада барглар қуриб, тез майдаланиб кетадиган бўлиб қолади.

Пиёзларни кавлаб олиш вақтида пастки томонида чириш доғлари яхши кўринади. Улар оч жигарранг бўлади. Касаллик секин-аста пиёзнинг юқори қисмларига ўтади. Доғлар ўсимликнинг соғ тўқималаридан қўнғир ранг билан ажралиб туради. Касалланган тўқималарнинг юзасида оқиш ёки оч пушти ғуборлар ҳосил бўлади. Ғуборлар одатда замбуруғнинг мицелия конидия бандлари ва конидиялардан ташкил топган бўлади. Касалланган пиёзлар чириш жараёнида елимга ўхшаш чўзиладиган суюқлик ишлаб чиқаради. Бу суюқлик ўзига хос бадбўй ҳидга эгадир. Қишлаш даврида чириётган пиёзларнинг ҳамма қисми чириб, чиринди ҳолатига ўтиб қолади. Ҳаво харорати юқори бўлиб кетганда, чириш жараёни тезлашиб ўсимлик бутунлай нобуд бўлади. Касаллик "Принцесса Мармант" навида кузатилди.

Илдиз чириш касаллиги – *Pythium ultimum* Hesse. Тарқалиши – Европа, Монголия, Хитой, Шимолий Америка, Австралия, Тасмания, Жанубий Африка, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон. Замбуруғ ўсимликнинг илдизини касаллантиради. Ўсимликларнинг пастки барглари сарғайиб, ўсиши секинлашади ва ўсимлик нобуд бўлади. Касаллик намлик меъёридан ошиб кетганда жуда тез ривожланади. Касалланган илдизлар қорайиб, чирий бошлайди. Ўсимликнинг ўсиши секинлашади. Касалланган тўқималар жигарранг тус олади, чириш доғларининг юзаси оқиш рангсиз мицелия қатламлари билан қопланади. Барглар сарғаяди. Пиёздан барглар осон ажралиб кетади. Чунки, чириётган пиёз юмшаб қолади. Замбуруғнинг мицелияси яхши шохланган бўлади. Касаллик "Парад" навида кузатилди.

Тадқиқот ишларини олиб бориш натижасидан қуйидаги хулосалар келиб чиқди: Наманган вилоятининг очиқ грунт ва иссиқхоналар шароитида ўстирилаётган лола ўсимлигида замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликлар кузатилди ва уларнинг турлари аниқланди. Лолада 5 та касаллик: кулранг чириш, склеротиниоз чириш, пенициллиоз, фузариоз сўлиш ва питиоз илдиз чириши қайд этилди. Ҳар қайси касалликнинг ташхиси, замбуруғ турининг хўжайин-ўсимликнинг қайси аъзоларини касаллантириши ва замбуруғнинг морфобиологик хусусиятлари тавсифланди.

**С.МИСИРОВА,**
*(Наманган муҳандислик-технология институти).*

### АДАБИЁТЛАР

Misirova S.A. Systematic types of fungi of allocated and determined types from decorative flowers in conditions region Tashkent // Agricultural sciences. - USA, 2015, Vol. 6, No 11. Pp. 1387-1392.

# МАККАЖЎХОРИ: ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕМ-ХАШАК УЧУН БЕБАҲО ЎСИМЛИК

**The article provides an overview of the importance of the composition of maize as a nutritious and fodder crop. In addition, information is provided on the final data on the maize harvest in 2018, the scientific research work of the experimental station on the selection of maize plants and seedling investigations, as well as information on the varieties and hybrids transferred for testing in the State Quality Test.**

Маккажўхорининг барча қисмлари тўғридан-тўғри (дон, барг-поя массаси), шунингдек, унинг қайта ишлашдаги чиқинди маҳсулотлари ҳам (кепак, ёрма, кунжара, солод ва ҳ.к.) ишлатилади. Р.Югенхаймер (1979) маълумотига кўра, АҚШда маккажўхоридан 500 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва улар 3 гуруҳ истеъмолчиларга тарқатилади; саноат, чорва ва инсон.

Маккажўхорини болалар ҳам, катталар ҳам севиб истеъмол қилишади. Асл ватани Жанубий Америка бўлган бир йиллик бу ўсимлик таркибида Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент мавжуд. Мутахассисларнинг билдиришича, маккажўхори организмдан холестеринни чиқариб юбориш хусусиятига эга. Шу боис ёғли таомларни хуш кўрувчилар бу сабзавотдан кўпроқ тановул қилишлари фойдадан холи эмас. Унинг таркибида В, РР, С, ва юрак фаолиятини яхшиловчи К витаминлари, фосфор ва калий бор. Диетологларнинг фикрича, 150 грамм жўхори катта ёшли инсонларнинг $B_1$ витаминига бўлган талабини қондиради. Унинг таркибида склероздан ҳимоя қилувчи ва антитоксин ҳисобланган Е витамини ҳам мавжуд. Доимий тарзда жўхори истеъмол қилиш юрак инсульти ва саратон хавфининг олдини олади.

Маккажўхори мевасидан олинган мой қон таркибидаги холестеринни камайтириш, артеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олишда қўлланилади. Шу билан бирга, организмда моддалар алмашинувини яхшилашда, қандли диабет, нефрит, буйрак-тош ва холецистит касаллиги, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Жўхори темир, кальций, фосфор, магний ва бошқа микроэлементларнинг манбаи саналади.

Қайнатилган маккажўхори қандли диабет билан оғриган бемор танасидаги қанд миқдорини нормаллаштиради, аллергияга мойиллиги бор инсонларга, камқонликдан азият чекувчи, жигар, юрак хасталиги билан оғриган кишиларга яхши фойда беради. Сурункали чарчоқ, ҳолсизликдан азият чекаётганларга 200 г маккажўхори қўшиб тайёрланган салат тановул қилиш тавсия этилади. Шунингдек, мунтазам маккажўхори тановул қилган кишилар хотираларидан сира шикоят қилишмайди.

Турли байрам ва тўкин дастурхонли тадбирлардан кейин тановул қилинган маккажўхори таркибидаги селен моддаси туфайли ёғларни организмдан тезроқ чиқариб юборади ва жигарга енгиллик туғдиради. Агар овқатланишдан олдин тановул қилинса, таом ҳазми енгиллашади. Шунингдек, у таркибидаги бириктирувчи тўқималар (клетчатка) туфайли қорин дам бўлишини бартараф этишда беназир восита ҳисобланади.

Маккажўхори мойи косметологияда ҳам кенг қўлланилади. Унинг таркибидаги моддалар зарарланган сочларни тиклаб, жилолантиради. Маккажўхори крахмали қўшиб тайёрланган ниқоблар ажинларга қарши восита сифатида машҳур. Жўхори таркибидаги аминокислоталар ичаклар фаолиятини меъёрлаштиради ва мушаклар тонусини оширади. Қандли диабет, аллергияга мойил, камқон, ортиқча вазндан қийналаётган, жигар ва юрак хасталиклари мавжуд беморларга кўпроқ жўхори истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда ҳам маккажўхори қишлоқ хўжалик экинлари ичида экиладиган асосий экинлардан бири ҳисобланади. Маккажўхори республикамизда ем-хашак ва донга бўлган эхтиёжни қондириш мақсадида суғориладиган ерларда экиладиган экин майдонлари тизими сезиларли даражада ўзгарди. Республикамизда 2018 йилда маккажўхори экини майдонлари жами 90,8 минг/га экилган бўлиб, шундан асосий экин майдонлар 48, 1 минг/га, такрорий экин майдонлар 42,7 минг/га. ни ташкил қилган. Ўртача дон ҳосилдорлиги 51 ц/га бўлган. Жами ялпи ҳосилдорлик 439,6 ц/га бўлиб, шундан асосий майдонларга экилган маккажўхорининг ялпи ҳосилдорлиги 322,9 ц/га, такрорий майдонларда экилган маккажўхорининг ялпи дон ҳосилдорлиги 166,7 ц/га. га эришилган.

Ўзбекистонда маккажўхоридан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сони жуда кам номда бўлиб, у асосан силос ва сўтали яшил масса олиш ва омухта ем ишлаб чиқаришда хомашё учун донга етиштирилади. Маккажўхори ўзининг маҳсулдорлик потенциали ва озуқавийлик қиймати бўйича барча дон-фураж экинларидан устун туради. Унинг бир донида 1,34 озуқа бирлиги мавжуд бўлиб, мум пишиқликдаги 1 кг килограмм сўтали кўк массасида 0,40 озуқа бирлиги ва сўталари йиғиб олингандан кейинги 1 кг пичанида 0,24 озуқа бирлиги мавжуд. Маккажўхори жуда серҳосил экин. Биронта бошқа ўсимлик маккажўхори каби кенг миқёсда ва турли-туман эҳтиёжларни қондира олмайди. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларидаги интенсив деҳқончиликда маккажўхоридан юқори дон ҳосили етиштириш учун баҳорги ва ёзги муддатларда экилувчи юқори ҳосилдор дурагайлардан фойдаланиш лозим.

Шу сабабли селекционер олимларимиз маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Жумладан, Маккажўхори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станциясида маккажўхорининг “Ўзбекистон-601 ЕСВ”, “Қорасув-350 АМБ”, “Ўзбекистон-420 ВЛ”, “Ўзбекистон-400 ДР”, “Ўзбекистон-300 МВ” каби нав ва дурагайларининг 10 дан ортиқ ота-она шаклларининг бошланғич уруғчилиги ўрганилиб, фермер хўжаликларини уруғ билан таъминлаш учун кўпайтирилмоқда. Шунингдек, станция олимлари томонидан 2018 йилда қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясига маккажўхорининг янги нав ва дурагайи: яшил масса ҳосилдорлиги юқори 700–750 ц/га бўлган “Эсдалик-80” нави ва дон ҳосилдорлиги 100–110 ц/га бўлган “Келажак-100” дурагайи турли ҳудудларда ўрганиш учун Давлат нав синовига топширилди.

**Х.НАЗАРОВ,**
*ТошДАУ докторанти.*

**АДАБИЁТЛАР**

*Массино А.И., Массино И.А. Селекция гибридной кукурузы для орошаемых условий Узбекистана (Монография). - Ташкент, 2015.*

*2. Республикада 2018 йилда маккажўхори ҳосили бўйича якуний маълумот (Давлат статистикаси қўмита маълумоти). – Тошкент, 2019.*

*3. Массино А., Назаров Х., Бобоев Ф, Тохирбоева Д. Основные направления исследований по селекции и семеноводству кукурузы ТошДАУ // “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари тўплами. Тошкент, 2015 йил, 15-16 декабрь, – Тошкент, 2015. – Б. 179-182.*

# ОРУДИЯ ДЛЯ ПРЕДПОСЕВНОЙ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ

Created wide –grip combined unit based on the basis of pre-sowing leveler of the VP-8, with teeth provided and a remake of the rear end, is small enough fo alignment comfrehensively with all the requirements.

The article previdеs a method for implementing the use of a combined tool and the data obtained as a result of a comparafive study of the developed unit.

The results of the study of experimental tools showed quiet satisfactory performance indicators.

Одно из важнейших мероприятий, направленных на совершенствование агротехники возделывания сельскохозяйственных культур - качественная предпосевная обработка почвы. Предпосевная обработка почвы преследует цель создания в почве наиболее благоприятного теплового, водного, воздушного, биологического и пищевого режима для произрастания сельскохозяйственных растений.

В зоне засоленных земель для рыхления поверхностного слоя почвы преимущественно применяют зубовые бороны среднего типа ЗБЗСС-1, для выравнивания поверхности почвы – ВП-8 и для уплотнения почвы – деревянные или железные малы – выравниватели.

Однако эти агрегаты далеко не удовлетворяют требования агротехники орошаемого земледелия. Поверхность поля уплотняется неравномерно или переуплотняется ходовыми частями орудия.

В последние годы с получением мощных иностранных тракторов заметно увеличиваются потенциальные возможности улучшения обработки почвы. Однако способы ее обработки в основном остались прежними. Подготовка почвы для возделываемых культур проводится, главным образом, ступенчато, то есть одними операционными машинами за несколько проходов, что во многих случаях агрономически и экономически не оправдано.

Одним из эффективных путей, ограничивающих уровень воздействия движителей сельскохозяйственной техники на почву при подготовке ее к посеву, является применение широкозахватных комбинированных агрегатов, полностью реализующих тяговую возможность трактора, обеспечивающих уменьшение покрываемой следами поверхности поля и число проходов техники.

Создан широкозахватный комбинированный агрегат на базе предпосевного выравнивателя ВП-8, который всесторонне отвечает этим требованием (рис.).

Комбинирование орудия осуществляется переоборудованием всей секции выравнивателя ВП-8. Передняя и средняя часть снабжаются зубьями, ножи-выравниватели остаются на местах, а задняя часть переделывается на малы–выравниватели со свободным шарнирным соединением и регулируемым давлением при помощи балласта. Комбинированное орудие за один проход выполняет операции: поверхностное рыхление зубовыми рабочими органами до глубины 12 см, выравнивание ножами и уплотнение почвы малой.

Сравнительное изучение показателей работы экспериментального комбинированного орудия проверено по следующим вариантам:

1.Обычный способ обработки с четыре секционной зубовой бороной 3 БЗСС-1,0 со специальной деревянной малой.

2.Выравниватель предпосевной ВП-8.

3.Бороновальный агрегат и деревянная мала.

4. Широкозахватное комбинированное орудие на базе ВП-8 с глубиной обработки 8 см, с шириной междуследья – 15 см, массой малы – 100 кг/м.

5.То же, глубиной обработки 10 см., с шириной междуследья –10 см, массой малы – 150 кг/м агрегат и деревянная мала.

6.То же, глубиной обработки 12 см, с шириной междуследья – 12,5 см, массой малы – 200 кг/м.

Результаты эксперимента показали высокую работоспособность разрабатываемого орудия. По рыхлению и уплотнению почвы оно показало достаточно высокое качество обработки (табл.).

Значение плотности в контрольном варианте измеряли после трехкратного прохода бороны с малой. Плотность почвы во втором варианте оказались меньше (1,02 г/см$^3$), а в шестом варианте больше требуемой (1,32 г/см$^3$).

Оценка степени крошения по фракциям различного способа предпосевной обработки показывает, что обработка комбинированным орудием значительно улучшает структуру почвы. Из полученных данных видно, что оптимальные фракции с размерами частиц 0,25-20 мм оказались меньше в варианте, где применен выравниватель ВП-8 (43,4%). Самая высокая степень крошения наблюдалась в пятом варианте (60,6%) где использованы широкозахватные комбинированные орудия на базе ВП-8 глубиной обработки 10 см, массой малы 150 кг/м.

Лучше всего влага сохранилась в пятом варианте и получены более дружные всходы – 16,3 шт.на п.м. Таким образом, использование широкозахватного комбинированного орудия при предпосевной обработке почвы улучшает её водно-физические свойства, которые благоприятно влияют на появление всходов хлопчатника.

***С. АМИНОВ, к.т.н., доц.,***
***М. КАЙПОВ, к.т.н., преподаватель,***
***К. ИБРАГИМОВ, ассистент, преподаватель,***
***ККНИИЗ,***
***Нукусский филиал ТашГАУ.***

*Таблица*

| Варианты | Плотность почвы на глубине 0-15см, г/см$^3$ | Твердость почвы на глубине 0-15см, кг/см$^2$ | Оптимальные фракции,% с размерами 10-0,25мм | Влажность почвы в % | Всходы хлопчатника на конечную дату (шт.на 1п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 1,13 | 6,4 | 47,6 | 17,3 | 12,1 |
| 2. | 1,02 | 1,6 | 43,4 | 16,9 | 14,2 |
| 3. | 1,16 | 6,4 | 52,4 | 17,8 | 14,5 |
| 4. | 1,19 | 6,9 | 58,3 | 18,3 | 15,1 |
| 5. | 1,21 | 9,1 | 60,6 | 20,2 | 16,3 |
| 6. | 1,32 | 12,2 | 56,1 | 18,9 | 15,4 |

**ЛИТЕРАТУРА**

*1. Аминов С. Технологические основы механизации хлопководства зоны Приаралья. Монография. – Нукус: Билим, 1998 г.*

*2. Аминов С. Широкозахватный комбинированный агрегат для предпосевной обработки почвы. Тезисы докладов республиканской научно-технической конференции. Август. – Чимбай, 2000 г.*

*3. Аминов С. Разработка изучения работы орудия совмещающего операция предпосевной обработки почвы. Республика қишлоқ хужалик ишлов чиқаришида замонавий технология ва техникадан фойдаланиш самарасини оширищ йуллари мавзусидаги илмий-техникавий конференцияси маърузалари тезислари. 16-17-ноябрь. Янгиюль, 2000 йил.*

# Освоение деградированных земель путем использования сортов плодовых культур устойчивых к стрессовым факторам среды

*In the article are given the results of investigation conducting in horticultural regions of Karakalpakstan. Drought resistant and salt resistant varieties have been identified, which are recommended to grow in degradation soils.*

Садоводство и виноградарство являются важнейшими отраслями сельского хозяйства Узбекистана. Правительство уделяет большое внимание развитию этих отраслей и наблюдается расширение садов и виноградников во всех регионах Республики. Несмотря на жесткие климатические условия и в северных зонах большими темпами развиваются эти отрасли. Так, в фермерских хозяйствах Каракалпакстана произрастает большое разнообразие плодовых культур. Наиболее распространенными являются абрикос и яблоня. В меньшем объеме выращивается груша, алыча, виноград и из субтропических культур – гранат и инжир. Повсеместно произрастает лох.

Климат республики резко континентальный. Лето жаркое и сухое. Температура воздуха поднимается до 46$^0$С при низкой относительной влажности воздуха. Продолжительность вегетационного периода и безморозного периодов на 30-62 дня короче, чем в южных регионах и составляет 192-202 дней.

Зима холодная и бесснежная. В зимний период температура воздуха опускается до -32$^0$С. Осадки выпадают незначительно – от 80 до 110 мм в год. Вероятность возвратных похолодании и наступление поздневесенних заморозков высокая.

Почвы Республики Каракалпакстан отличаются специфическими свойствами и характерными особенностями. К ним относятся бедность органическими веществами, низкое содержание основных элементов питания и сильно угнетенная биологическая деятельность. К тому же высокая засоленность почвы и дефицит поливной воды является лимитирующими факторами использования земель под сельскохозяйственные культуры. Все эти отрицательные факторы приводят к деградированию земель.

В рамках международного проекта Bioversity/UNEP-GEF «Сохранение и устойчивое использование сельскохозяйственного биоразнообразия для улучшения регулирующих и поддерживающих функций экосистем в сельскохозяйственных производственных системах Узбекистана» сотрудники Научно-исследовательского института растениеводства (НИИР) провели обследование фермерских хозяйств Республики Каракалпакстан с целью выявления деградированных земель и состояние землепользование на этих землях. В рамках проекта также были выявлены разнообразие плодовых культур и их устойчивость к стрессовым факторам среды и возможность их использования при освоении деградированных земель.

Выявление деградированных земель осуществлялось совместно с фермерами. Выявление местных сортов плодовых культур проводилось методом экспедиционного обследования фермерских хозяйств. Выявленные сорта характеризовались методом помологического описания.

Обследование фермерских хозяйств Турткульского, Берунийского и Элликальинского районов показало, что имеется более 900 га деградированных земель, связанные с засолением почвы и дефицитом оросительной воды. Они низко плодородные и слабо используется в сельском хозяйстве. Выращивают хлопчатник, сорго и на ограниченных площадях кунжут, но получают низкий урожай. В отдельных местах, особенно на пойме реки Амударьи развито бахчеводство и животноводство. В некоторых фермерских хозяйствах выращиваются плодовые культуры и виноград. Они выращивают яблони, грушу, абрикос, персик, миндаль, виноград и другие культурк. Были посажены сорта черешни Майский и Победительница, которые слабо росли и засохли. Посадка грецкого ореха, граната, инжира не дали положительных результатов.

Изучение состояние садоводства показало, что в этих сложных климатических и почвенных условиях формировался своеобразный местный сортимент плодовых культур, наиболее приспособленные к засушливому климату, засухоустойчивые, солеустойчивые, устойчивые к стрессовым факторам среды, которые является важнейшими биологическими свойствами определяющие их приспособленность к местным почвенно-климатическим условиям.

Республика Каракалпакстан очень богат местным разнообразием сортов и форм плодовых культур, особенно абрикоса и яблони.

В обследованных районахнами выявлены более 55 сортов плодовых культур, в том числе 30 абрикоса и 25 яблони, выращиваемые в фермерских хозяйствах и приусадебных участках. Из них 7,0 % составляет интродуцированные сорта, сорта современной селекции -2.0% и местные 91 %.

В экономике фермерских хозяйств важное место занимает сорта яблони. Ренет Симиренко, Голден делишес, Старкримсон, Бешбармак и другие. Из местных сортов выращивают Хазараспский летний,Кандолма, Шойиолма, Кизил олма, Езгиолма и сорта абрикоса Майский транспортабельный, Майский белый, Майский желтый, Ак урюк, Шафтолисимон, Жамбил, Ак пишар, различные формы абрикоса типа Хасаки и другие.

Но следует отметить, что в сортименте плодовых культур выращиваемые в фермерских хозяйствах очень мало сортов хорошо приспособленных

к деградированным землям. Мы считаем освоение деградированных земель разнообразием плодовых культур весьма эффективным и поэтому нами проведена полевая оценка устойчивости сортов абрикоса и яблони к стрессовым факторам среды, путем оценки состояния генеративных и вегетативных органов.

Из сортов абрикоса высокой засухоустойчивостью, солеустойчивостью и зимостойкостью выделились сорта Жамбыл, Жавзаки №1, Ак пишар, Кандак красная, Кандак желтый, Нукул, Жавзаки поздний и другие.

Местные сорта яблони Шур олма, Муз олма, Хазараспский ранний, Хазараспский летний, Кишки олма выделились засухоустойчивостью, солеустойчивостью и устойчивостью к другим стрессовым факторам среды.

Эти сорта рекомендуется использовать при закладке сада на деградированных землях.

В целях выявления сортов плодовых культур устойчивых к засухе и засоленности почвы был заложен экспериментальный демонстрационный участок в фермерском хозяйстве «Мансурбек Махкам» в Элликальинском районе и фермерском хозяйстве «Шурахонли Муродбек» в Турткульском районе на площаде 4 га. За участком проводится наблюдение сотрудниками НИИ растениеводства.

Таким образом, Республика Каракалпакстан богата местными сортами плодовых культур, особенно абрикоса и яблони. Они хорошо приспособлены к местным почвенно-климатическим условиям, засухоустойчивые, солеустойчивые и зимостойкие. Выявленные сорта являются перспективными в освоении деградированных земель.

**К.БАЙМЕТОВ, М.ТУРДИЕВА, П.НАЗАРОВ,**
*НИИ растениеводства.*

**ЛИТЕРАТУРА**

1. *Энциклопедия “Узбекская Советская Социалистическая Республика”. Издательство Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии. — Ташкент, 1981. С, 491-499.*

2. *Изучение коллекции семечковых культур и выявление сортов интенсивного типа. Методические указания ВИР. — Ленинград, 1986. — С. 20-32.*

3. *Пейтинг К.А и другие. Сохранение и использование растительных генетических ресурсов. Материалы по эколого-географическому обследованию, планированию и проведение экспедиции по сбору гермоплазмы. – Рим 1977, 113 С.*

4. *Коллектив авторов. Программа и методика изучения сортов плодовых и ягодных культур. Издательство ВИР. — Мичуринск, 1970. —С. 238.*

*УЎТ: 631. 482.1: 631.671 (575.146)*

# ВОДОПОТРЕБЛЕНИЕ ЛЮЦЕРНЫ НА АЛЮВИАЛЬНО ЛУГОВОЙ ПОЧВЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

**This article presents the results of the influence of a combination of irrigation regimes and nutrition of alfalfa over a three-year period of its standing on the amount of water consumption and harvest. Studies were conducted in the conditions of meadow soil of the Bukhara region of Uzbekistan.**

Показателем, определяющим расход воды на образование урожая растений, служит коэффициент водопотребления или отношение удельных затрат воды на единицу товарной продукции. В эти затраты входит вода как транспирационная, так и испаряющаяся из почвы. В данной статье приводятся основные результаты влияния сочетания режимов орошения и питания люцерны за трехлетний период ее стояния на величину водопотребления и урожая сена люцерны. Почвы опытного участка староорошаемые аллювиально луговые, среднезасоленные. Грунтовые воды залегают на глубине более, чем 4-5 метров. Объемная влажность в слое 0-100 см составляет 1,44 г /см$^3$ и порозность 50,7%. Для этого слоя запасы почвенной влаги при ППВ составляет 2380 м$^3$/га.



В опыт были включены три варианта режима орошения люцерны в процентах от ППВ ( предельная полевая влагоемкость) 60,70 и 80 и четыре варианта норм внесения минеральных удобрений в кг/га: 1-без удобрений No Po Ko (контроль):2- N 100 P 200 K 100 : 3-N 100 P 300 K 150: 4-N 100 P 400 K 200 за 3-года стояния. В первый год стояния люцерны были внесены все нормы азота (N) и по 50 % от нормы фосфора (P) и калия (K). Во второй и третий внесены равными порциями (по 25% в год) остальные 50 % от нормы фосфора и калия.

Заданные режимы орошения люцерны в течение 3-х лет ее стояния регулировались НИВ-1 {1-4}. Влажность почвы определялись, после полива через 6,8,10,12 и т. д. суток до достижения заданного уровня предпо-

**Сроки поливов, предполевная влажность почвы (в% от ППВ) поливные и оросительные нормы (нетто в м³\га) в зависимости от поливыых режимов.**

*Таблица*

| Поливы | 60% от ППВ | | | 70% от ППВ | | | 80% от ППВ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Дата полива | Пред-поливния влажность от ППВ | Поливная норма $м^3$\га | Дата полива | Предполивная влажность от ППВ | Полив-ная норма $м^3$\га | Дата полива | Предполивная влажность от ППВ | Поливная норма $м^3$\га |
| Вызывной полив | 10.XII | - | 400 | 10.III | - | 400 | 10.III | - | 400 |
| 1 | 20.VI | 61 | 600 | 13.VI | 70 | 462 | 19.IV | 80 | 310 |
| 2 | 24.VII | 62 | 968 | 16.VII | 70 | | 4.V | 80 | 310 |
| 3 | 25.VIII | 60 | 1023 | 12.VIII | 73 | 770 | 11.VI | 78 | 343 |
| 4 | 14.X | 59 | 1056 | 5.IX | 72 | 715 | 2VII | 77 | 583 |
| 5 | | | | 28.IX | 70 | 737 | 20.VII | 80 | 517 |
| 6 | | | | 18.X | 71 | 770 | 2.VIII | 78 | 572 |
| 7 | | | | | | 748 | 18.VIII | 79 | 528 |
| 8 | | | | | | | 11.IX | 80 | 517 |
| 9 | | | | | | | 28.IX | 80 | 517 |
| 10 | | | | | | | 12.X | 83 | 440 |
| Схема поливов | 1-1-1-1 | | | 1-1-2-2 | | | 3-2-3-2 | | |
| Оросительная норма $м^3$\га | 4047 | | | 4602 | | | 5027 | | |

ливной влажности почвы. В первый год стояния в соответствии с динамикой роста корневой системы и с учетом воднофизических свойств почвы были установлены следущие расчетные слои почвы для определения поливной нормы до 1-го укоса 0-60 см,после 0-100 см. Во второй и третий годы стояния люцерны также был взят 0-100 сантиметровый слой, так как основная часть корневой системы распологалась в этом слое почвы.

Величину водопотребления находили по формуле:

$$В=М+О+(W_н – W_к), (1)$$

где (в $м^3$/га) В-водопотребление, М-оросительная норма, О-осадки,

$W_н$ –начальный (весенний) запас влаги того же слоя.

$W_к$–конечный (осенний) запас влаги того же слоя.

Коэффициент водопотребления представляет собой отношение величины водопотребления к урожаю сено-люцерны:

$$К=\frac{В}{У}, \quad (2)$$

где К - коэффициенит водопотребления, $м^3$/га, У- урожай сено-люцеры, ц/га, В- водопотребление, $м^3$/га.

Детальный анализ урожайных данных в зависимости от уровня минерального питания и режима орошения указал на их тесную связь.

Коэффициент корреляции 0,97+ 0,01 при объеме корреляционного ряда 36. Исследованиями (2,3) установлено, что в результате повышения концентрации почвенного раствора под влиянием удобрений в растениях увеличивается количество связанной воды, особенно коллоидно связанной. Вследствие этого уменьшается относительная интенсивность транспирации и увличивается обводненость растительных тканей. Следовательно, вода на удобренных посевах расходуется более продуктивно, чем на неудобренных.

Таким образом, при оптимальном уровне режима орошения следует ожидать яркое проявление роли минерального питания в образавании зеленной массы, как известно, ведет к абсолютному увличению расхода воды на транспирацию.

Таким образом, наиболее экономное расходование воды на полях люцерны можно добиться при режиме орешения 80% от ППВ на фоне внесения норм менеральных удобрений в расчете на три года стояния люцерны: азота 100 кг/га, фосфора 300 кг/га и калия 150 кг/га. При этом коэффициент водопотребления составит 53 $м^3$/ц – в перый, 31– во второй и 37 $м^3$/ц–в третий год стояния люцерны.

При одной и той же величине водопотребления в зависимости от уровня минерального питания люцерны и частоты подачи поливной воды можно получить урожай сено-люцерны от 36 до 145 ц\га – во второй, от 66 до 218 ц\га–в третий год стояния люцерны.

Установлена зависимость урожая сено-люцерны от величины водопотребления при создании оптимиальных вариантов сочитания режимов орошения и минерального питания люцерны.

**И.ИСЛОМОВ,**
*к.с.х.н., доцент,*
*Бухарский филиал ТИИИМСХ.*

## ЛИТЕРАТУРА

1. *Емелянов В.А. Гидротехника и мелиорация, № 9, (1964), 34-40.*
2. *Алексев А.М. Влияние минерального питания, на водный режим растений. – М.: Изд-во АН. СССР, 1957.*
3. *Исломов И. Ускоренный метод определения влажности серо-бурых каменистых почв с помощью нейтронного измерителя влажности (НИВ-1), удостоверение №4 ,8.XII,1978. – Душанбе, НИИП.*

УЎТ: 633.15:631

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ИШ ИШОНЧЛИЛИГИ

**This article discusses irrigation and land reclamation systems, water scarcity, rational management of available water resources, field conditions, discrepancy reliability. Each hydro-melioration system and its components are classified by the reliability and deterioration of work. The scheme of use of irrigation systems has been studied during the growing season of irrigation techniques. Experimental fields and test hydromeliorative systems were selected in the regions to carry out this work.**

"Аму-Сурхон" ИТҲБ" худудий бошқармаси шароитларида "Сурхон сифат текстил" МЧЖнинг Жаркўрғон массивида кластер асосида 2018–2022 йиллар давомида ирригация ва мелиорация тизимларининг иш ишончлилигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун назарий ва дала тажрибалари ўтказилмоқда. Ирригация тизимлари хўжалик ички суғориш каналлари, темирбетон лотоклари, эгилувчан қувурлар, ҳовузлар, томчилатиб суғориш тизимларидан иборат.

Сувдан фойдаланиш режаларини татбиқ этиш сифати асосан гидромелиоратив тизимларнинг иш ишончлилигига боғлиқдир. Ишончлик – бу техникага ва инсон томонидан унга юклатилган иш ҳажмини ва иш сифатини мўлжалланган давр давомида бажариш даражасидир. Ишончлилик кўрсаткичлари тизими ва уларнинг таркибий қисмларининг қониқарли ишлаши ва ишга тайёргарлигидир.

Ишончлиликнинг ўлчови бузилиб ишдан чиқиш жадаллигидир. Бузилиб ишдан чиқиб кетиш – мўлжалланган, юклатилган иш ҳажми чегарасидан чиқиш (Ўз вақтида бажарилмаслик ёки лойиҳалаштирилган кўрсаткичларнинг бузилиши)дир. Бузилиб ишдан чиқиб кетиш сабаблари 3 та усул орқали аниқланади:

янги техника ва технологияни ишга мослаш вақтидаги ўлчовлар;

техника ва технология қисмларининг эскириб кетиб, ишдан чиқиш муддати;

бузилган қисмларни қайта қуриб такомиллаштириш ва қайтадан ишга қўйиш.

Ҳар бир бузилиш тури бўйича статистик маълумотларни йиғиб, улардаги асосан гидромелиоратив тизим ва унинг таркибий қисмларининг иш ишончлилигини ва бузилишини баллар ёрдамида таснифлаш лозим.

Гидромелиоратив тизимларининг иш фаолияти бузилмасдан ишлаб туриши қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P = e^{-\lambda t}$$

Бу ерда: *P* – тизим ва унинг таркибий қисмларининг иш ишончлилиги (бузилмай ишлашнинг кўрсаткичи).

*e* – натурал логорифм, асосан 2.1

$\lambda$ – бузилишнинг жадаллиги (ёки бузилиш тез-тез бўзилиб туришининг даражаси)

*t* – тизимнинг иш даражаси.

$$\lambda = \frac{1}{T};$$

Бу ерда: *T* – гидромелиоратив тизимнинг бузилмасдан ишлаш вақти: *T=1.*

Гидромелиоратив тизим ва унинг таркибий қисмларининг юқори даражада иш ишончлилиги (ёки бузилмасдан ишлаб туриши) қуйидаги чора-тадбирлар орқали амалга оширилиши мумкин:

Доимий ва ҳимоя таъмирлаш, айрим қисмларни ўз вақтида алмаштириш (ёки қайта қуриш, такомиллаштириш, капитал таъмирлаш), юза гидромелиоратив тизимларда ва унинг таркибий қисмларида фақат олдин пухта ишлаб чиқилган конструкциялар орқали фойдаланиш лозим.

Гидромелиоратив тизимларнинг иш ишончлилигини ошириш мақсадида мутахассислар махсус гурух ташкил этиши лозим. Бу гуруҳнинг иш вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади:

гидромелиоратив тизимлар ва қисмларнинг иш ишончлилигини таҳлил қилиш, уларнинг қачон бузилиши мумкинлигини аниқлаш, бузилишларнинг сабабини ўрганиш;

иш ишончлилиги ўлчов қийматларини аниқлаш ҳамма қисмларни стандартизация ва комплектация этиш, захира восита жиҳозларини тайёрлаб қўйиш;

гидромелиоратив тизим ва унинг қисмларини синовдан ўтказиш, иш ишончлилиги даражаси ва ўзгарувчанлигининг математик формуласини ишлаб чиқиш;

бузилишларнинг жадаллигини тузиш.

Иш ишончлилигининг назарий низомлари қуйидагича:

$$P_c = P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot \ldots P_{i}^{n}$$

*Бу ерда: n – элементлар сони;* P – бир қисмнинг иш ишончлилиги кўрсаткичи (балл); P – бутун тизимнинг иш ишончлилиги даражаси (балл).

Формуладаги элементлар сони кўпайса, тизимнинг иш ишончлилиги пасаяди: элементлар сони камайса иш ишончлилик даражаси кўпаяди.

Захира (резерв) қисмларини ишга киритилган холда тизимнинг иш ишончлилиги қуйидагича кўрсатилади.

$$P_c = (1-(1-P_i)^m)^n$$

$(m-1)$ – захира сони.

Гидромелиоратив тизимни такомиллаштириш (С) ва унинг иш ишончлилигини (Р) ошириш учун керакли капитал маблағи (С)

$$C_1 = C\frac{1-P}{P}\cdot\frac{P}{1-P_1}$$

P=0,85 ва $P_1$ =0,9 га тенг ҳолда: $C_1$=1,58 С. Бу дегани ГМ тизимнинг иш ишончлилигини 0,85 дан 0,9 гача кўпайтириш учун қўшимча капитал маблағни 1,58 баравар ошириш лозим.

Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш схемасидаги суғориш техникасининг иш ишончлилиги вегетация даврида ўрганилади. Бу ишни амалга ошириш учун худудларда тажриба далалари ва синов гидромелиоратив тизимлари танланади. Ўша жойларда илмий тажриба ишлар, олиб борилади ва ҳар бир қисмнинг иш ишончлилиги аниқланади.

**А.БУТАЯРОВ,**
*Термиз давлат университети таянч докторанти*

## АДАБИЁТЛАР

1. *Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А. ва бошқалар. Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш (Дарслик). – Тошкент, ТИМИ, 2014.*
2. *Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев и другие. Практикум по эксплуатации гидромелиоративных систем. – Ташкент: Мехнат, 2013.*
3. *Ф. М.Натальчук и другие. Эксплуатация ГМ систем. – Москва, 1983.*

# ЎН ЙИЛ ИЗТИРОБИ

Умаржон Тоғаев 1904 йилда 4 ноябрда туғилган. 9 ёшида етим қолган. 13 ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган. Асли жиззахлик бўлган Умар ака 1927 йилда Ўрта Осиё давлат университетини тамомлагандан кейин, янги ташкил топган Зомин тумани ёшлар ташкилотига етакчи этиб сайланади, кейинчалик Самарқанд вилояти ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилади. 1935 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институти ишчи факультети директори этиб тайинланади ҳамда 1937 йил 25 сентябрда, таниқли давлат ва жамоат арбоби, ўша пайтда “халқ душмани” деб эълон қилинган Акмал Икромовга алоқадор дейилиб, “халқ душмани” сифатида қамалади. Ўлим жазосига ҳукм қилинади, лекин кейинчалик ўлим жазоси 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилади. Қамоқдаги азоблар, қийинчиликлар натижасида у Тошкент вилояти Қорасув тумани Қўйлиқ ота қишлоғи ҳудудида жойлашган, халқ орасида “больничний городок” деб аталмиш қамалганлар касалхонасига даволаниш учун юборилади. Даволаниш жараёнида у яна бир “халқ душмани” – рус аёли Варвара Сергеевна билан танишади ва озодликка чиққандан кейин у билан оила қуради. Людмила исмли қизни тарбиялаб вояга етказишади. Людмила Умаровна узоқ йиллар ҳукумат поликлиникасида шифокор бўлиб ишлаб, яқинда нафақага чиқди.

У.Тоғаев Қорасув туманида (ҳозир бу жойлар Тошкент шаҳрининг Миробод туманига қарайди) истиқомат қилар экан, қишлоқ хўжалик дарғалари Қирғизбой ота Абдувалиев, Иноғомжон Юнусов, Анвар Акрамов, Мизроп Камолов, Раҳматилла Қамбаров, Раҳим Дадахўжаев, Аъзам Абдувалиев, Меҳринисо Убайдуллаева, Тожихон Мелибоева, ҳуқуқшунослар Рустам Қурбонов ҳамда Неъмат Юсупов ва бошқалар билан яқин дўст бўлади.

1946 йилда Умаржон ака озодликка чиқади ва ижтимоий таъминот вазирлигига ишга юборилади. У оқлангандан сўнг, қолган бутун умрини ёш авлодни тарбиялашга бағишлади. У. Тоғаев доно, саховатпеша инсон эди, минглаб одамларга ҳаётда ўз йўлларини топиб олишларига кўмак берди. Ўша пайтларда Тошкент шаҳридаги “Кўкалдош” мадрасаси биносига кўзи ожизлар мактаби жойлашган эди. 1947 йилдан Умаржон ака ушбу мактабга директор этиб тайинланади.

Тарих фанлари доктори Нафисахон Содиқова у кишини катта ҳурмат билан эслаб, ўз хотираларида шундай деб ёзган эди: “Мен Умаржон ака Тоғаевни 1954 йилдан буён биламан. Чунки волидаи муҳтарамам Васила Содиқова республика ижтимоий таъминот вазири эди. Онам Умар акани ишчанлиги, ташаббускорлиги, энг аввало, ҳалоллигини жуда қадрлар эди. Шунинг учун У.Тоғаев раҳбарлигидаги муассаса фаолияти вазирлик ва вазирнинг доимий эътиборида бўлган”.



1959 йилда ижтимоий таъминот вазирлиги қошида ҳунар-техника билим юрти очилади. Республика бўйича юзлаб ногирон, майиб-мажруҳ ўсмир ва қизлар шу билим юртда камол топадилар. Ўғил болалар турли ҳунарлар, қизлар эса тикиш-бичишни ўрганадилар. Улар билим юртида ҳам яшар, ҳам ўқир эдилар.

Ўзи етим ўсган Умаржон ака, етимлик хўрликлари, азобларини яхши тушунарди ва бор кучини тақдири камситилган шу ўсмирлар яхши инсон бўлиши учун сарфлар эди. Уларга турар жой қуриш учун Тошкентнинг собиқ Волгоградский кўчасида алоҳида ер ажратилиб, ҳамма қулайликларга эга ётоқхона қурилди. Ҳовлида мевали дарахтлар, гуллар экилди. Ўқув корпуси, яхши жиҳозланган устахоналар барпо этилди.

Умар аканинг ташаббускорлиги ва серғайратлиги туфайли ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида бир йўла икки ўқув юрти – ҳунар-техника билим юрти ва юридик техникум ташкил қилинди. Умаржон ака 1959 йилдан 1983 йилгача ўша икки муассаса – юридик техникум ва ҳунар техника билим юртига директорлик қилди.

Фидокорона меҳнатлари учун У.Тоғаев “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвонига сазовор бўлди, бир неча бор Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига сайланди. У ватанпарвар, етимпарвар инсон эди.

Умар акани чорак аср Ўзбекистон раҳбари бўлган, ўзбек халқининг асл фарзанди Шароф Рашидов яхши танир ва ҳурмат қиларди. Биз билан бўлган суҳбатларда Умаржон ака дўсти – генерал Боис Эргашев иштирокида Шароф Рашидов билан бўлган учрашувлар ҳақида ҳаяжонланиб, ифтихор билан сўзлаб берар эди.

– Умар Тоғаев Жиззах вилоятига, хусусан ёшлигида ўзи ишлаган Зомин туманига тез-тез бориб турар эди, – дея эслайди ўша даврларни Тошкент шаҳри Миробод туманининг “Файзиобод” маҳалласида истиқомат қилган таниқли ҳуқуқшунос Неъмат ака Юсупов. – У Заминдан қайтиб келгач туманидаги ижобий ўзгаришларни қувониб сўзлаб берарди. Айниқса, ўша қийинчилик йилларида соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ишларни у кўп гапирар эди...

Умаржон ака узоқ умр кўрди. Лекин ҳаётининг охиригача 10 йиллик қамоқ изтироблари унинг ёдидан ўчмади. Ватанимиз мустақиллигини кўриш, афсуски унга насиб этмади, 1990 йилда 86 ёшида оламдан ўтди.

**Н. ТОИРОВ,**
*сиёсатшунос, меҳнат фахрийси.*



# ТУПРОҚШУНОСЛИК ИЛМИ ЕТАКЧИСИ

**Биология фанлари доктори, профессор Рамазон Қўзиев фидокорона меҳнати билан юртимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган, она тупроғимизни муҳофаза этиш, унинг унумдорлигини сақлаш орқали ва ошириш орқали қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфизлигини таъминлашга ўз билими, умрини сарфлаётган инсонлардан биридир.**

Олим 1949 йилнинг июль ойида Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида таваллуд топган. 1971 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) нинг Биология-тупроқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Кейин ҳарбий хизматда бўлди.

Р.Қўзиев 1973–1991 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тупроқшунослик ва агрокимё институтида кичик, катта илмий ходим, лаборатория мудири, бўлим мудири лавозимларида самарали фаолият олиб борди. Илмий изланишлари натижасида Устюрт, Марказий Қизилкум, Амударё қуйи оқими, Зарафшон водийси, Мирзачўл, Жиззах, Карши, Шеробод чўллари, шунингдек, Сурия Араб республикасида тупроқ-тадқиқот ишлари олиб борди, тупроқшунослик фанининг назарий ва амалий муаммолари ечимини топди ва уни янги маълумотлар билан бойитди.

1991 йилда Р.Қўзиев раҳбарлигида тупроқ унумдорлигини бошқариш ва баҳолаш (бонитировка) бўйича янги йўналиш ташкил этилди. Ўтган йиллар давомида тупроқ унумдорлиги моделлари яратилди ва соҳанинг етакчи олимлари билан ҳамкорликда тупроқнинг унумдорлигини комплекс баҳолаш бўйича жаҳон андозаларига мос келадиган услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Олим 1991–1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ишлаган пайтда ерларни муҳофаза қилиш, унга етказилган зарарни қоплаш, ердан оқилона ва самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

1996 йилнинг январь ойидан бошлаб, у Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини вазифасига, 1999 йилдан эса директор лавозимига тайинланди. Бу лавозимларда унинг нафақат йирик тупроқшунос олим, балки катта фан ташкилотчиси эканлиги намоён бўлди.

1999 йилдан бошлаб Рамазон ака раҳбарлигида ва бевосита иштирокида хўжалик, туман ва вилоятларнинг тупроқ хариталарини янгилаш ва унумдорлигини баҳолаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Тупроқ хариталарини тузишнинг янги замонавий технологиялари жорий этилди.

Олим бошчилигида “Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича йўриқнома” ва “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича кўрсатма”лар такомишлатирилди ва республикамиздаги барча фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ердан фойдаланувчи субъектларнинг суғориладиган ерларида электрон рақамли тупроқ хариталарини тузиш, уларнинг базасини яратиш ва шакллантириб бориш ҳамда тупроқларни баҳолашнинг технологик тизими яратилди.

Олинган натижалар республиканинг турли ҳудудларида тупроқ-экологик шароитни яхшилаш, қишлоқ хўжалик экинлари ерларининг сифати ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб жойлаштириш, ер кадастрини юритиш, умуман, сув-ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлмоқда.

Унинг раҳбарлигида республикада биринчи марта “Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш тўғрисида”ги Низом ва услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Шу ҳужжат асосида ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ер мониторингини ташкил этишнинг дастлабки тайёргарлик ишлари тугалланиб, доимий кузатув ишлари олиб борилмоқда.

Олим Хитой, Ҳиндистон, Германия, Япония, Испания, Россия, Қозоғистон, Белорусь ва Украина каби бир қатор мамлакатларда республикамиз тупроқшунослари олиб бораётган тадқиқот ишларининг натижалари ва ютуқлари ҳақида маърузалари билан қатнашди.

Рамазон Қўзиев иш фаолияти давомида кўплаб нуфузли илмий кенгашлар аъзоси сифатида аграр соҳа фанининг устувор йўналашларини белгилаш ва уларни амалга ошириш ишига катта ҳисса қўшди. 1999–2012 йилларда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти қошидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш раиси, 2013–2017 йилларда ПСУЕАИТИ қошидаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, 2017 йилдан бошлаб Тупроқшунослик ва агрокимё илмий–тадқиқот институти қошидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 5 нафар фан номзоди, 4 нафар фалсафа фанлари доктори (PhD), 3 нафар фан доктори тайёрланган. Шунингдек, олим Оролбўйи ҳудудлари тупроқ қоплами шаклланиши ва трансформацияси қонуниятларини тадқиқ этишга қаратилган илмий амалий, фундаментал лойиҳаларга раҳбарлик қилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқди.

Рамазон ака оилапарвар инсон, уч нафар фарзанднинг отаси, 7 нафар набиранинг бобоси. Фарзандлари юртимиз ва хориж мамлакатларининг нуфузли университетларида таҳсил олишган.

***Биз таваллудининг 70 йиллигини қаршилаётган ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, республикамиз тарққиёти, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва тупроқшунослик фанларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-амалий, илмий ишларига муваффақиятлар тилаймиз.***

**Институт жамоаси**

# ОҚИЛ ВА ОДИЛ ОЛИМ

## Техника фанлари доктори, профессор, математик-моделчи Савет Худойқулов портретига чизгилар

Бу инсон билан суҳбатимиз доим узоқ давом этади. Ана шундай гурунгларимиз жараёнида унинг табиатидан, илм ва ҳаёт йўлидан бир қадар воқиф бўлдим ва олим ҳақида қуйидагиларни қораладим.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти билан таҳририятимиз бир бинода жойлашган – қўшни. Савет ака мазкур институтда ишлайди. Гоҳида кўринмай қолган кезларидан сўнг сўрашганимизда аллақайси илмий кенгашда бўлгани ёки бирор шогирди илмий ишини ҳимоя қилгани ёхуд қайсидир илми толибга тақризчи эканлигини айтади. Олим аҳлини илмий машваратларга таклиф қилади-да, у ҳофиз ёки ошпаз бўлса, тўйма-тўй юрарди, дея ҳазиллашган бўламан. У мийиғида кулиб қўяди.

Илм – уммон. Унга қанча чуқур кириб борган одам ҳаётда шунча содда бўлар экан. Савет ака математик моделлаштиришда қанчалар билимдон бўлса, табиатан ўта содда, озроқ саркаш. У оддий ҳаётий жараёнлардан баъзан ҳайратланади, баъзан ажабланади. Гоҳида “ақли етмай, қовун тушириб қўяди”. Назаримда у бундай ҳолатга саркашлигидан эмас, соддалигидан тушиб қолади.

Шоирнинг қуроли – сўз, мусиқачиники – оҳанг, рассомники – ранглар, кулолники – лой ва ҳоказо. Математик эса, тенгламалар билан тиллашади, ишлайди. Бу фанда сохталик, риёкорлик йўқ. Ўзи айтганидек, “барча жойда ёлғон аралашиши мумкин, фақат математика бундан мустасно”.

Математик бўлиш юксак иқтидорли кишиларгагина насиб этади. Олимнинг устозларидан бири, машҳур ўзбек математиги Халил Раҳматулин таъкидлаганидек, “математика шундай боғки, унга кириш ҳаммага ҳам насиб этмайди.” Математика – фанларнинг шоҳи, деб бежиз айтмайдилар.

С.Худойқуловдаги ақлий қобилият, иқтидор бу боғга кириш имконини берган. У фан доктори, профессор. Талабалик дўсти, доцент Бахтиёр Қодиров олимни шундай таърифлайди: “Савет илмда ҳам, ҳаётда ҳам тўғрисўз инсон. У биз курсдошларининг, дўст-биродарларининг ютуқларидан қалбан хурсанд бўлади, хатоларидан ўксинади, оғир онларида маънан қўллаб-қувватлайди. Демоқчиманки, у



оқибатли дўст. Шунинг учун ҳам курсдошлар орасида унинг мартабаси юқори”.

Ҳа, олимнинг жамиятдаги даражасини мансаб ёки моддий бойликлар эмас, аввало илмда эришган натижалари, устоз-шогирдлари ва дўст-биродарлари орасидаги ибратли фазилатлари белгилайди. Мана шуни мартаба дейдилар.

У мансабга интилмайди, лекин олий ўқув юртларида биринчи раҳбарликдан бошқа барча пиллапояларни босиб ўтган. 45 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида қаерда, қандай лавозим ва вазифада ишламасин, унга виждони асосий мезон бўлиб келди. Шу боис, бугун унинг виждони пок, кўнгли хотиржам, жамиятда юзи ёруғ.

Кимгадир мансаб безак, кимдир мансабга безак. Масалан, олимнинг устози Оқил Салимовнинг жамоат ва фан арбоби сифатида халқимиз орасида обрў-эътибори жуда баланд. Оқил Умрзоқович мазкур мартабага мансаблари билан эмас, балки юксак инсоний фазилатлари, раҳбарлик иқтидори билан эришган. Бу ҳар бир инсон учун одил ҳаёт йўлидир. Савет ака, ўзи ва шогирдлари ҳам илм ва жамиятда устози каби шундай ҳалол йўлдан юриш тарафдори. Зеро, улуғларга эргашган улғаяди. Майдаларга эргашган, майдалашади.

Унга Х.Раҳматулин, С.Сирожиддинов, Т.Саримсоқов, Т.Рашидов каби ўтган асрнинг забардаст математикларининг назари тушган. Улардан сабоқ, ўгит олган. Бу ҳам бир саодат.

Энди олимнинг таржимаи ҳолига мухтасар тўхталсак, унинг болалиги Жиззах тоғларида, ўсмирлик даври Мирзачўлда ўтган ва ўрта мактабни тамомлаганидан буён пойтахтда. Ўрта мактабни “олтин медаль”, олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган.

6 ёшида онаси Инобатхон ая, 11 ёшида отаси Эшонкул ака авто ҳалокатда фожиали ҳалок бўлиб, у ва синглиси Маҳбубахоннинг тақдири опаси Маъсудахоннинг қўлида қолади. Опахон етимларга ҳам ота, ҳам она бўлди, кундузи ишлаб, кечки мактабда ўқиди. Аввал, укаси ва синглисини ўқитиб, олий маълумотли қилди. Ўзи эса, улардан кейин ўқиб, адабиёт ўқитувчиси бўлди. “Мусибат иродани чархлайди”, деб ёзганди Л.Толстой. Етимлик мусибатларидан иродаси чархланиб, улғайган Олимнинг болаликдаги зулматли даврини опаси Маъсудахоннинг меҳри нурафшон этиб туради...

Илм йўли қуйидагича: 130 дан ортиқ илмий мақола, 7 та монография ва 3 та дарслик муаллифи сифатида у илмда эришган натижалари билан халқаро илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган ўзбек олимларидан. 9 нафар ёш тадқиқотчининг устози. Уларнинг сафи ортиб бормоқда.

Фарзандлар борасида у толеи баланд ота. 6 нафар болаларининг ҳаммаси ўқимишли, баодоб. Уларда отасининг тенгламалар билан тиллашиш ва жиндак саркашлигидан бошқа ҳамма жиҳатлари мужассам. Рафиқаси кўз шифокори. Мактабда синфдоши бўлган опахон 45 йилдан буён Савет аканинг қалбига, умр йўлига зиё бағишлаб келмоқда.

Мазкур мақолани С.Худойқуловнинг 70 ёшни қаршилаётгани баҳонасида ёздим. Олимнинг йўли спортчиникига қараганда мутлақо тескари. Спортчи 40 ёшга кирмай толиқади, олим 70 ёшда етилади. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов “Пиллапоя бўлдим сенга, азизим, кези келса сен ҳам пиллапоя бўл”, деб ёзганидек, Савет акага ва у каби забардаст фидойи олимларимизга Ўзбекистонимизнинг бўлажак математикларига пиллапоя бўлишларини ва улар орасидан даҳолар етишиб чиқишини тилаб қоламиз.

**Т. МУҲАММАД**

# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

**МУАССИСЛАР:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

**Бош муҳаррир:**

Тоҳир ДОЛИЕВ



**Таҳрир ҳайъати:**

Аброл ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Бахром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ



2019 йил, №8. Август

Журнал 1922 йил октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкилотлар учун – 895


## МУНДАРИЖА


Устувор вазифалар белгилаб олинди ... 1
Янги ташкилотдаги янгиликлар ... 2
Сирдарё вилоятидаги пахтачилик фермер хўжаликлари ҳамда кластерлари ишчи ва ходимларининг мамлакатимизнинг миришкор фермер ва деҳқонларига мурожаати ... 3
**Ш.АБДУАЛИМОВ.** Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи ... 5
**Ф.ТЕШАЕВ, С.АЛЛАНАЗАРОВ, У.АБДУРАХМАНОВ.** Ғўза дефолиацияси – муҳим тадбир ... 6
**М.ТОШБОЛТАЕВ.** Дори пуркагич агрегатини самарали ишлатиш ... 7
**Р.АБДУЛЛАЕВ.** Боғбон-соҳибкорлар учун қизғин палла ... 8
**Ҳ.АБДУЛЛАЕВА.** Қулупнайдан даромад қилай десангиз ... 10
**Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ.** Миришкорга далада ҳам, иссиқхонада ҳам иш бисёр ... 10
Мўъжаз туманнинг залворли ютуғи ... 12
**Г.АЛИМОВА.** Замонавий технологиялар – тежамкорлик ва юқори ҳосил гарови ... 13
Мелиорация тадбирлари — мўл ҳосига замин ... 15
**К.ЭРГАШЕВ.** Темурбекнинг наслли қуёнлари ... 16
Халқимизнинг матонати ва бирдамлиги рамзи ... 17
Ободлик меъморлари ... 18
**Ш.НОРМУРОДОВ.** Мўъжизакор томчилар ... 19
**Х.КАРИМОВ.** Фермер ташаббусга қўл урди ... 20
Далаларда ҳосил мўл ... 21
Қатра сувнинг қадрига етиб ... 22
**Б.БАБАДЖАНОВ.** Ҳаётга изчил татбиқ этилаётган лойиҳа ... 23
**А.ТОИРОВ.** Ўзбекистон — асл асал ватани ... 24
Ишчилар ўзидек бой... ... 26
**Ш. ЖАББАРОВА.** Фаровонлик йўлидаги улуғ мақсадлар ... 27
**Р.ТОЖАЛИЕВА.** Бахт ва омад калити — яхшилик ва ҳалолликда ... 28
**Р.ЮСУПОВА.** Дилларни яшнатгувчи маскан ... 29
Ўз соҳасининг билимдони ... 30
Шукроналик саодати ... 31
**А.САИТОВ, И.КОЛЕСНИКОВ.** Дон махсулотларини куритиш учун ўта юқори частотали (ЎЮЧ) электромагнит майдонини қўллаш ... 32
**В.АВТОНОМОВ, Ё.КУРБОНОВ, А.АШИРКУЛОВ, А.РАВШАНОВ, Р.СУПИЕВ, Ф.КУШАНОВ.** Выделение селекционно-значимого исходного материала и создание на его базе гак-популяций различных поколений ... 33
**А.МЕЙЛИЕВ.** Қаттиқ буғдой етиштириш — долзарб муаммо ... 34
**Б.ЭСОНОВ.** Ҳисобчилар учун муҳим қўлланма ... 35
**А.ҲАМЗАЕВ. Б.МАВЛОНОВ, В.ИСМОИЛОВ.** Жавдар ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва маъдан ўғитларнинг таъсири ... 36
**О.СОТТОРОВ.** Соя навлари поя баландлигига суғориш тартибларининг таъсири ... 37
**С.МИСИРОВА.** Наманган вилояти шароитида етиштирилаётган лола ўсимлигидаги касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг морфо-биологик хусусиятлари ... 38
**Х.НАЗАРОВ.** Маккажўхори: озиқ-овқат ва ем-хашак учун бебаҳо ўсимлик ... 39
**С.АМИНОВ, М.КАЙПОВ, К.ИБРАГИМОВ.** Орудия для предпосевной обработки почвы ... 40
**К.БАЙМЕТОВ, М.ТУРДИЕВА, П.НАЗАРОВ.** Освоение деградированных земель путем использования сортов плодовых культур устойчивых к стрессовым факторам среды ... 41
**И.ИСЛОМОВ.** Водопотребление люцерной на аллювиально-луговой почве Бухарской области ... 42
**А.БУТАЯРОВ.** Фермер хўжаликлари ирригация ва мелиорация тизимларининг иш ишончлилиги ... 44
**Н.ТОИРОВ.** Ўн йил изтироби ... 45
Тупроқшунослик илми етакчиси ... 46
**Т.МУҲАММАД.** Оқил ва одил олим ... 47



Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.



**Манзилимиз:** 100004, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
**Тел:** +998 71-242-13-54, +998 71-242-13-24.
**www.qxjurnal.uz**
**E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru, qxjurnal@agro.uz**



© **«O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi»**



Босмахонага топширилди: 2019 йил 27 июль. Босишга рухсат этилди: 2019 йил 29 июль. Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №28. Нусхаси дона.
**«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.**
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**